

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X **QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI**

№11. 2019



**ХИРМОНИНГИЗГА БАРАКА,
АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР!**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кейингйилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан, соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг мавжуд эмаслиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, соҳага инвестицияларни кенг жалб этишга, ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даромад олишига ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, соҳага бозор механизмларини, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

халқаро ташилотлар ва экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси** (кейинги ўринларда – Стратегия) **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича “Йўл харита”си (кейинги ўринларда – “Йўл харита”си) **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рақибини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш,

сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни назарда тутувчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тузилмасини реструктуризация қилиш ва янада ривожлантиришни назарда тутувчи бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш;

фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш;

қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарали шакллари қўллашни назарда тутувчи илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга кўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларини жорий этишни назарда тутувчи тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини яратиш.

3. **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш** (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) **3-иловага** мувофиқ таркибда тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи** этиб белгилансин.

4. Мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Н.Арипов):

Стратегиянинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин ҳамда белгиланган индикаторларга эришиш устидан доимий мониторинг олиб борсин;

бир ой муддатда Стратегиянинг ҳар бир асосий йўналиши бўйича малакали мутахассислардан, шу жумладан, хорижий экспертлардан иборат таркибда доимий ишловчи ишчи гуруҳларини, уларга халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар грантлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгиланган ҳолда шакллантирсин;

Стратегия ва «Йўл харита»сини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари сифатли ва ўз муддатида ишлаб чиқирилиши ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

ҳар йили 1 декабрга қадар жорий йил учун белгиланган вазифаларнинг бажарилишини чуқур таҳлил этган ҳолда Стратегияни амалга ошириш юзасидан келгуси йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси сифатли ишлаб чиқирилиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини ташкил этсин;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига Стратегияни амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар ҳақида ахборот тақдим этиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **бир ой муддатда** мазкур Фармонда назарда тутилган вазифаларнинг тўлиқ ва ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш мақсадида вазирлик тузилмасида қўшимча 4 та штат бирлигидан иборат масъул бошқарма ташкил этсин ҳамда хорижий экспертлар жалб этилишини таъминласин.

Хорижий экспертларни жалб этиш вазирликнинг бюджетдан ташқари ҳамда халқаро молия институтларининг грант ва техник кўмак маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни

амалга ошириш агентлиги ташкил этилганлиги ҳамда унга сув хўжалиги соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги мавжуд инвестиция лойиҳалари, лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари, шунингдек, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва шартномалар сақлаб қолинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибига ўтказилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетлари параметрларида қишлоқ хўжалиги харажатлари таркибини диверсификация қилишнинг мақсадли йўналишлари 4-иловага мувофиқ белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Стратегия ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг ахборотлари ҳар чоракда Сенат, Қонунчилик палатаси ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг мажлисларида эшитиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 23 октябрь.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли институционал ислохотлар доирасида сув ҳўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, сув ресурсларини бошқариш тамойиллари ва тизимини такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, сув ҳўжалиги ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалигини ислох қилиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазкур соҳада бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш асосида сув ҳўжалиги инфратузилмасини янада яхшилашни талаб этмоқда.

Сув ресурсларини бошқариш ва сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, ирригация ва мелиорация лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш, сув ҳўжалигини бошқариш соҳасида бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, шунингдек, ушбу соҳада илм-фанни ривожлантириш мақсадида:

1. 2022 йил охиригача Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги раҳбарияти фаолиятининг қуйидаги **устувор йўналишлари ва самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари** белгилансин:

а) сув ҳўжалиги вазири қуйидагилар учун шахсан жавобгардир: сув ҳўжалиги соҳасида олиб борилаётган **ислохотлар самарадорлигини таъминлаш**, сув ресурсларини бошқариш соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

2020-2030 йилларда сув ҳўжалигини ривожлантириш концепциясини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш;

2020 йилдан бошлаб сув ҳўжалиги ташкилотларининг сув етказиб бериш бўйича харажатларининг бир қисmini сув истеъмолчилари томонидан қоплаш механизмларини босқичма-босқич жорий этиш;

сув ҳўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар, қарзлар ва грантлар жалб қилишни кенгайтириш орқали **сув ҳўжалиги объектларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш харажатларининг жами ҳажмидаги бюджет маблағлари улушини босқичма-босқич камайтириш**;

сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига фаол кўмаклашиш, замонавий суғориш тизимларини ишлаб чиқариш қувватларини хусусий инвестициялар жалб қилиш ҳисобига кенгайтириш орқали **сув тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда суғориладиган ерларнинг улушини суғориладиган ерлар умумий майдонининг камида 10 фоизигача етказиш**;

б) вазирнинг биринчи ўринбосари қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:

сув ҳўжалигини институционал, техник ва технологик ривожлантириш, ушбу соҳада фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш;

сув ҳўжалиги объектларидаги қурилиш-монтаж ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш ҳисобига уларнинг таннари пасайтирилишини таъминлаш;

сув ресурсларини бошқариш соҳасида бозор механизмларини жорий этиш, сув ҳўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш орқали **фойдаланиш харажатларини камида 15 фоизга қисқартириш**;

сув ҳўжалиги соҳасидаги илмий ва илмий-техник фаолиятнинг жадал ривожлантирилишини таъминлаш, сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ҳисобига **сув ҳўжалиги соҳасидаги долзарб йўналишлар бўйича камида 10 та илмий ва инновацион ишланмани амалиётга жорий этиш**;

в) вазирнинг ўринбосарлари қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:

сув ҳўжалигини инновацион ривожлантириш, илмий ишланмалар натижаларини, сув ҳўжалигини бошқариш ва сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланишнинг илғор усулларини амалиётга фаол жорий этиш;

замонавий технологияларни қўллаган ҳолда сув ҳўжалигининг суғориш тизимларини модернизация, реконструкция қилиш ва таъмирлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали **суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентини ҳар йили республика бўйича ўртача камида 1 фоизга ошириш**;

энергия тежовчи ва энергия самарадор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, насос станциялари иш режимини тартибга солишнинг самарали усулларини жорий этиш ҳисобига **сув ҳўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камида 10 фоизга қисқартириш**;

сув-туз балансини юритиш механизмларини такомиллаштириш, ер ости сувларини меъёрда ушлаб туриш, шунингдек, мелиорация ишлари самарадорлигини ошириш орқали **шўрланган ер майдонлари улушини 45 фоизгача камайтириш**;

сув ҳўжалиги объектларини бошқариш ва улардан фойдаланиш жараёنларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига **300 та сув ҳўжалиги иншооти ва гидроузелда сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш**;

сув истеъмолчилари уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ролини ошириш, шунингдек, улар фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш орқали **сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини тубдан ривожлантириш**.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

сув ҳўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳаларни шакллантириш ва ишлаб чиқиш, шунингдек,

уларни, шу жумладан, хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш орқали **амалга ошириш** учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув ҳўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигини** (кейинги ўринларда – Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги) ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмаси (кейинги ўринларда – “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмаси) негизида **“Ўзсувқурилиш” акциядорлик жамиятини** (кейинги ўринларда – “Ўзсувқурилиш” АЖ) ташкил этиш, шунингдек, 1-иловага мувофиқ “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмаси таркибига кирувчи давлат унитар корхоналарини масъулияти чекланган жамиятларга айлантириш;

Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги бюджет ташкилотларининг штатлар сонини 2019 йил 1 ноябрдан **10 фоизга**, 2020 йил 1 январдан кўшимча равишда **10 фоизга**, шу жумладан, бошқарув ходимлари сонини мазкур қарорга мувофиқ **83 бирликка босқичма-босқич мақбуллаштириш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Белгилансинки:

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазирлигининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор бошчилик қилади;

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ходимларига Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

“Ўзсувқурилиш” АЖ “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмасининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлар ўзгартирилаётган тегишли давлат унитар корхоналарининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлар устав капитали 1-иловада кўрсатилган ўзгартирилаётган давлат унитар корхоналарининг мол-мулкларини қолдиқ қийматида ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

“Ўзсувқурилиш” АЖ устав капитали қайта ташкил этилаётган “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмасининг мол-мулкларини қолдиқ қийматида, шунингдек, ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлардаги давлат улушини ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

“Ўзсувқурилиш” АЖ устав капиталидаги акциялар давлат пакети бўйича акциядор функцияларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги амалга оширади;

қайта ташкил этилаётган “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бошқарув ходимлари штатлар сони Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимида сақланиб қолинади;

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимининг штатлар сонини мазкур қарорга мувофиқ мақбуллаштиришдан бўшайдиган маблағлар Сув ҳўжалиги вазирлиги идора ва ташкилотлари ходимларининг базавий тариф ставкаларига **2019 йил 1 ноябрдан 1,1 ва 2020 йил 1 январдан 1,2 миқдорда тузатиш коэффициентини қўллаш ҳисобига уларнинг иш ҳақини оширишга йўналтирилади**.

4. Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги бошқарув ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги

вазирлиги тизими бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида **26 бирлик** этиб белгилансин.

5. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув ҳўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг тузилмаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазирлиги, зарур ҳолларда, Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган **Сув ресурсларини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси”** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига ушбу кичик бандда назарда тутилган “Йўл харитаси”га киритилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан:

Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги **насос станциялари ва энергетика бошқармаларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ўтказилади**;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларининг **белгиланган лимитдан ортиқча электр энергияси учун тўлов харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларининг кўшимча манбалари ҳисобидан қопланади**;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларининг **электр энергияси истеъмоли учун фойдаланилмаган лимитидан тежаб қолинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда насос станциялари ва энергетика объектларини техник жиҳатдан ривожлантиришга йўналтирилади**.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, шунингдек, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотларининг:

4-иловага мувофиқ ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотлари негизида **Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини меҳанизациялаш муҳандислари институти** (кейинги ўринларда – Институт) **соҳага оид кафедраларининг ихтисослаштирилган синфларини жойлаштириш**;

илмий ва профессор-ўқитувчилар таркибидан, лойиҳа институтлари вакилларида, шу жумладан, чет эл мутахассисларидан иборат бўлган, шунингдек, сув ҳўжалигида лойиҳалаштиришнинг замонавий усуллари ва стандартларига амалиётда ўқитиш учун иқтидорли талабаларни жалб қилган ҳолда **Институт ҳузурида ихтисослаштирилган лойиҳа гуруҳини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

а) Институт соҳага оид кафедраларининг тегишли ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотлари негизида жойлаштирила-

ётган ихтисослаштирилган синфларида талабаларнинг амалий ва лаборатория машғулотларини, шунингдек, ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ўташи “ишлаб чиқаришда бир кунлик машғулот” тамойили бўйича амалга оширилади;

б) Институт ҳузуридаги ихтисослаштирилган лойиҳа гуруҳининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

сув ҳўжалиги ва аҳоли пунктлари сув таъминоти объектлари қурилиши, реконструкция ва модернизация қилинишини лойиҳалаштириш;

сув ҳўжалиги ва сув таъминоти соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини ва лойиҳалар амалга оширилишини илмий-техник жиҳатдан кузатиб бориш;

сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланишнинг ишончилиги ва хавфсизлигини, шунингдек, сув ҳўжалиги объектларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва уларни ҳисоблаш асосларини ишлаб чиқиш.

8. 2020 йил 1 январдан:

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилган ҳолда сув ҳўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янгидан амалга ошириладиган лойиҳаларга кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича махсус компонент киритиш;

илмий ва илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида сув ҳўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг ҳисоб-китобида лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматининг 10 фоизига миқдорда қўшимча маблағлар киритиш амалиётга мажбурий жорий этилсин.

Белгилансинки:

ушбу банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган маблағларнинг 50 фоизи лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни молиялаштиришга йўналтирилади, уларга фақат маҳаллий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, шунингдек, алоҳида олимлар белгиланган тартибда жалб қилинади;

ушбу банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган маблағларнинг қолган 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув ҳўжалигини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади. Бунда мазкур маблағлар фақат сув ҳўжалиги соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш мақсадида республика таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига грантлар ажратиш учун сарфланади.

9. 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ сув ҳўжалиги ташкилотлари раҳбарлари ҳар чоракда тегишли туман халқ депутатлари Кенгашига сув ресурсларини бошқариш, сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини яхшилаш, шунингдек, ушбу туманда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш ҳолати тўғрисида ҳисобот киритади.

Вилоятлар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларига халқ депутатлари Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари иш режаларини ишлаб чиқишда ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сув ҳўжалиги соҳасидаги ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборотини бир йилда камида икки марта эшитишни назарда тутиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини ривожлантиришни, шу жумладан, бошқарув тизимини такомиллаштириш, сув истеъмолчилари уюшмаларининг молиявий барқарорлигини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун йўғимлар тўлиқ тушишини таъминлаш, шунингдек, сув истеъмолчилари уюшмалари жойлашувини ва улар томонидан хизмат

кўрсатилаётган ҳудудлар чегараларини қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи ҳукумат қарори қабул қилинишини;

икки ой муддатда 5-иловада кўрсатилган инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари, шунингдек, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва шартномалар Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига ўтказилишини;

Ўзбекистон Республикаси номида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари манзилига Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги сув ҳўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ижрочи агентлик этиб белгиланганлиги тўғрисидаги хабарномалар юборилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги:

а) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув ҳўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда:

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигини сақлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши;

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига ўтказилаётган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари белгиланган тартибда фаолияти 5-иловада кўрсатилган инвестиция лойиҳалари доирасида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган юридик шахсларга ўзгартирилиши назарда тутилсин;

б) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда:

6-иловага мувофиқ сув ҳўжалиги объектларини қуриш ва модернизация қилиш бўйича устувор инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин; кўрсатилган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилишига қараб, уларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Сув ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимининг штатлар сони мақбуллаштирилиши натижасида ишдан бўшатиладиган ходимларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича чоралар кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3672-сон қарорига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Ғуломов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тубдан ислоҳ қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида сув тежовчи технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари 2019 йилнинг ўзида қўшимча 33,2 минг гектарда сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилишини таъминлаш имконини берди, бу эса шу каби технологиялар қўлланилаётган ерлар умумий майдонининг 44 фоизини ташкил этди.

Бироқ сув тежовчи суғориш технологиялари қўлланилаётган умумий майдон атиги 75 минг гектарни ёки умумий суғориладиган ер майдонларининг 1,7 фоизини ташкил этаётгани қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялардан фойдаланишни кенгайтиришга ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни янада фаоллаштириш заруратини тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишни рағбатлантириш механизмларини янада кенгайтириш ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерлари ҳосилдорлиги даражасини яхшилаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон Фармонига мувофиқ **2019-2022 йиллар давомида 253 381 гектар экин майдонига сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари** тасдиқланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг:

2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4087-сон қарорига мувофиқ пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига **томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун пахта хом ашёси экиладиган майдоннинг ҳар бир гектари учун 8 миллион сўм** миқдорда субсидиялар тақдим этилаётганлиги;

2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4161-сон қарорига мувофиқ янги узум плантацияларини яратиш мақсадида **томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилишга узум экиладиган майдоннинг ҳар бир гектари учун 8 миллион сўм** миқдорда субсидиялар тақдим этилаётганлиги;

2019 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4246-сон қарорига мувофиқ янги боғлар ва иссиқхона хўжаликларини яратиш мақсадида **сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишга экин майдонининг ҳар бир гектари учун 6 миллион сўмдан ошмаган миқдорда** субсидиялар тақдим этилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги

вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **2020 йилда 43 825 гектарда**, шу жумладан:

24 859 гектар – пахта экин майдонларида;

11 498 гектар – мевали экин майдонларида;

4 987 гектар – узумзорларда;

2 481 гектар – бошқа экин майдонларида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича **тасдиқланган прогноз кўрсаткичларининг самарали бажарилишини таъминласин.**

2. **2020 йил 1 январдан сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби** белгилансин:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини, шунингдек, уларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 1-иловага мувофиқ **субсидиялар** тақдим этилади;

бюджет маблағларини олувчилар билан тузиладиган **импорт шартномаларини мажбурий экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш талаби** қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича ишлар доирасида тузиладиган импорт шартномаларига татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ ушбу банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4087-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга қўмақлашувчи ишчи гуруҳларга қишлоқ хўжалиги экинларини ишлаб чиқаришда сув тежовчи суғориш технологияларининг барча турларини жорий этиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш бўйича қўшимча вазибалар юклатилсин.

4. Белгилансинки:

а) **сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилишини таъминлаш учун сув етказиб бериш насос станциялари ва насос агрегатлари ёрдамида**, шу жумладан, суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқларидан амалга оширилаётган **экин майдонлари устувор ҳисобланади**;

б) **2020 йил 1 январдан** ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи **қишлоқ хўжалиги корхоналарини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби** бекор қилинади;

в) **2022 йил 1 январдан**:

пахта хом ашёси ва бошқоқ дон етиштириш учун насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қилган **электр энергияси қиймати**ни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан **субсидиялар ҳисобига қоплаш тартиби** фақат сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига татбиқ этилади;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан сув хўжалиги ташкилотларининг суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқларидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун фойдаланишга сув тежовчи суғориш технологияларини қўллаш шарти билан рухсат этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 20 ноябрга қадар ҳудудлар ва экин майдонларини кўрсатган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари ва сув тежовчи суғориш тизимлари турлари кесимида 2020 йил учун сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш манзилли дастури ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда мазкур қарорга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

сув тежовчи суғориш тизимларининг бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш соҳасида саноат тармоқлари ўртасидаги ўзаро кооперацияни кенгайтириш бўйича мавжуд имкониятларни ўргансин;

сув тежовчи суғориш тизимларининг маҳаллийлаштирилиши лозим бўлган бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмларининг аниқ рўйхатини мавжуд хом ашё ресурсларини иноватга олган ҳолда шакллантирсин;

2020-2022 йилларда сув тежовчи суғориш тизимлари ҳамда уларнинг бутловчи буюмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва унинг қувватларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлати, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси, Туркия Республикасидаги элчихоналари ва мамлакатнинг хориждаги бошқа дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда:

сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишни кенгайтиришда, шунингдек, мамлакат ҳудудларида сув тежовчи суғориш тизимлари ҳамда уларнинг бутловчи буюмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун чет эл инвесторларини жалб қилишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қўмаклашишни;

2020 йил 1 июнга қадар ушбу банд ижроси доирасида кўрилаётган чоралар тўғрисида ҳар ой Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар сув хўжалиги насос станцияларида Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига мос келувчи ўлчов асбоблари жорий этилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

а) қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олимлар ва экспертларни жалб қилган ҳолда 2019 йилда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш самарадорлиги юзасидан ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил ўтказсин, уларнинг натижалари асосида:

2019 йил 15 декабрга қадар сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш натижалари ва ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин;

2020 йил 1 февралга қадар ҳудудлар, суғориладиган далалар ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳамда уларнинг навлари хусусиятларидан келиб чиқиб, сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш ва қўллаш бўйича услубий тавсияларни, шунингдек, улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) 2020-2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидагиларни назарда тутсин: 2021-2025 йилларда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишнинг асосий йўналишлари ва устувор ҳудудлари, шунингдек, 2030 йилгача мақсадли мўлжалларни;

сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган майдонлар ўлчамини иноватга олган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини босқичма-босқич ошириш ҳамда насос станцияларини бошқаришни мақбуллаштиришни;

сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш тадбирларини халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг грантлари ҳамда узоқ муддатли имтиёзли кредитларини жалб қилиш ҳисобидан молиялаштириш тартибига ўтиш ва харажатларининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплаш механизмларини жорий этишни;

алоҳида сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилишни босқичма-босқич йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги кластерларига беришни;

в) қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш, улардан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қисқа муддатли сайёр ўқитиш курсларини ўтказишни назарда тутувчи режа-график ва ўқув дастурини ишлаб чиқсин;

г) қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 февралга қадар мазкур қарорнинг ижро этилиши ҳолати ва натижалари таҳлили асосида қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг сув тежовчи технологияларини жорий этиш прогноз кўрсаткичларини ошириш, шунингдек, ушбу тадбирларни молиялаштириш манбалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

д) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июлга қадар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан сув хўжалиги ташкилотларининг суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқларидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун фойдаланиш тартибини сув тежовчи суғориш технологияларини мажбурий тартибда қўллаш бўйича талаб киритилишини иноватга олган ҳолда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва вазифалари, шунингдек, жойларда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш жараёнлари ҳамда натижаларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 25 октябрь.

МАМЛАКАТИМИЗ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Ўзбекистонда 41 та қишлоқ хўжалиги бирлашмалари томонидан ишлаб чиқилган 3,3 минг тоннадан ортиқ маҳсулотлар экспорт қилинди

Мамлакатимиз раҳбарининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросига бағишланган матбуот анжумани Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилди.

Тадбирда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши вакиллари, тегишли бошлиқлари ва вилоятлардаги қишлоқ хўжалиги кооперациялар масъуллари иштирок этиб, мазкур ҳужжат асосида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар ва тизимдаги муаммолар ҳақида гапирди.

Маълумки, ушбу қарор бўйича тажриба синов тариқасида Жиззах вилоятининг Зомин, Ғаллаорол туманларида, Самарқанд вилоятининг Булунғур ва Ургут туманларида, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Паркент туманларида, Фарғона вилоятининг Олтиариқ ва Қува туманларида жами 41 та мева-сабзавотчилик йўналишида қишлоқ хўжалиги бирлашмаси ташкил этилди. Уларга қарийб 27 минг гектардан ортиқ майдонда фаолият юритувчи 1 минг 128 та фермер хўжалиги, 22 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи, 29 та экспортёр, 10 та тайёрлов корхоналари ва 3 та бошқа ташкилотлар жами 1192 та субъект ихтиёрий аъзо бўлган.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва аъзолари ихтиёрида 24,4 минг тонна сиғимли музлатгичли омборхоналар, 20,3 минг тонна мева-сабзавотларни қайта ишлаш қувватлари, 1,9 минг тонна маҳсулотларни қадоқлаш имконига эга цехлар, 600 тонна қувватга эга мева-сабзавотни саралаш шахобчалари, махсус юк ташиш транспортлари ва қишлоқ хўжалик техникалари мавжуд.

– Айни пайтда ҳудудлардаги қишлоқ хўжалиги бирлашмалари томонидан 63,9 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан қиймати 2 миллион



96 минг долларлик 3,3 минг тоннадан ортиқ маҳсулотлар экспорт қилинган. Тизимни янада такомиллаштириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан мунтазам халқаро экспортларни жалб этган ҳолда қишлоқ хўжалик бирлашмалари ходимлари ва уларнинг аъзолари бўлган фермер хўжаликларини кооперация муносабатлари бўйича билим ва кўникмаларини ошириш юзасидан ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг Тошкентдаги ваколатхонаси билан биргаликда ташкил этилган “Кооперативларни бошқариш тамоийллари” мавзусида ўқув-семинарларда Жиззах ва Фарғона вилоятлари қишлоқ хўжалиги бирлашмалари раҳбарлари, вазирликнинг ҳудудий бўлимларидаги аграр тадбиркорлик, агрокластерлар ва хўжалик бирлашмаларини ривожлантиришга масъул бўлган ходимлари фаол қатнашди. Мақсад бу соҳада хориж тажрибасини ўрганиш, мавжуд муаммоларни тизимли бартараф қилишдан иборат, – дейди Аграр тадбиркорлик, агрокластерлар, хўжалик бирлашмалари ва давлат хусусий шерикчиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдулло Йўлдошов.

Матбуот анжуманида қишлоқ хўжалик бирлашмалари вакиллари ҳам ўз фикр-

мулоҳазаларини билдирдилар. Фарғона вилоятининг Қува туманидаги “Qubbo fruit export” қишлоқ хўжалик бирлашмаси бугунга қадар 1 миллион 331,4 минг долларга тенг мева-сабзавот маҳсулотини экспорт қилган.

– Жорий йилги мавсум ҳали яқунланмаган бўлса ҳам кўраётган даромадимиз ўтган йилга нисбатан анча яхши бўлди, – дейди бирлашма раҳбари Ғайратжон Мамадалиев. – Бугунги кунда бирлашмамизда 15 та фермер хўжалиги аъзо сифатида қабул қилинган. Улар билан ҳамкорликда ички ва ташқи бозор эҳтиёжига қараб маҳсулот етказмоқдамиз. Худудимиз 182,2 гектар бўлиб сув етишмовчилиги сезилади. Шунинг учун олиб, келгусида боғдорчилик ва деҳқончиликда томчилатиб суғориш технологиясини кенгроқ қўллашни мақсад қилганмиз.

Тадбирда қишлоқ хўжалиги кооперацияси бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, соҳага кредит лияларини ажратиш, сифатли мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва малакали агрономларни жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуман сўнггида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати.

Бу йил мамлакатимизда барча қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан, пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги “2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити, сув таъминоти, ерларнинг балл-бонитети, ишчи кучи ва техника билан таъминланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда ғўза навлари ва экин схемалари илмий асосланган тавсияларга мувофиқ оқилона жойлаштирилди.

Қарорга асосан республикаимиз бўйича бу йил жами 1033,6 минг гектар майдонга толасининг сифати жаҳон стандартлари ва талабларига жавоб берадиган ғўзанинг тезпишар ва серҳосил навлари минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда 23 та ғўза нави, шу жумладан, 15 та эртапишар, 4 та ўртапишар, 4 та истиқболли навлар ва янги навлар оқилона жойлаштирилди.

Республика бўйича 2019 йилда 338,1 минг гектарга (32,7%) қўшқатор усулида, 480,3 минг гектарга (46,4%) 60 см схемада, 69,3 минг гектарга (6,7%) 76 см схемада ва 145,9 минг гектарга (14,1%) 90 см. ли схемада чигит экилди. Пахта етиштиришга ихтисослашган 27 минг 264 та фермер хўжаликлари билан 2 млн. 958 минг тонна пахта етиштириш бўйича контрактация шартномалари тузилди.

Энг муҳими, жорий йилда ҳукуматимиз томонидан пахта ҳосилини етиштириш учун барча шароит ва имтиёзлар яратиб берилди. Жумладан, пахта хомашёси етиштиришни молиялаштириш ҳамда ғўза парваришида талаб этиладиган моддий ресурсларни етказиб бериш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Хусусан, пахта хомашёси харид нархларининг кескин оширилиши натижасида уруғлик, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа моддий ресурслар ўз вақтида ва белгиланган меъёردа фермер хўжаликларининг даласи бошигача етказиб берилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги об-ҳаво шароити бошқа йилларга умуман ўхшамаганлиги, ғўза парваришида ўта мураккаб вазиятни юзага келтирди. Жумладан, баҳорнинг нисбатан серёғин келиши боис айрим ҳудудларда чигитни мақбул муддатларда экиб, ундириб олишга ўз салбий таъсирини кўрсатди.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилда ғўза парваришида кузатилган қолоқликни бартараф этиш, ғўза ривожини яхшилаш мақсадида ғўзани минерал ўғитлар билан озиклантиришни босқичма-босқич, яъни пахта майдонларининг ҳолатидан келиб чиқиб ўтказиш белгилаб олинди.

Бундан ташқари, жорий йилги об-ҳаво шароити ғўза майдонларида турли зарарли организмларни ривожланиши учун қулай келганлиги сабабли уларга қарши уйғунлашган пахта тизими кучайтирилди.

Пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун республика ҳудудларида агротехник тадбирларни мақбул муддатларда ва сифатли амалга ошириш, ресурслардан самарали фойдаланиш, вегетация жараёнида далааларни

МЎЛ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

бегона ўтдан тозалаш, культивация ишларининг сифатли амалга оширилиш, тупроқдаги намлиқни сақлаш ва зарарли тузларнинг юқорига кўтарилишини олдини олиш, чилпиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш, ғўза дефолиацияси ишларини уйғунлашган тартибда ташкиллаштириш, уруғлик пахтани териб олиш каби агротехника тадбирлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилди.

Шунингдек, республикада пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий шакллари ҳисобланган жорий этиш ва рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пахтачиликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018 йилда 16 тапахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилган бўлса, 2019 йилга келиб уларнинг сони 61 тага етказилди ҳамда республика бўйича 77 та кластер корхоналарига 690 минг гектар ёки 67 фоиз майдонлари бириктириб берилди.

Ишлаб чиқаришнинг замонавий шакллари ҳисобланган кластер корхоналари билан ўзаро ҳамкорликда олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, жойларда пахтачиликда талаб этиладиган моддий-техника ресурслари таъминоти бирмунча яхшиланди.

Жорий йилда республикаимизда 11 минг 220 гектардан зиёд майдонда тежамкор суғориш усуллари, жумладан, томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди. Мазкур майдонларда сув сарфи, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва меҳнат харажатлари сезиларли даражада камайиши баробарида, сув бир меъёردа таъминланиши, экин баравж ўсиб-ривожланиши эъвазига ҳосилдорлик ортади.

Шунингдек, бу йилги пахта йиғим-терим мавсуми уюшқоқлик билан, мутлақо янги тизим асосида ташкил этилди. Айниқса, йиғим-терим ишларини ташкил этишда иштирок этадиган теримчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш ҳамда пахта етиштирувчи хўжаликларнинг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “2019 йил ҳосили пахта хом ашёсини йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан пахта хом ашёсининг машинада терилган 1 тоннаси учун 600 000 сўмдан, қўлда терилган 1 килограмм пахта учун биринчи теримда 800 сўмдан, иккинчи теримда 1 200 сўмдан меҳнат ҳақи тўлангани йиғим-терим ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишда муҳим аҳамият касб этди.

Бир сўз билан айтганда, пахтачиликда самарадорликка эришиш кўп жиҳатдан мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, меҳнатни тўғри ташкил этиш ва омилкорлик билан иш юритишга боғлиқ.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Пахтачилик ва техник экинлар бошқармаси**

ТЎЛИҚ КЎЧАТ — БЎЛИҚ ҲОСИЛ

ёки ғаллачиликда ноябрь ойида амалга ошириладиган чора-тадбирлар

Кузнинг иссиқ, қуруқ келиши ғаллачиликда бир қатор муҳим агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида самарали ва сифатли амалга оширишни талаб этмоқда.

Ғалла майдонларига экилган кузги бошоқли дон экинларини етиштириш ҳамда парваришlash бўйича кузги, қишки ва баҳорги барча агротехник чора-тадбирларнинг ўз вақтида сифатли қилиб ўтказилиши юқори ҳосил ва сифатли дон етиштириш имкониятини беради.

Бу йилги иқлим шароитидан келиб чиқиб суғориладиган деҳқончилик шароитида кузги буғдойдан юқори ҳосил етиштириш учун тупроқдаги намликни меъёрида сақлаш талаб қилинади.

Кузги бошоқли дон экинлари экилган минтақанинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда буғдой етиштириш учун гектарига сарфланадиган сувнинг мавсумий меъёри 3000-4500 куб.м., суғориш меъёри эса 700-800 куб.м. ни ташкил этади.

Институтда ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики, тупроқ намлиги дала нам сифимига нисбатан 70-75 фоиздан кам бўлмаганда буғдойнинг барча ўсиб-ривожланиш фазалари нормал ўтади. Ғалла экиладиган ер майдонларида нам тўплаш мақсадида ерни экишга тайёрлаш олдида, экилган уруғни бир текисда ундириб олиш учун эгат олиб уруғ суви бериш ҳамда ўсув даврида ер шароитини ҳисобга олган ҳолда бир неча марта суғорилади.

Суғориладиган ер шароитида кузги буғдой парвариши — уруғ экилгандан кейин уруғни бир текисда ундириб олиш учун уруғ суви бериш, уруғ экилгандан кейинги кунидан бошланиши керак. Бунинг учун суғориш ўқариқларини олиш ва ўқариқлар узунлиги 50-60 метрдан оширмаслик керак, шундагина сифатли суғориш ва сувдан самарали фойдаланишга замин яратилган бўлади. Уруғ сувидан кейин тупроқ намлиги етарли бўлса, экилган уруғ 8-9 кунда текис униб чиқади.

Эрта ва мақбул муддатда экилган ғалла майдонларида уруғ бир ҳилда текис ундириб олинганда ниҳолларнинг кузги ривож, илдиз тизимини яхши ривожланиши натижасида 3-4 тадан туп ҳосил қилиб қишдан яхши чиқади. Шунингдек, уларда кейинги ўсиб-ривожланиш фазаларининг мақбул муддатларда ўтиши таъминланади.

Ғалла ниҳоллари униб чиққандан 20-25 кун ичида туплаш фазаси бошланади. Агар тупланиш фазаси шу муддатдан кечикса, ҳар гектарига 5 тоннадан чириган гўнг сепиш энг самарали усул ҳисобланади.

Бошоқли дон экинлари эрта ва мақбул муддатларда экилган майдонларда ниҳоллар тўла туплаб, қишлоғга киришга улгуради. Ғалла ниҳолларининг қишлоғга туплаган ҳолда кириши ниҳолларни совуққа, қишга чидамлилигини ошириш билан бир қаторда юқори ҳосилдорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Кўп йиллик илмий ва амалий тажрибалардан маълумки, республикамизнинг аксарият минтақаларида кузнинг охири қишнинг дастлабки ойларида 25-30 кун давомида ўртача ҳаво ҳарорати 5-10°C илқ бўлиб туриши буғдой майсаларининг ривожланиши учун табиий муҳит яратади ва уларни ўсиб-ривожланиши давом этади. Бу даврда буғдой ўсимлиги 1-2 донагача қўшимча туплаши илмий тадқиқотларда кузатилган.

Бошоқли дон экинларини тўлиқ ундириб олиш, қишлоғга туплаган ҳолда киришини ва унинг ривожланишини тезлаштириш ҳамда ғалладан мўл ва сифатли ҳосил олишга эришиш учун бугунги кунда мутахассислар, фермерлар қуйидаги агротехник тадбирларни амалга оширишлари лозим:

униб чиқмаган, ривождан орқада қолиб, тупламаган, совуқ таъсир қилиши мумкин бўлган ғалла майдонларини контурма-контур

аниқлашни ташкил этиш;

очик майдонга ва ғўза қатор орасига қуруқ тупроққа кеч экилган суғорилмаган ёки табиий намлик ҳисобига чала униб чиққан майдонларни кўллатмасдан енгил суғориш ишларини ташкил этиш;

кеч экилган, суғориш ишлари ўтказилган, тупроқда нам етарли бўлиб, энди униб чиқаётган ғалла майдонларига гектарига 5 тоннадан чириган маҳаллий ўғитларни сепиш;

ҳаво ҳарорати 5°C ва ундан юқори бўлган ҳолатларда 1-2 барг фазасида ривожланаётган ғалла майдонларига айрим сабабларга кўра фосфорли ва калий ўғитлар берилмасдан экилган бўлса, ушбу майдонларга фосфорли (аммофос, НКФУ) калийли ҳамда 80-100 физик ҳолда азотли ўғитларни бериб суғориш;

ғалла майсалари 3-4 барг фазасида ривожланаётган майдонларга ўсимликни туплатишни тезлатиш мақсадида гектарига соф ҳолда 25-30 кг азотли ўғитлар билан озиклантириш ва суғориш;

ғалла майсалари 1-2 тадан туплаган майдонларда ўсимликни ривожланишини тезлатиш учун соф ҳолда гектарига 25-30 кг азотли ўғитлар билан озиклантириш ва суғоришни шарбат усулида амалга ошириш;

бошоқли дон экинлари эрта экилган 4-5 ва ундан ортиқ туплаган майдонларда азотли ўғитлар берилганини ҳисобга олиб, ҳаво ҳарорати 5°C ва ундан юқори бўлганда ушбу ғалла майдонларига Карбамид минерал ўғити билан гектарига 12 кг ҳисобига суспензия тайёрлаб сепишни ташкил этиш;

эрта экилган 4-5 ва ундан ортиқ туплаган ғалла майдонларда азотли ўғитлар билан озиклантириш ишлари амалга оширмаслик. Чунки ушбу майдонларни азотли ўғитлар билан яна

озиклантириш ўсимликни ўсишини тезлаштиради ўсимликда қанд моддаси камайиши натижасида уларнинг совуққа чидамлилигини пасайтиради;

агарда эртаги буғдой навларини жуда эрта муддатларда экиб ғалла майсаси 15-20 см га етган майдонлар бўлса, об-ҳаво шароитига қараб ноябрь ойи илқ иссиқ келса, занг касаллиги ва ҳашаротларга қарши тавсия этилган фунгицид ҳамда инсектицидлар билан ишлаб бериш;

ғўза қатор орасига кузги буғдой экилган майдонлардаги ғўзапояни ер музлаган вақтида буғдой илдизига зарар етказмасдан ўриб даладан олиб чиқиш. Бу тадбир ўсимликнинг совуққа чидамлилигини оширади ҳамда ривожланишини тезлаштиради;

ғалла майдонлари атрофларини мунтазам равишда бегона ўт қолдиқларидан, дарахтларни қуриган пўстлоғи ва шохларидан тозалаш ишларини амалга ошириш, чунки асосий зарарли ҳашарот, зараркунандаларнинг қишлаб чиқадиган жойи ҳисобланади.

Кўп йиллик натижалар шуни кўрсатадики, куз ва қиш ойларида об-ҳавонинг қуруқ ва иссиқ келганида, ғалла майдонларида тупроқдаги намликни сақлаб қолиш ҳамда ғалла майсаларини яхши ривожланиши учун ва қишда ҳавонинг кескин совуб кетишида совуққа чидамлилигини оширишда тез-тез енгил суғориш ишларини амалга ошириш тавсия этилади.;

Ғаллачиликда амалга ошириладиган муҳим агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли қилиб амалга оширилиши келгуси йилда ғалладан юқори ва сифатли дон ҳосил олинишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Р.СИДДИҚОВ, ДДЭТИ директори,

қ.х.ф.д., РФА академиги,

Н.ЮСУПОВ, илмий ходим.



ҲАЙДОВ АГРЕГАТЛАРИ ИШ УНУМИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРНИ ҚўЛЛАШ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ишлаб чиқариш жараёнларига қўйиладиган асосий талаблардан бири – ҳар бир жараённинг белгиланган агротехник муддатда сифатли қилиб бажарилиши ҳисобланади. Бунда агрегатларнинг иш унуми ва сифатини ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланишда фермер хўжаликлари жойлашган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, рельефи ва бажариладиган агротехник ишларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, инновацион усулларни қўллаган ҳолда уларнинг техникавий фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Маълумки, мамлакатимиз фермер хўжаликларига ҳамда уларга ишлаб чиқариш-техника хизматлари кўрсатувчи туман ва муқобил машина-трактор парклари шунингдек “Агротехсервис” МЧЖларда замонавий Магнум-8940, TS-50/60, MX-140, ARION-360C русумли тракторлар ва ПЯ-3-35, ПД-4-45, ПДО-4-45, ПН-4-35, ЛД-100, ЕврОпал каби икки ярусли, айланма ва умумий ишлар плуглари билан жиҳозланган ҳайдов агрегатларидан фойдаланиб келинмоқда.

Мазкур техника воситалари ёрдамида бажариладиган далачилик тадбирларининг агротехник талаблар даражасида адо этилиши кўп жиҳатдан дала агрофонларини сифатли тайёрлаш, машина-трактор агрегатларини агрофон ҳолатига қараб тўғри ростлаш ва ишлатишга боғлиқдир. Чунки ҳайдов агрегатлари шудгорлаш олдидан ҳар бир дала агрофонининг ҳолатига қараб ростланиши зарур.

Зеро, далаларни ва агрегатларни ҳайдовга тайёр эмаслиги, яъни экин майдонларини ўсимлик қолдиқларидан тўлиқ тозаланмаганлиги, шудгорланаётган ернинг қаттиқ ёки лойлиги, лемех ва отвалларнинг махсус пишиқ металлдан ясалмаганлиги, чимқирқарларнинг ўрнатилмаганлиги, плуг корпусларининг бир-бирига ва рамага нисбатан нотўғри ўрнатилиши агрегатлар иш унумини ҳамда шудгорлаш сифатини кескин пасайишига олиб келмоқда. Шу боис ҳайдов агрегатларининг самарали ишлаши учун биринчи навбатда далаларнинг топографик (тупроқ) агрофонларини тайёрлаш ҳамда агрегатларни уларнинг ҳолатига қараб ростлаш бўйича комплекс тартибларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш долзарб масала бўлиб қолмоқда.



Ваҳоланки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши шароитларида машина ва механизмларнинг параметрлари механизаторлар ва механиклар томонидан ҳар бир дала шароитларига қараб ростланиши керак. Чунки ҳайдов агрегатлари тупроқ-иқлим шароити турлича бўлган далаларда ишлашга мажбур.

Айниқса, ҳайдов агрегатлари турли агрофонларда (соз тупроқли ёки қумлоқ, зичлашган ёки гипс қатламли) ишлаганда ҳам агротехник тадбирларни сифатли бажариши учун уларнинг кинематик ва технолагик параметрларини агротехнологик тезликлар чегараларида ростлаш ишларини бажариш муҳандис-механиклар ва механизаторлар учун жуда муҳимдир.

Бу муаммоларни ҳал этишда энг замонавий усуллардан бири – плугнинг қаршилиқ кучини унинг қамраш кенглигини ўзгартириш орқали тракторнинг тортиш кучидан самарали фойдаланишга эришиш ҳисобланади.

Шунинг учун ҳайдов агрегатида тузишда қамров кенглигини қўлда ростланадиган (ЕврОпал) ёки автоматик равишда ўзгартириш мумкин бўлган (ВариДиамант) каби инновацион плуглардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу усулни амалга ошириш учун ҳайдов агрегати далага киритилади ва белгиланган ҳайдов чуқурлиги ва иш тезлигида далада ҳаракатланади. Қамраш кенглиги қўлда ростланадиган плуглар билан жиҳозланган ҳайдов агрегатларида трактор двигателининг ишлаш ҳолатига қараб маълум масофадан кейин (ҳар 10–15 м. да) трактор тўхтатилиб, плугнинг қамраш кенглиги оширилади ва тракторнинг текис-зўриқмасдан ишлаши кузатилади. Бунда ростлаш ишлари бир неча марта оширилиб, тракторнинг нотекис-зўриқиш ҳолатига давом эттирилади, сўнгра плугнинг қамраш кенглиги 3–5 фоизга (трактор захира қувватга эга бўлиш учун) қисқартирилади.

Плугнинг қамраш кенглиги трактор кабинасидан бошқариладиган ҳайдов агрегатларида ростлаш ишлари аста-секинлик билан агрегатнинг белгиланган ҳаракатланиш тезлигида амалга оширилади (расм).

Расм. Лемкен компанияси ВариДиамант русумли плугининг қамраш кенглигини ростлаш механизми (а) ва автоматик ўзгартириш ҳолати.

Таклиф этилаётган инновацион ростлаш усулидан фойдаланиш ҳайдов агрегатларининг иш унумини 25–30 фоизга ошириш имконини беради.

С.АЛИҚУЛОВ,
доцент, ТИҚХММИ.

АСАЛАРИ ҚИШЛОВИ — СИНОВ ДАВРИ

Асаларичиликда қишлов даври — синов даври дейилади, чунки қишловга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Қишлов даврида асалари организми бутунлай қайта қурилади ва энг муҳим физиологик ўзгаришлар бошланади.

Асалари оиласини қишловга тайёрлаш, албатта куз ойларидан бошланади. Шунинг учун бу давр нафақат асалари оиласини асраш имконияти, балки келгуси йилда мўл асал олиш гарови ҳамдир. Қишловни намунали ўтказишни таъминлаш мақсадида, кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ўтказиш асалари оилалари жойлаштирилаётган қишлов майдончаларини тўғри тайёрлаш лозим. Бунинг учун кучли шамол эсадиган йўлларни тўсадиган ихота дарахтзорлар, иморатлар бўлиши ва шунга ўхшаш асалари қишловига ҳалақит бермайдиган жойларни тўғри танлаш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Қишловга тайёрлаш учун, албатта, асалари оиласини кузги текширувдан ўтказиш лозим. Қишлов учун асалари уясида қолдирилаётган рамкалар асаларилар кучига мос тушиши керак, яъни нечта рамкани асаларилар тўлдириб турган бўлса, ўша рамкаларни қолдириб, ортиқчалари олиб қўйилади чунки, ортиқча рамкалар асалари уянинг совиб кетишига сабаб бўлади. Натижада бундай совуқ намли ҳарорат асалари оиласига ҳар хил касалликларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Бунинг учун, оила кучига эътибор бериш (у 5-6 рамкадан кам бўлмаслиги керак), она асалари зоти ва ёши, қўйган тухумларининг миқдори ва сифати, уяда қолдирилган рамкаларининг сифатига ва ундаги озуканинг миқдорига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Қишловга кириш даврида чарчаган, қари ишчи асаларилар ўрнини эгаллайдиган, ёш асалариларни кўпайтириш лозим. Шу боис, кузда асосий эътиборни она асаларини юқори даражада тухум қўйишига ва уядаги ёш асалариларни озиклантиришга қаратиш лозим. Қишлов учун ёш асалариларни кўпайтириш мақсадида, ҳар бир асалари оиласига 200–250 граммдан, 50 фоизли шакар шарбати тайёрлаб бериш керак. Бундай боқув қишловга кираётган асалари оилаларидаги ёш асалариларнинг кўпайишида муҳим ўрин тутати. Озиклантириш учун зарур шакар шарбатини қуюқроқ қилиб тайёрлаш ва уларга 1 л шакар шарбатига 2–3 г сирка ёки лимон кислотаси қўшиб, нордонлаштириш лозим. Бу ўз ўрнида шакар таркибидagi сахарозанинг таркибий қисмлари бўлган глюкоза ва фруктозанинг тезроқ парчаланишига, асалариларнинг қишки озукка учун берилган шакар шарбатини қайта ишлашнинг кучайтиришга ёрдам беради.

Кузда кўп учрайдиган, ўғри асалариларнинг ҳужумидан сақлаш мақсадида, асалари уясидаги учиш туйнукларини имкон қадар кичрайтириб, бир иккита асалари кирадиган даражада торайтириб қўйилади. Асалари оилалари орасида кучсиз, оч қолган, ночор, она асалариси бўлмаган оилалар бўлмаслиги лозим. Оилани текширувдан ва озиклантиришдан сўнг, уялар олдида асал томчилари, шарбат қолдиқлари, мум бўлақлари, озиклантириш идишларини қолдириб бўлмайди. Асалари оиласини текширув ишларини соат 11⁰⁰ дан 15⁰⁰ гача тезкорлик билан, сифатли ўтказиш мақсадга мувофиқ. Асалари қутиси қопқоқларини узоқ вақт очиқ қолдирмасдан, балки имкон қадар рамкалар устига ёпқич мато ташлаб, текширув ишларини ўтказиш керак.

Асалари оиласини қишловга тайёрлашдан олдин, уларнинг ҳар хил касалликларига ҳам қарши курашмоқ лозим. Қишловга кираётган асалари оилаларида варроатоз, акарапидоз, ҳар хил кана ва битларга қарши “Байварол”, “Флюцин”, “Бипин-Т”, “Валин” каби дорилардан уч маротабагача қўллаш ҳамда кемирувчи зараркундаларга қарши тадбирларни амалга ошириш даркор.

Асаларининг варроа канасига қарши дориларни ҳар бир асалари оиласини рамкалар оралиғидаги йўлакчаларга сепиб, дориланади ва бу ҳолат ҳар етти кунда, бир мартадан уч марта такрорланиб дориланади. Варроа канасига қарши ҳар йили ҳар хил дорилардан фойдаланиш керак. Дорилаш ишларини очиқ насли рамкалар бўлмаган вақтда, октябрь ойларида амалга оширилади. Дорилаш ишлари тугагач, охирида варроатоз канасига қарши лента қўйилиб, асалари оилалари қишловга кеткизилади.

Асалари оиласи қишловнинг муваффақиятли ўтиши, бу ҳар бир асаларичи учун синов имтиҳонидир. Асалари қишлови бу қишловнинг фаол мавсумида асалари оиласида бўладиган барча нуқсонлар, хато-камчиликлар ва етишмовчиликларни ошкора ҳолда очиб берадиган даврдир. Бундай имтиҳон Ўзбекистоннинг тез ўзгарувчан иқлим шароитида бутунлай ўзгача ва мураккаб ҳолда ўтиши билан характерланади.

Республикамиз шароитида асалари оиласини қишловга тайёрлашда кузги-қишки тадбирларни амалга ошириладиган даври, турли вилоятларда турлича бўлиши мумкин, лекин бу ишлар негизда асалари оиласини қишловдан соғлом, талофатсиз олиб чиқиш чораларини кўриш ва асосий асал йиғими давригача кучли асалари оилаларини шакллантиришдан иборат бўлади.

О.ЭШДАВЛАТОВ, ЧПИТИ асаларичилик лабораторияси катта илмий ходими,
Ф.ҚУЛДАШЕВА,
Ш.ХОЛИҚОВ
ТошДАУ катта илмий ходим-изланувчилари.



ШАРАФЛИ КАСБ СОҶИБЛАРИ

Нақшинкор тарихий обидалари ва кўкка бўй чўзган замонавий бинолари билан дунё аҳлини лол қолдираётган, ўзига маҳлиё қилаётган Самарқанд томон йўл олдик. Минг марта эшитгандан бир марта кўрмоқ афзал, деганларидек, бу кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар бирдан диққатимизни тортди. Шаҳар билан танишгач, туманларда бўлдик.



Зарафшон дарёси вилоятнинг асосий сув манбаи ҳисобланади. Бундан ташқари, бу дарё Қашқадарё, Навоий, Жиззах вилоятлари қишлоқ хўжаликларини, шунингдек, Навоий ИЭСини ҳам сув билан таъминлайди.

Вилоятдаги мавжуд 9 та сув омборининг умумий сув йиғиш қуввати 1003,42 млн. метр кубни ташкил қилади. “Каттақўрғон” ва “Оқдарё” энг катта сув омборлар ҳисобланади. “Каттақўрғон” сув омборининг сув йиғиш ҳажми 818,28 млн. метр кубни, “Оқдарё” сув омборининг сув йиғиш ҳажми 91 млн. метр кубни ташкил қилади.

– Вилоятимизда суғориладиган жами экин майдони 380,20 минг гектарни ташкил этади. Булунғур туманидаги 3,5 минг гектар майдонни ўзлаштириш, бу ерларда янги интенсив боғлар барпо этиш учун ҳам, албатта, сув керак. Бугунги кунда давлат дастури асосида лойиҳалаштирилган ишлар қаторида 384 млрд. сўм маблағ ҳисобига “Булунғур” сув омбори қурилиши режалаштирилиб, иш бошлаб юборилди, – дейди Зарафшон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ботир Худойбердиев.

“Булунғур” сув омборида жорий йилда 100 млрд. сўмлик иш бажарилиши кўзда тутилган, 2023 йилнинг охиригача қурилиш ишлари тугалланиб, бу янги сув омбори тўла қувват асосида ишга тушади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда

томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида иш олиб борган деҳқон, томорқа ва фермер хўжаликлари, МЧЖларда ҳосилдорлик ҳар йилгидан анча юқори бўлди. Бу йил кластер услубидаги “Мароқанд сифат”, “Самарқанд камалак инвест” ташкилотлари ҳамда 12 та фермер хўжалигига қарашли 4630 гектар майдонлардаги экинлар томчилатиб суғорилди. Ушбу технология асосида суғорилган 13446 гектар интенсив боғ ва токзорлардан юқори ҳосил олинди.

– 15 йил деҳқончилик билан шуғулландим, 15 йилдирки сув хўжалигида миқдорлик қилмоқдаман, – дейди ҳамроҳимиз Ихтиёр Рўзибаев. – Баъзилар миқдорликни осон иш деб ўйлашади. Аслида эса ишимизнинг оғир ва енгил томонлари бор. Айрим пайтларда тикилиб қолган сув йўллари йўз вақтида тозалаш учун об-ҳавонинг илиқ ё совуқлигига қарамай сувга ташишга тўғри келади, қўл билан бажариладиган ишлар ҳам ҳали анча.

Ҳа, миқдор бобонинг айтганлари аини ҳақиқат. Лойқа сув билан ҳас-хашак ва бошқа чиқиндилар оқиб келиб, айнан сув ўтадиган насос қувурлар оғзида тўхтаб қолади, буни тозалаш учун эса қўл кучи керак бўлади.

Булунғурдан чиқиб, Самарқанд туманидаги “Наврўз” насос станциясига йўл олдик. Йўлда йиғим-терим тугалланаётган боғ-роғлардан,

экинзорлардан ўтдик. Сахий бободехқонлар охириги пайкалла-ридаги ҳосилни териб олмоқ билан машғул, айрим далалар тўла тозаланган, сув очишга шай қилиб қўйилган. Асосан боғдорчилик, полизчилик, деҳқончилик, сабзавотчилик, озуқа экинлари етиштиришга ихтисослашган бу туманда аҳоли томорқа хўжаликлари билан кўшиб ҳисоблаганда 6000 гектар экин майдонларини сув билан таъминлаш учун 6 та катта насос агрегати орқали сув чиқарилмоқда. “Наврўз” насос станциясида 10 нафар ишчи ходим меҳнат қилади. 35 йилдан буён шу ерда навбатчи оператор бўлиб ишлаётган Олимжон Ёрқулов билан суҳбатимиз инсон манфаати ҳақида бўлди.

– Ишим яхши, насосларни таъмирлаш ҳам қўлимдан келади, – дейди у. – Ойлик маошим етарли, қийинчиликлар йўқ, фарзандларимизни ўқитдик, энди навбат невараларга келди. Қишлоқда имконият бор, томорқада картошка, бодринг, помидор, кўкатлар етиштирамиз, мевали дарахтларимиз, чорвамиз мавжуд. Энг муҳими, юртимиз тинч, дастурхонларимиз тўкин. Инсонга бундан бошқа яна нима керак?

Касбига садоқатли, машаққатларни ортда қолдираётган самарқандлик миқдорларнинг ҳар бир куни меҳнат билан шарафли. Энди улар кейинги йилга замин ҳозирлаш учун қатъий бел боғлаганлар. Уларнинг бу ишларига ҳам зафарлар тилаймиз.

Суратда: Ихтиёр Рўзибаев.
Ўз мухбиримиз.

СУРХОН СУВЧИЛАРИ

Сурхондарё вилоятидаги мавжуд 326 минг гектар суғориб деҳқончилик қилинадиган майдонларнинг асосий сув манбалари Амударё, Сурхондарё, Кофирнихон, Қоратоғдарё, Обизаранг, Сангардак, Дашнобод, Хўжаипок, Шерободдарёлар ҳамда 5 та сув омбори саналади. Сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси воҳада етакчи корхона ҳисобланади.



— Фаолиятимизнинг бош мақсади, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соҳага инновацион тежамкор технологияларни изчил жорий этиш, илғорлар тажрибалардан кенг қўламда фойдаланиш, техник-муҳандис ходимларни илмий салоҳиятини ошириш, саналади, — дейди ҳавза бошқармаси ирригация тизимлари ва гидротехник иншоотлардан фойдаланиш бўлими бош гидротехниги Отабек Қиличев. — Юртбошимизнинг раҳнамолигида Тожикистондаги “Варзоб” дарёсидан сув олувчи каналларнинг тозаланганлиги ҳисобига вилоятнинг 8 та, хусусан Қизилқум туманининг экин майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш имкони яратилди.

Бошқарманинг туманлардаги ирригация бўлимлари сув заргарлари, жумладан, тажрибали гидротехник Салимжон Юсупов етакчилик қилаётган Қизилқум тумани ирригация бўлими сувчилари жорий йилда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда жонбозлик кўрсатиб, эндиликда қузги-қишқи агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказишга киришдилар.

Меҳнат фаолиятини хўжаликда ишчиликдан бошлаган қаҳрамонимиз ҳарбий хизматдан кейин Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини муҳандис-гидротехник мутахассислиги бўйича тугатиб, Сариосиё тумани “Тоқчиён” ширкатлар уюшмасида гидротехник, Гидрогеология-мелиоратив экспедициясида мутахассис,

“Сурхон-Шеробод” ирригация тизими бошқармасида Қизилқум тумани жабҳа бошлиғи, “Аму-Сурхон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи ўринбосари каби вазифаларида ишлади.

Қизилқум туманига жорий йил вегетация даврида ажратилган 343,3 млн. м³ чекланган сув миқдоридан оқилона фойдаланиш бўйича белгиланган чоратадбирларнинг ижроси таъминланди. Туманда 43 136,0 гектар суғориладиган майдон бўлиб, шундан жорий йил ҳосили учун 16,0 минг гектар ғалла, 8570 гектар майдонга пахта ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экинлари экиб, деҳқончилик қилинди.

Ирригация бўлими ҳисобида узунлиги 95,3 км бўлган 5 та ирригация тармоқлари бўлиб, улар орқали тумандаги барча суғориладиган ер майдонлари сув билан кафолатли таъминланиб келинмоқда. Ўтаётган мавсумдаги қузги-қишқи тадбирлар давомида 22,0 км каналлар механизмлар ёрдамида тозаланди, 35 та гидротехник иншоот ва 35 та гидропост жорий таъмирланди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижроси бўйича туманда кўчма эгилувчан қурулурлар орқали 2018 йилда 12 та комплект, яъни 261,7 гектар пахта майдонига, 2019 йилда эса 9 та комплект 124 гектар майдонга қўлланилмоқда.

Қизилқум туманида суғориш ишларини сифатли олиб боришда 4 та суғориш штаблари фаолият олиб бормоқда, бу штабларда кечаю кундуз навбатчилик ташкил этилган.

— Бу ишларда фермер хўжаликларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида 34

та отряд ташкил қилинди, — дейди Салимжон Юсупов. — Ўсимликлар вегетация давридаги суғориш ишларида 345 нафарга яқин тажрибали сувчилар фаол қатнашди. Уларнинг ҳар бири 10 гектарга масъул этиб бириктирилган ва зарур анжомлар: бел, кетмон, резина этик, қўл фонарлари билан таъминланди. Мазкур тартиб қузги бошоқли дон экинларини суғориш ишларида ҳам жорий этилган.

Туман ирригация бўлими ажратилган сув лимитидан тежаб-тергаб фойдаланиш, унинг бирор қатрасини исроф қилмай фойдаланишни бурч эканлигини ҳис этган ҳолда ишларни амалга ошириб бормоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳа ходимлари олдида Сув ресурсларини бошқариш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, ирригация ва мелиорация лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш, сув хўжалигини бошқариш соҳасида бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, шунингдек, ушбу соҳада илм-фанни ривожлантириш вазифаларини қўйди.

Ҳаёт манбаи бўлган сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Айниқса, сув хўжалиги ходимларидан бу борада алоҳида масъулият талаб этилади.

Ф. МИРЗАЕВ.

ИЖРО ВА НАТИЖА

Навоий вилоятининг асосий сув манбалари Зарафшон дарёси ва Аму-Бухоро магистрал канали орқали шаклланади. Худуднинг экин майдонлари мазкур сув манбаларининг қуйироғида жойлашган-лиги сабабли ҳам, жойларда сув ресурсларининг кўп ёки камлигидан қатъий назар, сувни иқтисод қиладиган технологиялар жорий этилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этарди.

Шулар иноватга олинган ҳолда вилоятда мавжуд сув ресурсларининг 50–60 фоиз иқтисод қилинишига имконият яратадиган томчилатиб суғориш технологиялари 2010 йилдан бошлаб жорий этила бошланди. Дастлаб бу тизим боғдорчилик соҳасида Нурота туманида, Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонаси, “Навоийазот” АЖ, “Қизилкумцемент” АЖ ва бир қанча ташкилотлар томонидан ташкил этилган ва улар бугунги кунда ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Боғларда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилиши билан сув ресурслари, ёқилғи-мойлаш мате-риаллари ва бошқа ресурслар иқтисод қилиниб, даромад ошишига эришилди.

Бу борада боғдорчиликда яхши натижага эришган вилоят миришкорлари тежамкорлик ва ҳосилдорлик гарови бўлган бу усулни катта майдонларга ўрнатиш, шу билан ҳосилдорликни оширишни кўзлар, аммо томчилатиб суғориш тизими жиҳоз ва ускуналарини нархи анча қимматлиги сабаб, уни харид қилишга иккиланар, аниқроғи, қурби ҳам етмасди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг, вилоятда пахта хомашёсини ишлаб чиқаришда ҳам томчилатиб суғориш тизими кенг жорий этилмоқда. Жорий йилда Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар жалб қилинган ҳолда, Қизилтепа туманидаги “Рустам Душам” фермер хўжалигининг 10

гектар пахта майдонида, “Агропласт монтаж сервис” МЧЖ томонидан лойиҳа ва қурилиш монтаж ишлари амалга оширилди. Кармана туманида “Музаффар Истамов” фермер хўжалигида 23 гектар пахта майдонида, “Ўз Мега Строй” МЧЖ томонидан лойиҳа ва қурилиш монтаж ишлари амалга оширилди. Хатирчи туманида “Орзу” фермер хўжалигида 100 гектар ва “Элёр Қўлдош саховати” фермер хўжалигида 68 гектар пахта майдонларида эса, “Омад Стар” МЧЖ томонидан лойиҳа ва қурилиш монтаж ишлари амалга оширилди. Хатирчидаги яна бир “Агро ТСТЖК” МЧЖнинг 50 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун “Реал техник муҳандислик” МЧЖ томонидан лойиҳа ва қурилиш монтаж ишлари амалга оширилди.

Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг маълумотларига кўра, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан томчилатиб суғориш технологиясини жорий этган пахта хомашёсини ишлаб чиқарувчиларга берилган барча имтиёзлар орқали, кредитлар берилиб, ўз вақтида пудрат корхоналарнинг ҳисоб рақамларига ўтказилди. Технология тўлиқ қурилиб бўлганидан кейин амалдаги тартиб-қоидага асосан фермерларга гектарига 8 млн. сўмдан субсидиялар берилди.

Вилоятнинг пахта хирмониға салмоқли улушини қўшиб келаётган Қизилтепа туманида ҳам сув тежовчи технологиялар кенг жорий этилган. Туманда томчилатиб суғориш билан бир қаторда, пахта майдонларини суғоришда 29 комплект эгилувчан қувурлардан ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда.

— Томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун пахта хомашёси экиладиган майдоннинг ҳар бир гектарига давлат бюджетидан 8 миллион сўмдан субсидия тақдим этилгани ва яна бошқа бир қатор имтиёзлар мавжудлиги, туманимиздаги фермерларнинг бу технологияга қизиқишини ортирмоқда, — дейди “Тошработ-Ўртачўл” ирригация тизими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ўктам Элмуродов. — Албатта, бугун Қизилтепалик деҳқон ва фермерларимиз ҳам томчилатиб суғоришнинг афзал жиҳатларини аллақачон англаб етганлиги боис бу усул тобора оммалашиб, нафақат пахта далаларида, иссиқхоналар, сабзавотчилик ва полизчилик тармоқларида ҳам кенг жорий этилмоқда. Пировардида, табиий ва моддий ресурслар тежалиши билан бирга, ҳосилдорлик ҳам муттасил ошиб бораётди.

Жорий йилда пахтадан ҳосилдорлик яратишда муҳим палла ҳисобланган суғориш мавсуми давомида, томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган пахта майдонларида пудрат корхоналари томонидан кузатувлар, Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва унинг тизимидаги Кармана, Хатирчи ва Қизилтепа тумани ирригация бўлими мутахассислари томонидан мониторинг олиб борилди, шу аснода аниқ чора-тадбирлар қўлланилди. Ҳамжиҳатликда қилинган меҳнат самараси бугун ғалвир сувдан қўтарилган дамда бўй кўрсатмоқда. Далалардаги лўппидек очилган пахталар, окликка бурканиб мўл ҳосилга кирган ғўзалар, ўз вақтида қилинган машаққатли меҳнат нишонларидир.

Ш.НОРМУРОДОВ
ўз мухбиримиз.

ОИЛАВИЙ ЭКСКАВАТОРЧИЛАР

“Тўпаланг HPD” компанияси билан ҳамкорликда Қўшқўпир туман ирригация бўлими ишчи хизматчилари бугунги кунда “Кенегас” каналининг 65 Пикетида қайта қуриш ва реконструкция ишларини олиб боришмоқда иш жараёнини кузатарканмиз, бу ердаги шижоаткорликни кўриб, меҳнат жабҳасидаги сувчи ва ходимларнинг, экскаваторчи ва бульдозерчиларнинг канал ва сув йўлларини тозалаб деҳқонларимизга мададкор бўлгучи ирригация ходимларининг ҳар бир кунни яратувчиликка, эзгуликка йўл очишига яна бир бора амин бўлдик.

Экскаваторчи Султонбой Ўрозметов билан анча суҳбатлашдик.

Устози Хамид Отабаев билан галма-гал ишлаб, кунлик ва ойлик режа ва топшириқларини 100-110 фоизга уддалаб келаётган экскаваторчилар бугунги тинч ва бадастур ҳаётдан хурсанд экан.

Аслида унинг отаси Султонбой Ўрозметов кўп йиллар экскаваторчи бўлиб ишлаган. Нафақаси ҳам ёмон эмас. Ота касбини қадрлаган ўғилларининг шижоати баланд.

— Бу йил 40 ёшни қаршиладим. Дастлаб турли касбларда фаолият кўрсатдим. Ахир, йигит кишига қирқ хунар ҳам оз, дейдилар. Ошпаз бўлдим, енгил автомашиналарни таъмирладим. 2012 йилдан буён экскаваторчилик қияпман. Шу касбни танлаганимдан хурсандман.



Бу ота касбим, оилада уч оғанидан иккитамиз экскаваторчимиз, — дейди мамнун оҳангда Султонбой Ўрозметов.

Суратда: Экскаваторчи Султонбой Ўрозметов.

Ўз мухбиримиз.

Бугунги омилкорлик — келгуси ҳосилдорлик

Пайариқ тумани Самарқанд вилоятининг шимоли-шарқида жойлашган бўлиб, жами суғориладиган майдони 40 минг 817 гектар бўлса, ҳозирда шундан 12 минг 289 гектарига яхши ният билан кузги ғалла уруғи қадалди. Туман деҳқонлари буғдойдан мўл ҳосил етиштириш бўйича тажриба мактаби яратишган бўлиб, бугун экиннинг талабидан келиб чиқиб, вақтида суғориш, вақтида озиқлантириш ишларини амалга оширмоқда.

Ўтган йилларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, суғориш мав-

сумини белгиланган режа асосида, ташкил этиш учун Пайариқ туман ирригация бўлими томонидан туманда суғориш штаблари ташкил этилган.

Бундан ташқари, ғаллани пешмапеш суғориш учун, жойларда 9 та суғориш отрядлари фаолият олиб бормоқда. Туман ирригация бўлимида 42 нафар, сув истеъмолчилари уюшмаларидан 30 нафар, фермер хўжаликларидан ҳар 5 гектар майдонга биттадан сувчи қўйиш ҳисобидан, 892 нафар сувчи иштирокида ҳудудларда ташкил этилган отрядлар билан сув танқислигини юмшатиш, сувнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик, тунги суғориш, контурларни шох ва ўқариқлар орқали суғориш ташкил этилган.

— Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, кузги экин дала-

сини суғоришга қай даражада тайёрлашдан бошланади. Мавсум аввалида суғориш тармоқлари ва улардаги сув иншоотлари сифатли таъмирланса, ариқлар вақти-вақти билан лойқадан тозалаб турилса, сувдан оқилонга фойдаланишга эришамиз, — дейди туман ирригация бўлими бошлиғи Абдували Умрзоқов.

Дарҳақиқат, туманда ноябрь ойидаёқ барча майдонларда буғдой тўлиқ ундириб олинishi учун ва унинг кейинги парвариши учун юқори агротехник тадбирлар талаб этилади. Бунда эса ғаллани сувлаш энг муҳим омилдир.

Пайариқлик деҳқонларнинг омилкорлик билан қилаётган бугунги меҳнатлари эртга ўз самарасини беради ва ёруғ юз билан юқори ҳосилдорликка эришади, деб умид қилиб қоламиз.

Суратда: Абдували УМРЗОҚОВ раҳбарлигидаги Пайариқ туман ирригация бўлими жамоаси.

Ўз мухбиримиз.



“ЖИЗЗАХКЕНТЕКС”НИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИ

Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш баробарида, уни саноатлантириш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида республикамиз бўйлаб ишбилармонлик, тадбиркорликнинг янги кўринишлари юз очди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодий, аввало қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи пахтачиликни тубдан ислоҳ қилиш кўзда тутилган. Шу боис, кластер модели кенг жорий қилиниб, далаларга пахта уруғи қадашдан тортиб, етиштирилган хомашёни шу жойнинг ўзида саноат маҳсулотига айлантириб, халқ эҳтиёжини тўла таъминлаш ва экспорт ҳажмини ошириш назарда тутилган.

Янгиликларни ҳаётга кенг жорий этаётган Зафаробод туманидаги “Жиззахкентекс” масъулияти чекланган жамиятининг ишлари билан танишдик. Бизни жамият директори, ёш бўлса ҳам катта масъулиятни елкасига юклаган Мўмин Сиддиқов қарши олди.

Жиззах политехника институтини автомеханика йўналиши бўйича тугатган қаҳрамонимиз 2011 йилда “Жиззахкентекс” масъулияти чекланган жамиятни ташкил қилди ва энгил саноат йўналиши бўйича ип йигирув фабрикаси қурилишини бошлаб юборди. Ҳамкори ва устози Азизжон Комилов таъсисчилигида 2014 йил январь ойида 220 ишчи ўрнига эга йилига 6 000 тонна пахта толасини қайта ишловчи ип йигирув фабрикасини ишга туширди. Тўла қувват билан ишлаётган фабрикада бугунги кунда қишлоқ қиз-жувонлари иш билан таъминланиб, улар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. 2012 йилда фойдаланилмай ётган Жиззах шаҳар ҳокимлиги балансидаги 12 гектар ер майдонидаги бино ва иншоотлар тендер савдоси орқали 12 млрд. сўмга сотиб олинди. Бу иншоотларда катта қурилишлар амалга оширилмоқда.

– Кластер тизимига ўтишда муаммо бўлмадими?

Бу саволга у шундай жавоб берди:

– Ким муаммоларни бартараф қилади. Бу пухта ўрганиб чиқилган янги йўналишдир. Бунинг учун деҳқончиликда ислохотлар ўтказилди, паст рентабелли кичик хўжаликлар қисқартирилиб, камида

100 гектар ерга эга фермер хўжаликлари тузилди. Улар ва кластерлар ўртасида тузилган шартномага кўра етиштирилган ҳосил кластер корхоналарида қайта ишланади. Бунинг баробарида қишлоқ инфратузилмаси йўлга қўйилиб, фуқароларнинг иш билан бандлиги таъминланади, қайта ишлаш орқали юқори сифат ва самарадорликка эга “Ўзбекистон бренди” яратилади. Ишни бошлашдан чўчимаслик учун кластер тўғрисидаги адабиётларни пухта ўрганиб чиқдик. Ҳозирги кунда ишларимиз яхши кетмоқда.



Зафарободлик деҳқонлар ҳар гектар майдондан олинadиган ўртача ҳосилдорликни 30 центнердан ошириб, 25 000 тонна пахта этказиб бериш бўйича “Жиззахкентекс” масъулияти чекланган жамият билан икки томонлама шартнома тузишган. Шартнома имзоланган кундан буён чигит экишдан тортиб, пахта пишиб етилгунигача бўлган барча харажатлар кластер томонидан ажратилиб, ёнилғи-мойлаш, ўғит, техника таъминотида ҳам муаммо бўлмади.

Пахта йиғим-теримида 16 минг теримчи иштирок этиб, 200 та отрядга бирлашганлигининг ўзидан кўриниб турибдики, аҳиллик билан бошланган иш хайрли бўлади. 2 минг гектар ердаги ҳосил машина билан териб олишга мўлжалланди. Кўпинча фермер хўжаликларда маблағ етишмаслиги муаммоси бўлар эди. Кластер усулида эса фермер чигит экади, етиштирган



ҳосилини йиғиб-териб топширади, бошқа ҳеч нарса учун, ҳатто, маблағ учун ҳам бош қутурмайди. Хомашёни қайта ишлаш ва экспортбop маҳсулотларни ишлаб чиқариш кластернинг асосий юмуши ҳисобланади.

“Зафаробод” пахта тозалаш корхонаси ҳудудида пахта хомашёсини қайта ишлашдан олинган чигитни қайта ишлайдиган ёғ-мой корхонаси қурилиши бошлаб юборилган. Демак, яқин кунларда кунига 18 тонна сифатли ва арзон нархдаги “Зафаробод ёғи” ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

“Жиззахкентекс” олти минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, йилига 12 млн. АҚШ долларилик маҳсулотни Россия, Хитой, Туркия, Польша, Украина мамлакатларига экспорт қилмоқда. Корхона ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун поғонама-поғона иш олиб бормоқда. Жиззах шаҳрининг саноат зонасида Германия давлатининг “Commenbank” и ажратган 20 млн. евро эвазига йилига 12 минг тонна калава ип ишлаб чиқарувчи корхона лойиҳаси амалга ошириляпти. Бу корхона 2020 йилнинг 1 сентябрида, унинг иккинчи тармоғи ҳисобланган тикув ва тўқув комплекси 2022 йилда ишга туширилиши режалаштирилган.

Ўзбекистонимизнинг гуллаб яшнаши, халқимизнинг тўқинлик ва тараққиётини таъминлаш учун янги технология, илғор ғоялар моҳиятини тўла тушуниб етиб, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган тадбиркорларимизнинг, деҳқонларимизнинг улкан ҳамда шарафли ишларида омад ва зафарлар тилаймиз.

Суратларда: “Жиззахкентекс” корхонаси фаолиятдан лавҳалар.

Ш.ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

1650 ТОННАЛИК ЧЎЛ ЖАВОҲИРИ



Бу Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги “Олғабос” муқобил машина-трактор парки ҳудудидаги фермерларнинг жорий йилда бунёд қилинган дастлабки “оқ олтин” хирмонидир.

Султон Увайс тоғи тизмалари бўйлаб жойлашган чўл зонасидаги бу ҳўжаликларда деярли ҳар йили давлатга пахта-ғалла топшириш режалари ортиғи билан бажарилиб келинмоқда. 12 та фермер ҳўжалиги пахтачилик, 15 та фермер ҳўжалиги чорвачилик, 4 та фермер ҳўжалиги балиқчилик ҳамда паррандачилик билан шуғулланади. Жорий йилдаги режа 740 ҳар гектар майдондан 22,3 центнердан жами 1650 тонналик “Оқ олтин” хирмони бунёд қилиш эди. Фермерларнинг йил бўйи қилган меҳнатлари зое кетмади. Режадаги хирмонга муносиб замин яратилди.

Терилган пахтанинг харид нархи оширилганлиги, теримчи ва ҳашарчиларга яратилган шарт-шароитлар

қулайлиги боис йиллик пахта тайёрлаш режаси қисқа фурсатларда бажарилди.

— Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Шу боисдан давлатга яна 250 тонна хомашё топшириб, умумий хирмонимиз салмоғини 2000 тоннага етказмоқчимиз, — дейди биз билан суҳбатда “Олғабос” ММТП раиси Давлатбой Жондирбоев. — “Озод Гулимбаев”, “Нурислом-Амира”, “Зейнал-Усмон” ва бошқа кўплаб фермер ҳўжаликлари миз пахта тайёрлаш йиллик режаларини анча ортиғи билан уддалашиб, айни кунларда келгуси йил ҳосилига ҳозирлик кўрмоқдалар. “Нураддин-Жумагул”, “Ҳазрати уста”, “Юнусбек-Хидирбой”, “Худайберган қассоб” фермер ҳўжаликлари ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин.

Ҳа, Беруний тумани пахтакор ҳўжаликлар йигим-терим ишлари якунловчи босқичига кирди. Шу жумладан мазкур жамоада пахтани охириги чаноқларига йиғиб териш олиш билан биргаликда келгуси 2020 йил ҳосилига ҳам қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

ОҒИРКАРВОН ҲЎЖАЛИК

Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудларидаги каби Элликқалъа туманида ҳам йил бўйи қилинган машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган мўл ҳосили йиғиб-териш олинди.

Мазкур тумандаги “Боғиёб” муқобил машина – трактор парки ҳудудидаги фермерлар энг оғир карвон ҳўжаликларида ҳисобланади. Ҳар йили 2000 гектарга яқин майдонга чигит қадалиб, мавсумда хирмонга 2 минг 867 тонна хомашё топширилади. Ер шароити ҳар хил — ҳосилдор ва камунум, чўл зоналари ҳам мавжуд. Асосан 23 та фермер пахтачилик ғаллачилик билан шуғулланишади. Уларнинг ҳаммаси ҳар йили зиммаларига олишган режаларини ортиғи билан бажариб келишади.

Бундан ташқари, “Боғиёб”да чорвачилик, балиқчилик, полиз сабзавотчилик, паррандачилик ҳамда қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам борки, улар ҳам барқарор ривожланиб, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

“Боғиёб”да асосий тармоқ пахтачилик. Ундан кўрилган фойда фермер ҳўжаликларида иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоаларга айлантирмоқда. Шу боисдан мазкур жамоада жорий йилда 1 минг 195 гектар ер майдонига

яхши ният билан чигит қадалиб, тўлиқ ниҳоллар ундириб олинди. Табиатнинг бу йилги инжиқликлари — ҳавонинг ҳаддан ташқари иссиқ келиши, сув камчилиги, ҳашаротларнинг хуружига қарамай, барча майдонларда режани бемалол қоплайдиган даражада ҳосил тўпланди.

Халқимизда шундай ибратли мақол бор: — “Даладагиси эмас хирмондагиси ҳисоб”. Буни яхши билган аҳил жамоа йиғим-терим ишларини қиздириб, тобора марра сари интилдилар.

“Қуш қаноти билан кучли” деганларидек, ҳўжаликнинг Назира Маткаримова, Азимбой Оллоқулов, Муқаддас Тожибаев каби тажрибали фермерлар раҳбарлик қилаётган “Ободжон Момутов”, “Навоий”, “Оқ олтин”, “Эл обод маҳалла” сингари ўнлаб фермер ҳўжаликлари аллақачон пахта топшириш режаларини ортиғи билан уддалашиб, айни кунларда келгуси йил ҳосилига ҳозирлик кўриши баробарида 180 гектардаги униб чиққан кузги буғдой майдолларини парваришламақдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Боғиёб”да етти хазинанинг бири паррандачилик, бундан ташқари, қуёнчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Чунончи, жамоадаги А. Ражаббоев етакчилик қилаётган “Азамат Ражаббоев” фермер ҳўжалиги ютуқлари кейинги йилларда янада кўпаймоқда. Мазкур жамоада Польша давлатидан келтирилган “Қора-ола” зотли 50 та қорамол асралмоқда. Ёштан ва сут етиштиришга ихтисослашган. Ўтган йиллар давомида гўшт ва сут топшириш режаларини мунтазам равишда бажариб келди. Жорий йилнинг шу даврига 15 тонна гўшт етиштирди. Кунига соғин сигирнинг ҳар биридан 10-15 литр сут соғиб олиб, тумандаги болалар боғчалари ва касалхоналарга бермоқда.

“Бўстон-страус” фермер ҳўжалиги паррандачиликдаги янги тармоқ — Африка туяқушларини парваришламақда. Ҳозирги кунда жамоада 8 та Африка туяқуши мавжуд. Улар юксак зооветеринария қоидаларига биноан парваришланаётганлиги боис кун сайин вазнига-вазн қўшилмоқда.

Бу ерда асосан страус туяқушлар тухуми сотиляпти. Харидорлар уларнинг 1 донасини 300 000 сўмга сотиб олмақда. Фермер хўжалиги бошлиғининг гапига қараганда қисқа вақтда бу жониворларнинг тухумини сотишдан 20 миллион сўм соф фойда қўрилган. Келгусида туяқушларни гўштга топшириш ҳам режалаштирилган.

Абдулла Ҳусинов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги қуёнчилик билан шуғулланмоқда.

Айни кунларда мазкур жамоада 500 та қуён боқилмоқда. Шу кунгача давлатга 4 тонна қуён гўшти, 600 та дан кўпроқ қуён териси топширилди. 20 гектардан кўпроқ ер майдони бўлиб, унга барча жониворлар севиб ейдиган беда, сабзи, лавлаги экди. Ҳозирги кунда ҳосил тўла йиғиб олиниб, шудгорланиб, суғориляпти. Бу борада фермер хўжалиқларининг 10 нафар ишчилари фаолият кўрсатмоқдалар.

Юқорида таъкидлаганимиз-

дек, “Боғиёб” нафақат Элликқалъа туманида, балки Қорақалпоғистон Республикасидаги оғир карвон хўжалиқлардан бири ҳисобланади. Уларнинг шу кунгача уйган хирмонлари 2 минг 500 тоннадан ошди. Худо хоҳласа, “Боғиёб” ликлар бугун-эрта режани бажариб, салкам 3000 тонналик хирмон бунёд қиладилар. Бу борда уларга омад тилаймиз.

Р.ҚАЗОҚОВ,
ўз мухбиримиз.

ЕР СУЙГАН – ЭЛ АРДОҒИДА

Кўҳна ва навқирон Чуст тумани. Бу юрт одамлари азалдан ўзларининг уста деҳқон ва тажрибали табдиркор эканликлари билан ажралиб туришади. Шунинг учун юртимиздан бу туманга кўплаб инсонлар тажриба алмашгани келишади ва азим Чустнинг боғида мазмунли дам олиб, бир чўқим ош устида суҳбат қуришади.

– Жорий йилги пахта йиғим-терим мавсуми гўё байрамдек ўтмоқда – дейди “Нурафшон” ММТП раиси Роҳатали Маҳкамов. – Чунки, ҳеч қайси йил пахтакорларга бундай эътибор қаратилмаган. Ишонмасангиз, марҳамат, ўзингиз гувоҳ бўлишингиз мумкин, айни дамларда Наби Собир номли фермер хўжалигида пахтакорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтмоқда.

Биз оқликка бурканган пахта майдонлари бўйлаб йўлга тушдик. Дала шийпонига етиб борар эканмиз, тумонат одам, қарсақбозлик ва шўх қўшиқлар эътиборимизни тортди. Даврада туман ҳокими Баҳодиржон Охунов энг кўп пахта терган теримчиларни турли хил қимматбаҳо совғалар билан тақдирламоқда экан.

– Бир кунда ҳар бир ҳудудда 200–250 нафар теримчилар пахта теримига чиқишяпти, – дейди Роҳатали ака. – Ҳар куни ҳокимимиз билан биргаликда ҳудудларда пахта тераётган илғор теримчиларга ўртача уч миллион сўмлик совғалар топширилади. Бундан ташқари, бир кунда 75 килограммдан кўп пахта терганларга 1 литрдан мавсумлик ёғи бериб боряпмиз. Терим ўсумлида теримчиларимизнинг ўртача 80–85 килограммдан пахта терганликларини инобатга оладиган бўлсак, пахта майдонига келган теримчи совғасиз қайтмаяпти. Бу ҳолат,

айниқса, қишлоқларимизда иш ўрнига эга бўлмаган ёшларимизни бефарқ қолдирмаяпти.

Суҳбатимизга фермер хўжалиги раҳбари Самаджон Собиров келиб қўшилди.

– 1977 йилдан 2016 йилгача “Резаксой” насос станциясида фаолият юритдим, – деб гап бошлади фермер. – Болалигим қадимий Саримсоқтепа қишлоғида ўтган. Ер билан ҳамнафас



вояга етганлигим учун ҳам унга меҳрим бўлакча. 2002 йил 10 гектар экин майдони билан хўжалигимиз ўз фаолиятини бошлади. Йиллар давомида экин майдонларининг ҳосилдорлигини ошириб бордик. Белгиланган режани ортиғи билан адо этдик. Мана шу меҳнатимиз самараси, ҳозирда 95,5 гектар экин майдонида меҳнат қиляпмиз. Экин майдонларимиз адирликлардаги тошшағал аралаш майдонлар бўлса-да, уруғчилик хўжалиги ҳисобланамиз. Жорий йил 56,5 гектар экин майдонида ғалланинг “Асп” ва “Кума” навларини экиб, ҳар гектар майдондан давлатга сотиш режасида белгиланган 40 центнер ўрнига 55 центнердан ҳосил

олишга эришдик. 40 гектар майдонга ғўзанинг “Наманган-34” навини экиб, режада белгиланган 30 центнер ўрнига 40 центнердан “оқ олтин” йиғиб олишга эришдик. Етиштирган пахтаимиз келгуси йил ҳосили гарови бўлганлиги учун ҳам барча агротехник табдирларни ўз вақтида ўтказиш билан бирга меҳр бериб парвариш қилдик. Ер ҳам суйгани суяди. Биздан ўз неъматини аямади. Халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлди.

Ўтган йил 250 миллион сўм соф даромад қилган бўлсак, жорий йил 400 миллион сўмни кўлаб турибмиз. Албатта, ушбу даромадда хўжалигимиз ишчиларининг ҳам ҳиссалари ката. Шунинг учун уларни моддий қўллаб-қувватлашга, маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига ҳомийлик қўлини чўзаяпмиз. Бундан ташқари, 5 гектар майдонда етиштирилаётган боғдорчилик маҳсулотлари, 80 қутида парваришланаётган асалари, 1,5 сотих иссиқхонада йил давомида етиштирилаётган полиз маҳсулотлари ва 0,5 сотих сунъий қўлда етиштирилган балиқ маҳсулотларида ҳам 44 нафар доимий ишчиларимизнинг улушлари бор.

Ҳа, берганга Худо ҳам беради, дейди доно халқимиз. Фермер қўли очиқ экан, унинг дастурхони доимо тўкин. Самаджон аканинг сўзларини тинглаб эканман, қани энди барча фермерларимиз ҳам шундай меҳнаткаш ва қўли очиқ бўлса, деган сўзлар хаёлимдан ўтди ва биз фермер ҳамда унинг ишчилари билан хайрлашиб, яна йўлга тушдик.

Суратда: фермер Самаджон Собиров пахта даласида.

Ўз мухбиримиз.

МЕН ДЕҲҚОНМАН...

Сўнгги йиллар механизатор, сувчи, деҳқон каби касб эгаларининг кўкрагига шамол тегди. Пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархи кўтарилди.



– Отамни ҳамқишлоқларимиз Зиёбиддин ота, деб ҳурмат билан тилга олишарди, – дейди Бувайда туманидаги “Найман янги турмуш” фермер хўжалиги раҳбари Арабжон Аҳмедов. – Падари бузрукворим собиқ “Оққўрғон” ширкат хўжалигида қирқ йил сувчи бўлиб ишлаганлар. Оилада тўққиз фарзанд эдик. Отам гоҳида ҳафталаб уйга келмасдилар. “Ота, озгина дам олинг”, десак, “Болам сув уриб кетса, пахта нобуд бўлади”, дерди-да, далага чопарди. Вояга етгач, мен ҳам отамнинг ёнларига кирдим. 1986 йили отамга ёрдамчи сувчи бўлиб ишлай бошладим. “Болам далани сувчи яшнатади, бу касбнинг қудрати шунда. Ўсиб келаётган ниҳолларга сув қуйишнинг ҳам ўз қоидаси бор. Агар кўп қуйсанг, ғовлаб кетади, кам қуйсанг, ўсмай қолади. Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳосилнинг баракаси камаяди”, дер эди.

2006 йилда фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилдим. Бир неча йиллик меҳнатимни инобатга олиб, 11 гектар экин майдони ажратиб беришди. Ер ўзингники бўлса, меҳнат қилиш завқи ҳам бошқача бўларкан. Ҳар куни эрта тонгдан экин майдонларидан хабардор бўлиб, керакли агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишга ва ҳосилдорликни йил сайин ошириб боришга сидқидилдан ҳаракат қиларкансан. 15 нафар доимий

ишчимиз билан давлатимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиб, белгиланган режаларни доимо ортиғи билан бажариб келяпмиз. Жорий йилда экин майдонларимиз 60 гектарга кенгайди. Ишчиларимиз сони ҳам 30 нафарга етди. Далада ўсганим сабабли ишчилар шароитини яхши тушунаман. Аввало, уларга оиласини таъминлай оладиган миқдорда маош бериш зарур. Сўнгра далада меҳнат қилишлари учун шароит яратиб бериш керак. Шунинг учун ишчиларимиз учун дала шийпонимизда икки маҳал иссиқ овқат ташкил қилганмиз. Эрта тонгда шийпонга келишиб Умидахон Аҳмедова тайёрлаган дастурхондан нонушта қилишади, тушлик ва кечки таомни истеъмол қилишиб, уйларига кетишади. Кўнгил тинч, қорин тўқ бўлгач, ишингизда ҳам унум бўлади. Жорий йил 30 гектар экин майдонига ғалланинг “Краснодар” навини эдик. Давлатга сотиш режаси ҳар гектаридан 37 центнер этиб белгиланган бўлса-да, 65 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Хўжалигимиз ва ишчиларимиз оморлари ғаллага тўлди. 30 гектар майдонга пахтанинг “Наманган-77” навини экиб парваришляпмиз. Ёўза ҳосилидан кўнглимиз тўқ. Ўргимчаккана, шира ва бошқа зараркунандаларга қарши биологик кураш олиб боряпмиз. Гарчи ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил топшириш учун шартнома имзола-

ган бўлсак-да, биз 45 центнердан “оқ олтин” олишни режа қияпмиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Холиқжон Акбаров, Акрамжон Қаямов каби уста сувчиларимиз, Дилмуроджон, Абдоржон Зиёбиддинов каби моҳир механизаторларимиз ҳар бир туп кўчатга алоҳида меҳр билан ишлов беришди. Иш бошқарувчимиз Абдуғаффор Аҳмедов билан 50 қути асалари парваришляшни йўлга қўйганмиз. Йилига 500 кило атрофида тоза асал олинади. Бундан ишчиларимиз ҳам, хўжалигимиз ҳам моддий манфаат топади. Ўтган йили 160 миллион сўм соф даромад олган эдик, жорий йил ушбу даромадимизни 700 миллион сўмга етказмоқчимиз. Энг қувонарлиси, кўнглимда фахр билан меҳнат қияпман, зеро, мен деҳқон фарзандиман.

Ҳа, фермеримиз учун ҳаёт ҳали олдинда. У ўз имкониятлари билан юзлашиб келажак сари одимламоқда. Айни пайтда хўжаликда насли чорвачиликни йўлга қўйиш ҳаракати бошлаб юборилган. Изланиш ва тадбиркорлик уни улуғ ишлар томон етаклашига ишонамиз.

Суратда: “Найман янги турмуш” фермер хўжалиги раҳбари Арабжон Аҳмедов ёўза шоналарини кўздан кечирмоқда.

К.ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

ШОМУРОД ФЕРМЕР

ёки Беруний туманининг Обид кетмони ҳақида

Шомурод асл деҳқон фарзанди. У деҳқончиликни беш бармоғидек яхши билади. Шомурод меҳр-оқибатли, саховатпеша фермер. Ҳамқишлоқларидан борини аямайди. Шомурод кўнглида кири йўқ инсон. Бировга ёмонликни раво кўрмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги “Бабашев Шомурод” фермер хўжалиги бошлиғи Шомурод Бабашевни юзлаб овулдошлари ана шундай илиқ сўзлар билан таърифлашди.

Нега дейсизми? Гап шундаки, у кун бўйи даладан чиқмайди. Овулдошлари таъкидлаганларидек, деҳқончиликнинг пири ҳисобланади. У пахта майдонига бир қараб, бўлғуси ҳосилни ҳали июнь ойидаёқ чамалаб, аниқ ҳисобини чиқаради. Ҳар қандай агроном Шомуроднинг бу хислатига тан бермасдан иложи йўқ.

Мен Шомуродни Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон” асаридаги бош қаҳрамон — Обид кетмонга ўхшатаман. Паст бўйли бўлса ҳам, чапдаст, елкасидан кетмон тушмайди. Устига-устак хушчақчақ. Ҳазилхузулни яхши кўради. Асло тушқунликка тушмайди. У кетмон урса ер титрайди.

Ўрни келганда яна бир гап: Жулқунбой бобонинг “Обид кетмони”да мустабид тузум пайтида яктагию эски чоригидан бошқа ҳеч вақоси бўлмаган бўлса, берунийлик Шомурод мустақиллик туфайли мулк эгаси — фермер бўлди. Қўша-қўша машинаси, дангиллама уйи, кўраси тўла қўй-қўзиси, қорамоллари, сон-саноксиз товук-куркалари бор. Егани олдида, емагани ортида.

Шомурод саховатпеша инсон. Фақат ўзинигина ўйламайди. Ҳамқишлоқларига ҳамиша моддий-маънавий ёрдам беришдан чарчамайди. Кам таъминланган оилаларнинг тўй-маъракасида дарров ҳозир бўлади, кам-қўсти бўлса тўлдирди.

Унинг яна бир хислати — кўнглида кири йўқ. Ёмонликнинг ёнидан ҳам ўтмайди. Ифто, ғийбат, сассиқ гапларни ёқтирмайди. Аччиқ бўлса ҳам, тўғриси гапирди. Умумманфаатини шахсий манфаатидан устун қўяди. Бу ҳозирги вақтда камёб хислат.

Энди Шомурод Бабашев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги ҳақида мухтасар сўз.

30 гектардан кўпроқ пахта майдони бор. Режага кўра унинг ҳар гектаридан салкам 26 центнеридан ҳосил олиб, умумий хирмон салмоғини 80 тоннага етказишга шартнома тузилган. Бутун ёз фасли давомида юксак агротехника қоидаларига мос ҳолда парваришланган ғўзалар бу йил мўл ҳосил тўплади. Шу боис йиллик режа октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ортиғи билан удаланди. Ғамланган ҳосилнинг барчаси юқори навларга топширилди.

Фермер хўжалигида ўша кунларда ҳосили тўла йиғиб-териб олинган ер майдонлари ғўзапоядан тозаланиб, шудгор қилинди. Кузги яхоб суви тарашга киришилди. Маҳаллий ўғит тўплаш, мавжуд



техника воситалари таъмири бошланди.

Бу ишларда фермер хўжалигининг чўнг хирмонини яратишда фаол қатнашган 50 нафардан кўпроқ аъзолари фаол қатнашмоқда. Улар учун ҳамма шартшароитлар яратилган. Шинам ва кенг дала шийпони деҳқонларнинг ўз уйига айланган. Телевизор, радио ишлаб турибди. Кўзга кўринарли жойга газета-журналлар тахламлари қўйилган.

— Худо хоҳласа, келгуси йилда пахта ва кузги бугдой экиладиган ер майдонларимизни янада кенгайтирмоқчимиз, — дейди биз билан суҳбатда фермер хўжалиги бошлиғи Шомурод Бабашев. — Ахир деҳқон асосий даромадни ана шу тармоқлардан олади-да. Бундан ташқари, қўшимча даромад келтирувчи балиқчилик,

паррандачилик, чорвачилик, асаларичилиқ соҳаларини ҳам ташкил қилмоқчимиз. Ана шунда фермер хўжалигимиз умумий даромади 350-400 миллион сўмга, соф даромади эса 150-200 миллион сўмга етади.

Гоҳ ҳазиллашиб, гоҳида эса вазмин ҳолда суҳбатлашиб, фермер хўжалиги бошлиғи билан дала айланамиз, ҳосили тўла йиғиб-териб олиниб, чуқур шудгор қилинган ва айна пайтда яхоб сувига қондирилаётган далаларда иш қизғин. Ишчилардан Мунаввара Пренова, Қамарий Балтақова, Элмира Қозоқова ва бошқалар карталарга сув тараб, маҳаллий ўғит тайёрламоқдалар.

Дарвоқе, бу йил кузги бугдойдан салкам 100 тонна ҳосил олинган бўлса, келгуси йилда мазкур экин туридан янада кўпроқ хирмон уйиш режалаштирилган. Кузги бугдой далалари ва пахта майдонлари учун маҳаллий ўғит тайёрлаш, техника воситаларини мавсумга ҳозирлашда Комилжон Арабов, Озод Атақов ва Руслан Полвоновлар бошқаларга намуна бўлаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Ҳа, Абдулла Қодирий — Жулқунбой бобомизнинг берунийлик Обид кетмони — замондошимиз Шомурод Бабашев мустақиллик туфайли янада гуллаб-яшнаётган мамлакатимизда декабрь ойининг иккинчи якшанбасида нишонланадиган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни — “Ҳосил байрами”га шу тариқа қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Шу мақсадда у ҳовлиси олдида 500 кило ош дамланадиган катта дошқозон келтирди. Бир тоннадан кўп тош босадиган новвосни сўқимга боқмоқда.

Фермер хўжалиги дала шийпони олдидаги ҳовузга 150 килограммлик Амударё лаққасини ҳалқумидан ип ўтказиб боғлаб-ташлаб қўйибди. Насиб этса, байрамда фермер хўжалиги аъзолари, меҳмонлар роса паловхўрлик ва балиқхўрлик қилишади ва бошқа таомларга бой дастурхон атрофида ўтиришиб ҳордиқ чиқаришади. Энг асосийси, бу пишириқлари масаллиқ ва мева-чеваларнинг ҳаммаси фермер хўжалигининг ўзида етиштирилган. Бу ҳам ҳазил эмас, чин гап...

Ўз мухбиримиз.

ФАРҒОНА ШУНҚОРЛАРИ

Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги “С. Т. А. Т. Тожали Ҳожи Тўхлиевлар” фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тўхлиевдаги шижоат, меҳнатсеварлик раҳматли отаси Тожали ҳожи отадан ўтган, десак хато бўлмайди. Деҳқончилик сирларини мукамал эгаллаган отаси фарзандларини ҳам ерга меҳр қўйишга, у билан тиллашишга ўргатгани боис болалари, неваралари уддабурон, талабчан бўлиб улғайдилар. Тожали ҳожини билган ёру-дўстлари ажойиб инсон, мард, бир сўзли, сахий устоз дея эслашади.

Фермер жорий йилда 60 гектар ғалла майдонидан 80 центнердан хирмон кўтарибди. Шундан 170 тоннасини давлатга сотган бўлса, қолганини хўжалик аъзолари билан бўлиб олибди.

Шу кунларда 58 гектарга экилган пахта майдонида терим авжида.

— Мақсадимиз ҳосилдорликни 41 центерга етказиш, — дейди Авазбек. — Ахир меҳнат қилсак, юқори ҳосил олсак даромадимиз кўпаяди. Туманимиз аҳли меҳнаткаш, теримчи қидирмадик, ўзлари пахтазорни соғинашибди, шекилли, завқ билан пахта теришяпти.

Сўх тумани тоғли ҳудуд. Ўзбек, тожик, қирғиз, қozoқ, рус ва бошқа миллат вакиллари аҳли-иноқ яшашади. Шарқироқ сойи, осмонўпар тоғлари, кўм-кўк майсалари кишига ором бахш этади. Одамлари дилкаш, меҳрибон. Фермерлари изланади, имкон топади. Ушбу туманнинг Исломжон Дадаев раҳбарлик қилаётган “Соҳибкор” фермер хўжалигида бўлди. Шийпонда ўтириб тоза ҳаводан нафас олдик, тоза асал билан чой ичдик, дилдан суҳбатлашдик.

— Бир гектар майдонга Олтиариқ узуми қаламчасидан олиб келиб эккан эдик, ҳосилга кирди, мана татиб кўринг, — дея бир бош қип-қизил “Ризамат ота” навли узумни авайлабгина дастурхонга қўйди Исломжон.

— Олма, гилос, шафтоли, ўрик боғингиз ҳам бор экан, даромад яхшими? — дейман.

— Албатта, вақтида парваришлаб, меҳр билан қаралса, ҳар бир гиёҳ ҳам жавобни ҳосили билан қайтаради.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, 10 сотих жойдаги балиқхона, кенг молхонадаги 20 бош қорамол,

товуқхонадаги 100 та товуқ, дўкон, сартарошхона ҳам фермер хўжалигига қарашли.

Сўх туманида 3 та ширкат бўлиб, “Озод” ширкат хўжалигининг ўз тартиб-интизоми, қоидалари бор. Ушбу ширкат хўжалиги раҳбари Мусажон Сотволдиевнинг миришкорлиги ва ёнидаги деҳқонларнинг ютуғини ўз вақтида рағбатлантириб боришни барча учун ўрнатди.

Ширкатнинг умумий экиладиган майдон 363 гектар бўлиб, 145 гектарга сабзавот экинлари, 14 гектарга кунгабоқар экилган, қолгани мевали боғлардан иборат. Ширкат аъзолари 981 нафар, улар ҳар йили шартнома режаларини бажариб келадилар. Шу боис ҳар доим дастурхонлари бекаму кўст.

Учкўприк туманида ҳам ажойиб, меҳнаткаш деҳқонлар борлигини бир неча йиллардан буён бориб-келиш асносида билганман, кўрганман.

Туманнинг “М. Х. Дон. Тараққиёт” фермер хўжалиги далаларидамиз. Равон дала йўллари четига ёнғoқ, беҳи, гилос, анжир, узум экилган. Дала шийпони шинам ва салқин. Фермер хўжалиги раҳбари Мирзоҳид Нишонов бизни очиқ чехра билан илиқ кутиб олди. Менга ҳамроҳлик қилган туман кишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи Ғайратжон Каримовнинг айтишича, табиатнинг гўзаллигига эътибор берувчи Мирзоҳиднинг қизиқмаган соҳаси йўқ. Ҳар бир гиёҳни асраб-авайлаб парваришлаб, кимдир билмасдан гиёҳга зарар етказгудай бўлса, қаттиқ хафа бўлар экан.

Хўжаликнинг 33,5 гектар майдондаги пахтазори оппоқ, кишини завқлантиради. Теримчиларни кўриб, “Қанийди, вақтимиз бўлганда биз

ҳам терар эдик”, дея кўнглимдан ўтказдим. 35,8 гектардаги ғалла майдонидан 75 центнердан ҳосил йиғиб олинган, 25 бош қорамол, 1000 та товуқ, 25 сотих иссиқхонага ҳам алоҳида эътибор билан қараётгани боис фермернинг даромади юксалиб бормоқда.

Ушбу туманнинг “Фар. У.Ч.К. Абдулҳамид” фермер хўжалиги раҳбари Абдуқодир Абдуллаев ҳам тажрибали, ғайратли фермер.

— Унинг даласини ҳам бир кўринг, опа, — дея йўл бошлади Ғайратжон Каримов.

— Ана пахтазор-у мана пахтазор. Ғўзанинг бўйи бўйингизга етиб қолибди-ку, дейман — Абдуқодирга.

— Ҳа, энди, ер билан тиллашдик, диллашдик-да, опа.

Камтарона сўзлаётган, нияти холис фермернинг ўз ҳаётидан мамнун эканлиги шундай сезилиб турибди. 41,8 гектар пахта майдонининг ҳар гектарида 41 центнердан ҳосил кўтаришни кўзлаган фермерга омад тиладик. У жорий йилда 77,8 гектарга экилган ғалладан 80 центнердан ҳосил йиғиб олибди. 45 бош қорамол, 55 сотихдаги иссиқхона ҳам Абдуқодир фермерга қарашли.

Ундан сўнг Данғарада нима гап, дея ушбу туманда ҳам бўлди.

— “Мелибоев Насвали ота” фермер хўжалиги раҳбари Маликжон Мелибоевни ёзинг, дея тавсия беришди туман раҳбарлари.

25 гектар пахта майдонида терим қизгин. Теримчиларнинг қўли қўлига тегмайди.

— Ҳосилингиз ҳар гектардан 40 центнердан ошиши аниқ, — дедим Маликжонга.

— Ҳа-да опа, биз ҳам шу маррани кўзлаб турибмиз. Ғалламиз 26 гектар эди, ҳар гектарида 80 центнердан йиғиб олдик. 70 бош қорамол 1000 та товуқни ҳам рацион асосида парваришляпмиз, — дейди фермер.

Фарғонадан қайтар эканман, вилоят фермерларига соғлиқ, омад, оилавий бахт тиладим.

Р.ТОЖАЛИЕВА,
журналист.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИКРОПАЙВАНДЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Юртимизда барча боғдорчилик хўжаликларидида ишлаб чиқаришни янги интенсив ривожлантириш учун аввало соғломлаштирилган клонли пайвандтаг боғлар барпо этиш лозим. Бу борада In-vitro усули мевали дарахтларни микроклонал кўпайтиришда нафақат пайвантаглар ҳатто навларни ҳам кўпайтириш яхши йўлга қўйилган. Чунки мазкур технологияни қўллаб, кўчатларни йил давомида чекланмаган миқдорда кўпайтириш мумкин.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг “In-vitro ва биотехнология” лабораториясининг илмий ҳодими Саломат Абдураманова Ўзбекистонда илк бор In-vitro усулида замон талаблари асосида турли данак мевалилар, уруғлилар, цитрус мевали ўсимликлар ва манзарали-ўсимликларни микроклонал кўпайтириб, микропайвандлаш технологияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

In-vitro технологияси қисқа муддат ичида кўп миқдорда мевали кўчатлар етиштириш имкониятини беради. Бу эса бўш ётган ерлардан унумли фойдаланишни таъминлайди ва боғбонларимизнинг бирини икки қилади.

— Хўш, ўсимликларни In-vitro усулида микроклонал кўпайтиришнинг аъъанавий усулларга нисбатан устунликлари қандай?

Бу саволимизга Саломат Абдураманова шундай жавоб берди:

— Бу усулдан кўпайтиришни тез амалга ошириб, оз муддатда минглаб янги кўчатларни ўстириш мумкин.

Лаборатория шароитларида тўлиқ стерил муҳитда турли касаллик ва вируслардан ҳоли ишончли маҳсулот етиштириб чиқарилади.

Мавсум ва об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлмаган ҳолда исталган вақтда ва исталган миқдорда ўсимлик етиштириш имконини беради.

Микроклонал кўпайтириш жараёни аъъанавий усулда кўчат етиштириш учун талаб этиладиган вақтни, хусусан, уруғдан кўпайтиришда ювинил даврини четлаб ўтиб 1–3 йилни, аъъанавий қаламчалардан кўпайтиришда эса илдизлатишга керак бўладиган 1–2 йил муддатни тежайди.

Ҳар бир ўсимлик тури учун алоҳида эътибор ва доимий кузатув остида бўлади.

Гилос пайвандтагини етиштиришда ишлаб чиқариш харажатлари аъъанавий усулда 25778,7 минг.сўми, in vitro усулида 53675,4 минг

In-vitro иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Аъъанавий	In vitro	Тафовутлар (+,-)
1	Пайвандтаг сони	70000	70000	
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	25778,7	53675,4	25147
3	Маҳсулот таннархи	407,6	766,8	359,19
4	Реализация нархи	0,80	2,0	
5	Даромад	48000	140000	92000
6	Фойда	22221,3	86330,6	64103
7	Рентабеллик	86,2	160,9	74,6
8	Иқтисодий самара		64109	
9	Ресурстечамкорлик коэффициенти		2,08	
10	Инновацияни ялли ўсиш коэффициенти		0,74	
11	Кўқарувчанлик коэффициенти	60%	95%	



сўми ташкил этиб 1 га ер майдонидаги гилос пайвандтагини таннархи аъъанавий усулда 407,6 сўми, in-vitro усулида 766,8 сўми ва таннарх бўйича тафовутлар 359,19 сўми ташкил этди. In-vitro технологияси бўйича фойданинг ўсиши, яъни иқтисодий самара 64109 минг.сўми ташкил этди.

Керагидан ортиқча етиштирилган маҳсулот узоқ муддат давомида бузилмасдан сақланиш имконига эга.

Кўпайтирилаётган ўсимликнинг генетик хусусиятлари, сифат ва белгилари тўлиқлигича сақланиб қолинади.

In-vitro усулида аъъанавий усуллар билан кўпайтиришни иложи бўлмаган ёки юқори харажатли ўсимликлар осон ва тез кўпайтирилади.

In-vitro усули аъъанавий усулларга қараганда нафақат қисқа фурсатларда? балки унча катта бўлмаган жой шароитларида кўлаб ўсимликларни кўпайтиришга имкон беради.

Микроклонал кўпайтиришни саноат миқёсида жорий этиш қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бирга қўшимча иш ўринлари яратилади, жаҳон андозаларига мос экспортбop маҳсулот турлари кўпаяди. Шунингдек, агрологистик талаблар нуқтаи назардан бозорбop ва харидоргир мевалар етиштириб беришни кафолатлайди.

Мамлакатимизда бундай технологияни жорий этилиши импорт ўрнини босувчи кўчат етиштириш имкониятини пайдо қилади. Бу шубҳасиз фермерлар, деҳқон хўжаликлари, тойроққа ер егалари учун арзон, рақобатбардош кўчатларни етказиб бериш демакдир.

Саломат Абдураманова ўз илмий-тадқиқот ишлари билан “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” II Республика танловида иштирок этилиб, биринчи босқичда Тошкент вилоятида ҳам Республика босқичида ҳам “Энг самарали инновацион лойиҳа” номинацияси бўйича I ўринни эгалади. Унинг изланишлари Корея ихтирочи аёллар ассоциацияси президенти томонидан сертификат билан тақдирланди. Шунингдек, ёш тадқиқотчи Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган “INNOWOMENWEEK” ўқув семинарида ўз лойиҳаси билан қатнашиб, унинг тақдироти “Энг яхши лойиҳа” деб топилди.

Саломат Абдураманова журнал ва илмий тўпламларда 50 дан ортиқ илмий мақолалар ҳаммуаллифи ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, юртимизда С. Абдураманова сингари ўз билим ва салоҳияти билан нафақат Республикамиз балки жаҳон миқёсида истеъдодини намоён этаётган ёшларимиз талайгина. Зеро, улар халқимиз ва давлатимизнинг бебаҳо бойлигидир.

У.МАМАЖАНОВ,
изланувчи.

ЭКОЛОГИК СОҒ ЯНГИ АВЛОД БИОЎҒИТЛАРИ



ЕРГА ҚУВВАТ, ДЕҲҚОНГА ДАРОМАД БЕРАДИ!





СОҒЛОМ ТУПРОҚ! СОҒЛОМ ҲОСИЛ! СОҒЛОМ ҲАЁТ!



Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш учун Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти мутахассислари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг янги ресурстежовчи биоагротехнологияси яратилган



Биз экологик фикрлаймиз:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тупроққа, ўсимликларга ва атроф-муҳитга зарарсиз етиштирамиз;
- табиат билан ҳамнафас ишлайдиган инновацион биотехнологиялардан фойдаланамиз.

Биз тупроқ саломатлигидан бошлаймиз:

- тупроқ ва суғориладиган сувни ташхис қилиб, ҳар бир далага индивидуал ёндашув қўллаймиз;
- тупроққа минимал ишлов берамиз;
- ортиқча ўғит беришни камайтирамиз;
- суғориладиган сувни рационалсиз ишлатилишига йўл қўймаймиз, сувни сарфини камайтирамиз;
- кимёвий фунгицидларнинг ишлатилишига йўл қўймаймиз.

Биз фермерлар муаммоларини ҳал қиламиз:

- тупроқларнинг табиий унумдорлигини қайта тиклаймиз ва оширамиз;
- ўсимликларни касалликлардан ва ҳашаротлардан қутқарамиз;
- қишлоқ хўжалиги экинларига иммунитет ҳосил қилишига, ноқулай тупроқ ва об-ҳаво шароитларига (қўрқоқчилик, дўл, шўрланиш, совуқ уриш, сел, шўр ҳамда чанг бўронлар) чидамли бўлишига ёрдам берамиз.

Биз биотехнологик ривожланишни сезиларли қиламиз:

- яратилган инновацион биоагротехнологиялар фермерларга қўйидагиларда ёрдам беради:
- кам ресурс ишлатиб, кўп миқдорда ва экологик тоза ҳосил етиштиришга;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги ва рентабеллигини оширишга.

Агар Сиз тупроқ унумдорлигини, маҳсулотингизни сифати ва ҳажминини яхшилашни янги усулни қидирган бўлсангиз, Сиз уни топдингиз!

Биз билан ҳозироқ боғланинг:

**JV LLC «GreenBioTech» +998(78) 113-13-31
greenbio.technology@mail.ru www.greenbio.technology**

«ЭКОПОЛ»

резина тўшамалари

Реклама

Сизлар учун тўшамаларнинг аниқлаш вариантлари (сомон, ёғоч, курук гўнг, қум) – бу:

- Пол асосининг тез емирилиши;
- Тўшамани камида ҳар 12 ойда тўлиқ алмаштириш зарурати;
- Мунизам равишида, камида ойда бир марта, қўшимча дезинфекциялаш воситалари сепиб, аралаштириш;
- Бундан ташқари, транспортда ташиш, ёнлги, сақлаш, утилизация қилиш учун қўшимча сарф-харажатлар.



ЭНГ АСОСИЙСИ:

Ферма ишчиларини доим бошқа ишга сафарбар қилишга тўғри келади! Агар ўз вақтида парваршиш ишлари олиб борилмаса, ҳайвонлар шикастланади, елиб-туёқ касалликларига чалинади! Буларнинг барчаси соғин ҳажми тушиб кетишига олиб келиши мўқаррар!

10 йиллик эксплуатация учун сарф харажат		
ғишт	3 655 000 сум	289%
ёғоч	2 400 200 сум	190%
сомон	3 775 000 сум	298%
курук гўнг	2 085 000 сум	165%
экопол	1 265 000 сум	100%



SHVEDOFF

bizplan.uz



**!ЗҲР
ечим!**

ЭКОПОЛ резина тўшамалари
бошқа тўшама турларидан ҳам
АРЗОНРОК, ҳам ҚУЛАЙРОК!



ЭКОПОЛ резина тўшамалари:

- Ҳайвонларни совуқдан асрайди, жароҳат олишидан ва елин касалликларидан ҳимоялайди, бу эса СОҒИН ҲАЖМИНИ ҚУПАЙТИРАДИ!
- Патоген (зарарли) бактериялар ривожланишига тўқниқлик қилади – ЯЪНИ ЕЛИНИ – МАСТИТДАН ҲИМОЯ ҚИЛАДИ!
- ҚўШИМЧА ПАРВАРИШ ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИ!!!
- 10 ЙИЛЛИК КАФОЛАТГА ЭГА!!!



Тел: +(998) 90-929-28-08

Манзилимиз: 100007, Тошкент, Чотқол кўчаси 2-уй.

www.bizplan.uz

ИНН 300828297

ҲОСИЛ САЛМОҒИ – ОМИЛКОРЛИКДА

Юртимиз иқтисодиётининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Бунинг халқимиз турмуш даражасининг ўсиши, аҳоли бандлиги, бозорларимизнинг тўкин-сочинлигини таъминлаш ва нарх-навоининг пасайишига хизмат қилаётган кўп тармоқли фермер хўжаликлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Учкўприк миришкор деҳқонлари, зукко тадбир-

корлари жиҳатдан Фарғона вилоятидаги илғор туманлардан бири. Туман аҳли кўп йиллардан буён мева-сабзавотчилик, пахта ва ғаллачиликда фаолият юритишаётган бўлсалар-да, ҳар гектар экин майдонидан юқори ҳосил етиштиришда вилоятда етакчилиكنи бермай келишяпти. Айниқса, Исмойилжон Йўлдошев раҳбарлик қилаётган “Ғиждон ариқсой бўйи” фермер хўжалиги жамоаси пахта ва ғалла етиштиришда юқори самарадорликка эришмоқда.

– Туманимиздаги 178 та фермер хўжалиги 12760 гектар майдонда пахта ва ғалла маҳсулотларини етиштиради, – дейди туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бош мутахассиси Исроилжон Парпиев. – Ҳозирги фермер бундан ўн беш-йигирма йил аввалги фермердан тубдан фарқ қилади. Эндиликда фермерлар ердан қанча юқори ҳосил олса, шунча юқори даромадга эга бўлишларини жуда яхши билишади. Шунинг учун 110 та фермер хўжалигимиз кўп тармоқли хўжалик мақомини олди. Жорий йилда яна талайгина фермер хўжаликлари қўшимча йўналишлар ташкил қилиш мақсадида ўз дастурларини туман ҳокимлигига тақдим қилишмоқда. Хўжаликларнинг кенгайиши, албатта, юртимиз дастурхонини тўкин қилиши билан бирга, кўплаб бўш иш ўринлари ҳосил бўлишини таъминламоқда. “Ғиждон ариқсой бўйи” фермер хўжалиги раҳбари Исмойилжон Йўлдошев туманимизда омилкор фермер сифатида танилган. Кўпгина хўжалик раҳбарлари Исмойилжон ака билан бамаслаҳат иш юритишни хуш кўришади.

– 1986 йилдан буён далада меҳнат қиламан, – дейди фермер. – Аввалига сувчилик қилдим, сўнгра ҳисобчи ва бригада бошлиғи бўлиб ишладим. Мана шу ўтган йиллар мени ер билан тиллашишга ўргатди. Раҳматли раис-

миз Абдулҳамид ака Абдуллаев ер бошига келиб кўчатларни обдон кўздан кечириб, “Исмойилжон, кўчатларни эҳтиётла, агротехник тадбирларни ўз вақтида самарали амалга ошир, ана ундан кейин ҳосилнинг баракасини кут”, дердилар. Ҳақиқатан ҳам, ерга меҳр берсангиз, уни авайлаб, асра-сангиз ер ҳам ўз ҳимматини аямайди. Юртимизда фермерлик ҳаракатининг ривожланиши натижасида 2012 йили 45 гектар экин майдонида 37 нафар



доимий ишчи билан фаолиятимизни бошлаган эдик. Хўжалигимиз ерлари ўзим йиллар давомида ишлаган, ҳар гектарининг ҳолатини ўрганиб чиққан майдонлар бўлгани учун ҳам менга унчалик қийин бўлмади. Фақат бу майдонлар энди менинг ўз хўжалигимники эканлиги, ўз ерим эканлиги қувонтирди. Ушбу қувонч мени янада кўпроқ меҳнат қилишга ундади. Тажрибали механизаторлар Жўрақузи

Аҳмадқулов, Муҳаммаджон Икромовлар ва уста сувчилар Раҳимжон Остонақулов, Хайрулла Муллажонов, Таваккалжон Асқаровларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли йил сайин ҳосилдорлик ортиб борди. Жорий йилги мувофиқлаштириш туфайли 156 гектар экин майдонида 160 нафар ишчи билан меҳнат қилияпмиз. 2019 йил ҳосили учун 89,5 гектар майдонга ғалланинг маҳаллий Замин навини эдик. Ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олиш режасини тузган бўлсак-да, гектаридан 80 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлдик. Айни кунларда С-8290 навли ғўза кўчатларига ишлов бериш ишларини амалга оширяпмиз. 66,20 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил олишга бел боғлаганмиз.

Ҳа, ҳар бир ишда омилкорликнинг ўрни бекиёс. Ўз касбининг устаси бўлган Исмойилжон ака ҳам ҳар бир кундан унумли фойдаланиш, долзарб юмушларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, ҳосил салмоғини ва сифатини ошириш, юзлари ёруғ, хирмонлари баланд бўлиши учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Суратда: (ўнгдан) фермер И. Йўлдошев ва сувчи Х. Муҳаммадиев пахта ҳосилини кўздан кечиришмоқда.

Ўз мухбиримиз.

АСАЛАРИ ЗАҲРИ – ШИФОБАХШ ОҒУ

Қадим замонлардан буён одамлар кўпгина касалликларни даволашда асаларичилик маҳсулотлардан кенг фойдаланганлар. Ота-боболаримиз асалари заҳри турли касалликларни даволашда, бўғинларнинг яллиғланишида, беморнинг аҳволини энгиллаштиришни, уйку ва иштаҳани яхшилашни пайкаганлар. Кейинчалик, асалари заҳри халқ табobatiда ишлатиладиган бошқа кўпгина воситалар каби, илмий тиббиёт ихтиёрига ўтган.

Асалари заҳри асал ҳидига ўхшаб кетадиган, хушбўй ва ачиқ таъмга эга, деярли рангсиз суюқликдир. Заҳар ҳавода тез қурийд ва қурилган елимга ўхшаб кетади. Заҳар жуда барқарор – кислота ва ишқорлар таъсирига чидамли, қайнатилганда ва музлатилганда сифати деярли ўзгармайди. Қуруқ ҳолда бир неча йилгача сақланганда ҳам фаоллиги йўқолмайди, антибиотик хосаслари борлигига қарамай, сувли эритмада тезда чирийд ва ўзининг фойдали хоссаларини йўқотади. Бактерияларни йўқотиш қобилиятига эгалиги учун, уни ғоят кучли зарарсизлантирувчи воситалар қаторига қўяди.

Асалари чаққанда одам терисида кучли, лекин қисқа муддат оғриқ сезади. Асалари чаққан жойда аввал кичик оқ доғ – папула пайдо бўлади, сўнгра бу жой қизаради ва шишади, шиш баъзан анча катталашиб кетиб, ҳатто сарамасли яллиғланишга ўхшаб кетади. Шунинг учун бундай доғлардан қўрқмаслик керак, улар тезда ўтиб кетади.

Одатда асалари инсон танасини оғриқли чақади, унинг ниши баданга санчилишни давом эттириб, ундаги заҳар танадаги ярага қуйилади. Асалари ниши баданда қанча узоқ қолса, ярага шунча кўп заҳар қуйилади. Шунинг учун, оғриқни пасайтиришда, асалари нишини имкон қадар тезроқ олиб ташлаш талаб этилади. Ниш олинаётганда, заҳарли қопчани эзмасдан, тирноқ ёки пичоқ учи билан бир тарафга сурилади, бармоқлар билан эзиб, суғуриб олиш керак эмас. Асалари чаққан жойга бир оз сўлагингиздан суртиб қўйсангиз фойда қилади.

Асалари заҳрига сезувчанлиги юқори бўлган кишиларда, асаларининг ҳатто бир марта чақиши ҳам нафас олишни қийинлаштириши, бошни айланттириши, кўнгилни айнитиши, баъзан эса қуститиши, юракда оғриқ пайдо қилиши, эҳтимоли бор. Бир неча соатдан сўнг, эт увишиши ва ҳарорат кўтариллиши, баъзан, бадан қичиши мумкин. Бу аломатлар бир неча соатдан сўнг йўқолади. Ана шунда сиз асалари заҳрига қарши иммунитет ҳосил қилган бўласиз.

Унинг заҳрига одамлар одатда кўникиб қолишади, бироқ иммунитет вақтинчалик

бўлиб, вақт ўтиши билан у йўқолиб кетади. Соғлом одам 500 тагача асалари чақишини кўтара олади. Асалари заҳрига кўниккан кишиларга, асосан асалари билан ҳар куни мулоқот қилувчи асаларичилар учун илон заҳри ҳам хавф туғдирмайди.

Асалари чақишидан инсонларнинг ҳалок бўлиши жуда кам учрайди. Ўлим заҳарнинг қонга аралашидан кўра, танглай ва тилнинг шишишдан юзага келади одам нафас етишмаслигидан нобуд бўлади. Асалари чаққандан сўнг, у нишидан айрилади ва бир неча соат ўтгач



у нобуд бўлади.

Асалари заҳрининг фаоллиги, унинг ёши билан боғлиқ. Дунёга келганига 2 кун бўлган асаларининг заҳар қопчасида оз миқдорда заҳар бўлади. 6–7 кунлик асалариларда эса заҳар қопчасининг сезиларли катталашishi кузатилади, унинг максимал даражада тўлиши 10–16-кунлар оралиғида юз беради. Асалари чаққанда, у 0,25 мг. гача заҳар ишлаб чиқаради.

Асалари заҳрининг организмдаги токсикологик таъсирининг самарадорлиги, унинг заҳар таркибидаги ҳар хил компонентларнинг биргаликда ва уларнинг кетма-кет таъсирида юзага келади. Албатта, бу жараёнларнинг қопчасида бирлари ҳанузгача яхши ўрганилмаган. Эндиги мақсад, олимларимиз томонидан ана шу жараёнларни инновацион йўл билан илмий тадқиқотларида ишлаб уни рўёбга чиқарсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Унинг заҳри юрак мускули ишини қувватлайди, артериал қон босимини пасайтишига имкон беради. Асалари заҳри моддалар алмашинувида самарали таъсир қилади, бу атеросклероз касаллигида, қонда холестерин миқдорини пасайтира-

ди, беморнинг аҳволи яхшиланади, иш қобилияти ошади ва яхши ухлайдиган бўлади.

Асалари заҳри қон ивишининг тезлашишига тўсқинлик қиладиган, кучли профилактик восита эканлиги маълум бўлди. Унинг бошқа кимёвий моддалардан афзаллиги шундаки, организмда тромб ҳосил бўлишига ҳалақит берадиган ша-роитларни вужудга келтириб, асалари заҳридан амалда исталганча муддат давомида фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ва хорижда асалари заҳри ҳар тарафлама тажрибалар асосида, унинг табобатдаги аҳамияти текшириб кўрилмоқда.

Мен оилада тўртинчи авлод асаларичилар сулоласини давомчисиман. Бобом асаларичилик билан шуғулланадилар, ёшлигимдан шу касбга ҳавасимни уйғотганлар. Асалари билан кўплаб чақтирганлар. Шунинг учун асаларини чақиши менга асло қор қилмайди, чунки менин қоним таркибида иммунитет ҳосил бўлган.

Асалари заҳри ва ундан тайёрланган кўпгина препаратлар даволаш бо-бида жуда катта аҳамиятли эканлиги тасдиқланган. Лекин, фақатгина асалари чақтириш йўли билан даволаш усули бошқа хил препаратларга нисбатан энг самарали йўл эканлиги жаҳон тажрибала-рида ҳам яна бир бор ўз исботини топди.

Асалари чаққан жойни ишқалаш мумкин эмас, бундай ҳолда шиш катталашиб кетиши мумкин. Шишган жой 0,25 фоизли навшадил спирти ёки 6–8 фоизли сирка кислотаси билан артилса, у яхши фойда қилади.

Тиббиёт ходимлари асалари ёки бирон ҳашарот чаққанда, гистаминли ёки адре-налинли инъекциядан фойдаланадилар (гистамин томирларни кенгайтиради, адреналин эса торайтиради). Аллерги-ядан азият чекувчи кишилар, аввалдан кальций хлорли эмлама қабул қилишлари керак. Кўпчилик учун оз миқдордаги аса-лари заҳри зиён етказмайди. У фақат юрак хасталигидан азият чекувчи кишилар учун бироз хавфли бўлиши мумкин.

О.ОМОНОВ,

Тошкент давлат фармацевтика институтининг II босқич талабаси.

Адабиётлар

1. Гиниятуллин М.Г. *Отбор и качество пчелиного яда* // Ж.: "Пчеловодство". – Москва, 1991. – №7. – С. 36-37.

2. Омонов О.Ю. *Оғуми ёки малҳам* // "Фермер" журнали, - Тошкент, 2017. – №3. 18–20. – Б.

ИССИҚХОНА АГРО ИЛМИ

Президентимизнинг “Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан мамлакатда давлат-хусусий шериклигида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг бутун занжирини ўз ичига олувчи кластер шаклини жорий қилиш, энергиятежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш маҳсулот етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иссиқхоналарда ўсимлик ўсиш шароитини тўлиқ назорат қилиб туриш имконияти мавжудлиги учун очиқ ерда етиштирилаётган ўсимликка нисбатан бир неча ўн баробар кўпроқ ҳосил олиш имкониятини яратиш мумкин.

Эндиликда ёқилғи ёқиш йўли билан иссиқлик ёки электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар рўйхати тузиб чиқилади ҳамда уларга туташ ҳудудларда замонавий иссиқхона комплекслари жойлаштирилади. 105 та замонавий иссиқхона комплексини ташкил этишга оид истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши тўлиқ назоратга олиниб, бу борада тадбиркорларга зарур ёрдамлар кўрсатилади.

Юқорида қайд этилган ҳужжатда белгиланган вазифалар ижроси жаҳон бозорини рақобатбардош, олий сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш экспорт ҳажминини кескин ошириш имконини беради. Иссиқхоналар тўлиқ герметик ёпиқ бўлса, иссиқликни узоқ муддат сақлаб туриш мумкин бўлади. Амалда буни тўлалигича бажариш имкони йўқ. Йилдан-йилга ёқилғи захираларининг камайиб бориши ва ундан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳамда нархининг ошиб бориши етиштирилаётган маҳсулотнинг таннархини ошириб юборади. Шунинг учун имкон даражасида иссиқхона ичидаги иссиқлик энергиясини узоқ муддат аккумуляциялаш, яъни сақлаш масаласи бўйича дунёнинг етакчи мутахассис олимлари тажрибаларига асосланган тавсиялар ва усуллар ишлаб чиқилган.

Илм даргоҳимиз педагогика йўналишлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрловчи етакчи олий ўқув юртларидан бири бўлиш билан бирга фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошираётган йирик илмий-тадқиқот маскани ҳамдир.

Кафедрамизда олиб борилаётган “Иссиқхоналарда алтернатив геотермал энергиядан фойдаланишнинг тупроқ хоссалари ва ўсимлик ҳосилдорлигига таъсири” мавзусида докторлик илмий иши, “Иссиқхонада алтернатив энергиядан фойдаланиб, етиштирилаётган помидор кўчатларига суспензия қўллаш меъёри ва муддатларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги PhD илмий иши ҳамда “Иссиқхонада лимон етиштириш технологиясини ўрганиш”, “Иссиқхонада тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш йўллари”,

“Иссиқхонада эртаги картошка етиштириш технологияси”ни ўрганиш каби долзарб тажрибалар ўрганилиб натижалари жойларда кенг қўламда жорий этилмоқда.

Жумладан, ўрганилган иссиқхонада электр энергияси ва бошқа иситиш харажатларини камайитириш мақсадида замонавий ва ресурстежамкор технология ўрнатилган. Қишда иссиқхонадаги ҳарорат мунтазам назорат қилинади. Иссиқхона ички қисмида, унинг баландлигига қарийб тенг равишда вертикал ҳолда ўрнатилган пластмасса қувурлар орқали иссиқ ҳаво сўриб олинади ва уни тупроқ остига, горизонтал ҳолда ўрнатилган қувурларга йўналтиради. Иссиқ ҳаво қувурлар орқали тупроқни иситади ва тупроқдан 20-30 см баландликда вертикал ҳолатда ўрнатилган қувурлар орқали иссиқхона ичига қайта чиқади.

Бу технология асосан иссиқхонани иссиқ ҳаво, тупроқ ости ва устки қисми учун етарли иссиқликни етказиб бериши билан аҳамиятлидир. Иссиқхона ичида ва тупроқ остига қўйилган пластмасса қувурлардан, мутахассислар фикрига кўра, 30 йилдан кўпроқ фойдаланиш мумкин, шунингдек, пластмасса қувурларни эксплуатация қилиш жуда осон ҳисобланади.

Таълим муассасаларида иссиқхона қурилиши ёшларни меҳнатга жалб этиш, иссиқхоналарда иш юритишни амалий жиҳатдан ўргатишга хизмат қилади. Бу ерда ўсимликларни парваришлаш, озиклантириш, касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш, юқори ҳосилга эришишда инновацион ва ресурстежамкор технологияларни қўллаш бўйича назарий билимлар амалий машғулотлар билан бойитилади.

Хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш билан ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар етиштириш-ни таъминлайдиган замонавий иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш — шу куннинг талаби, эл-юрт тўқинлигининг муҳим омилдир. Чунончи, бугунги кунда дунёда 14,3 фоиз аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилмаётган бир вақтда, Ўзбекистонда озик-овқат тақчиллиги ҳозирча хавф туғдирмаяпти. Лекин аҳоли сони йилига ярим миллиондан кўпайиб бораётган экан, бу масала мамлакатимиз учун ҳам долзарб бўлиб қолавереди.

А.ХАЙРИДДИНОВ, ҚДУ, қ.х.ф.н.

Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси мудири.



ДУНЁ СОЯЧИЛИГИДАГИ ЖАРАЁНЛАР

The current article presents data about the fields of soybean and the amount of the grown product all over the world. The article shows the analysis of produced soybean for export in USA and Brazil during 2013-2014 and 2019-2020 based on the sources. The ideas about growing soybean in the territories of Uzbekistan are given, as well.

Дунё бўйича ишлаб чиқиладиган ўсимлик мойининг 35 фоизи соя донидан олинади. Соя дони ва изоляти озиқ-овқат саноатида энг яхши хомашё, шрот и чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликда оқсилга бой тўйимли озуқадир. Маълумотларга кўра, бугунги кунда жаҳонда соя 107 млн. гектардан зиёд майдонда етиштирилмоқда. Шундан қарийб 36,3 млн. гетари АҚШ, 33,7 млн. гектари Бразилияга тўғри келади. Соя дони серхосиллиги жиҳатдан ҳам кўпгина экинларга нисбатан юқори ҳисобланади. Бу ўсимлик донидан 400 дан зиёд турли маҳсулотлар олинади. Мойидан ташқари, соя суги, соя оқиси, соя изоляти ва бошқа маҳсулотлар бугунги кунда дунё озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилмоқда.

Озиқ-овқат саноатида ёғизлан-
рилган соя унидан нон, булочка ва бошқа
кондитер саноати учун маҳсулотлар
олинади. Соя изолятидан тўқимачилик,
текстил, қоғоз ва саноатнинг техник
соҳаларида фойдаланилади. Соя мойи-
дан совун ва лак бўёқ ишлаб чиқаришда
кенг фойдаланилади.

Дунёда соя 2014/2015 йилда 118,14 млн. га майдонга экилиб, 317,25 млн. тонна соя дони йиғиб олинган. Энг юқори ҳосил АҚШ фермерларига тегишли бўлиб, ўртача 3,21 т/га. дан хирмон кўтарилган бўлса, энг кам ҳосил Ҳиндистонда етиштирилиб, ўртача 0,9 т/га. дан ҳосил олинган.

Дунё бўйича ишлаб чиқарилган соя дони 2017/2018 йилда 146 млн. тонна бўлиб, олдинги йилга қараганда 5 млн. тоннага кўпайган. АҚШда соя майдонлари янада кенгайтирилмоқда, чунки фермерлар маккажўҳорига қараганда соядан кўпроқ даромад ёки бир гектардан 700 доллар кўпроқ фойда олишган.

Index Воҳнинг эълон қилинмаган маълумотларига кўра, 2017 йилда соя дони ишлаб чиқариш 352 млн. тоннага етди ёки 2016 йилга нисбатан 5 фоизга ошди. Шунингдек, 2017 йилда етиштирилган соя

дони 2012 йилга қараганда 45.5% ошган.

Хитой Халқ Республикасида соя донинин импорт қилиш йил сайин ошиб бормоқда. АҚШ Хитой оладиган соя донига нисбатан 25% қўшимча нарх белгиллагандан сўн АҚШдан соя дони сотиб олишни камайтирди. Шуни айтиш керакки, АҚШ бир йилда етиштирган соя донининг 53 фоизини ўз эҳтиёжи учун ишлатади. Эндиликда Хитой ўзига керакли соя донининг тенг ярмини, яъни 60 млн. тоннасини Бразилиядан сотиб олмоқда. Шунингдек, Хитой 5% соя донини Аргентинадан сотиб олаяпти. АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларининг бузилиши жаҳон бозорида соя дони нархининг ошишига олиб келмоқда. Нидерландиялик экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2019 йилнинг биринчи чорағида 1 т соя дони нархи 292 евро бўлган бўлса, иккинчи чорағида бу кўрсаткич 298 еврони ташкил этган.

АҚШда соя дони қайта ишлаш саноатида ҳам энг қулай хомашё сифатида юқори қадрланади. Масалан, соя мойидан биодизель ёнилғиси тайёрлаш учун қарийб 60 млн. т. соя дони қайта ишланади. АҚШ Қишлоқ хўжалик вазирлигининг маълумотларига кўра, бир йилда соя уни тайёрлашга 56,6 млн. т соя дони сарфланади. Бундан ташқари, АҚШда чўчқачилик ва паррандачилик хўжаликларни кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Бразилияда кейинги 15 йилда соя майдонлари жадаллик билан кенгайганлиги маълум. 2018 йилда бу мамлакат 120 млн. т соя дони етиштирди. Маълумотларга қараганда, соя майдонлари йил сайин кенгайтирилмоқда. 2030 йилга бориб соя майдонларини 45,3 млн. гектарга етказиш режалаштирилмоқда. Кейинги ўн йилда Бразилия соя майдонларини 67 фоизга ошириб, кўплаб соя дони етиштириш ва экспорт қилиши эъвазига иқтисоди ривожланган мамлакатлар сафига қўшилди. Бразилияда етиштирилган соя дони таркибида оксил моддаси

юқорилиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда АҚШ ва Бразилия соя етиштириш бўйича ўзаро рақобатда бўлиб, жаҳонда сотиладиган соя донининг 80 фоизи улар ҳиссасига тўри келмоқда. Ушбу мамлакатлардан сўнг Аргентина (8,7 млн. т), Парагвай (5,7 млн. т), Канада (4,9 млн. т), Уругвай (2,6 млн. т) ва Россия (2,4 млн. т) соя донини етиштирадilar.

Дунё мамлакатларида соя донини етиштириш бўйича маълумотлар таҳлилини кўриб, мамлакатимиздаги соячиликнинг бугунги ҳолати ҳақида фикр юритар эканмиз, ҳали бизда бу борада жуда катта ўзгаришлар қилишимиз зарурлиги маълум бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг соя экини экиш ва соя дони етиштиришни кўпайтириш хусусидаги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Лекин соя майдонларининг жуда камлиги, соя навлари уруғчилиги устида илмий ишлар суст олиб борилганлиги, эрта баҳорда сояга ер ажратиб олиш масаласи бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаргани туфайли сояга эътибор юқори даражада эмас. Демак, чорва ва парранда маҳсулотларини аҳоли эҳтиёжи учун етарли миқдорда етиштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш учун республикамизда соя майдонлари кенгайтишига тўғридан-тўғри тўртки бўлади.

Бугунги кунда олимларнинг олиб борадиган муҳим вазифаларидан бири – соя агротехникасини фермерларга янада кенг тушунтириш ва ягона дастур асосида янги олиб боришдан иборат. Соячиликни ривожлантириш келажақда республикамизга жуда катта иқтисодий дарсмад олиб келади. Дунё миқёсида олиб қарасак, энг қолоқ мамлакатлар ҳам соя майдонларини кенгайтириш эвазига соя донини хорижга экспорт қилиши орқали иқтисодий бакуват мамлакатга айланмоқда.

М. БОЙМАТОВА,
издавачи.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сон “2017–2021 йилларда Республикада соя экишни кўпайтириш ва соя дуккакли экинларини ўстиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.
2. Августовский отчет Министерства сельского хозяйства США (USDA). 2016. Источник: <http://kazakh-zerno.kz>
3. Материал подготовлен Международным институтом аграрной политики на основании данных FAO UN собственного анализа. 2018. Источник: agriculture.by
4. Отчет Международного Совета по зерну (IGC), мировое производство сои в 2015-2017 год. Источник: agriculture.by

ҚАРШИ ЧЎЛИ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИ ЕТИШТИРИШДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ

This study was conducted in the Kashkadarya region, where water supply is complex, and undertaken analytical work on the effective use of water resources and the increase of cotton yield in the region. This research studied traditional and drip irrigation types of cotton irrigation. As part of the research, field experiments were organized and conducted in-depth study of available water resources, climatic and soil conditions. Soil salinity and irrigation periods were analyzed separately and monitored using special equipments. The advantages of drip irrigation over the traditional method of cotton irrigation were observed. In summary, the possibility of higher yields with lower water consumption has been identified, and as a result, it was possible to increase productivity by 54%.

Бугунги кунда республикада аҳоли сонининг ошиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг ўсишига олиб келади. Бу маҳсулотларни етиштириш учун оби-ҳаётнинг ўрни беқиёс бўлиб, сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш қишлоқ хўжалигининг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда.

Республикада Қашқадарё вилояти сув муаммосининг ўзига хослиги ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Бир гидрологик йилда вилоятда 4,5–5,0 млрд. м³ сув сарфланади. Талаб этиладиган сув ресурсларининг 75 фоизи қўшни Туркменистон ҳудудидан, яъни Амударёдан Қарши магистрал каналидаги 7 та насос станциялар каскади орқали 132 метр баландликка кўтариб етказиб берилади. Қолган 5 фоизи эса Зарафшон дарёсидан ва 20 фоизи Қашқадарё ва унинг ирмоқлари орқали шаклланади. Ушбу насос станцияларида сарфланаётган электрэнергия давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Сув таъминотидаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадида республикада сувни тежаш технологияларининг бир қатор самарали ва истiqболли турлари ишлаб чиқилган. Сув танқислиги ошиб бораётган шароитда далада ер усти ва ер ости

сувларини биргаликда бошқариш мақсадга мувофиқдир.

Сув таъминоти мураккаб бўлган Қашқадарё вилоятида ер ости сувлари динамикасини кузатиб ва бевосита минерализация даражасини инobatга олган ҳолда, ушбу сувдан ғўзани томчилатиб суғориш усулида етиштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди.

модуль районида мансуб. Вегетация даври 230–240 кунни ташкил қилади.

Дала тажрибасида ғўзани икки хил усулда суғориш жараёнидаги тупроқ сув режимлари, тупроқнинг механик таркиби ва намлик даражалари ўрганилди. Анъанавий суғориш ва томчилатиб суғориш технологиясининг 2 хил усулида ҳам қайтариқлар бўйича тупроқнинг намлиги ва сув

1-жадвал

Тупроқ таҳлили натижалари, (2015 йил)						
Тупроқ қатлами, см	Ҳажмий оғирлиги, ± г/см ³	Чегаравий дала нам сизими, %	Тупроқ тури	Тупроқнинг шўрланганлик даражаси		
				Умумий майдон	Томчилатиб суғориш (плёнка билан)	Томчилатиб суғориш (плёнкасиз)
				Апрель	Август	Август
0-15	1,63	23,4	қумоқ	2,3	2,41	5,06
15-30	1,67	19,5	қумоқ	2,7	3,24	5,24
30-45	1,69	21,0	қумоқ	3,0	3,63	4,55
45-60	1,72	21,5	қумоқ	3,5	2,17	3,90

Тадқиқотнинг асосий мақсади томчилатиб суғориш технологиясининг 2 хил – плёнка остида ва плёнкасиз усуллари натижаларини анъанавий суғориш усули билан таққослаб, фермер хўжаликлари учун энг мақбул бўлган томчилатиб суғориш технологияси ҳамда ғўзадан юқори ҳосил олиш агротехникасини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотлар Қарши туманидаги “Қосимова Гулнора” фермер хўжалигида олиб борилган.

Дала майдонининг жойлашган жойи табиий иқлим шароитига кўра, жанубий иқлим зонаси ва III гидро-

2-жадвал

Турли хил усулда ғўзанинг суғориш муддатлари ва сарфланган сув миқдори

Ой номи	Анъанавий усул, ± м ³	Томчилатиб суғориш (плёнка билан), ± м ³	Томчилатиб суғориш (плёнкасиз), ± м ³
Апрель	1000 (нам суви)	1540 (нам суви)	1500 (нам суви)
Июнь	1100 (1-суғориш)	455 (1-3 суғориш)	529 (1-3 суғориш)
Июль	1450 (2-суғориш)	1237 (4-9 суғориш)	1392 (4-9 суғориш)
Август	2950 (3-5-суғориш)	645 (10-13 суғориш)	873 (10-15 суғориш)
Жами:	6500	3877	4294

физик хоссалари лаборатория ва дала услубларида таҳлил қилиб борилди. Тупроқнинг шўрланиш даражаси апрель ойида ва суғориш мавсуми якунланганда август ойида “иссиметр”, тупроқ шўрланишини дала шароитида аниқлаш асбоби ёрдамида ҳам кузатиб борилди. Ҳар бир суғориш олдида ва суғоришдан кейин далада бурғу ёрдамида томчилатиб суғориш усулида 60 см, анъанавий суғориш усулида 100 см чуқурликдан тупроқ намунаси олиб, лаборатория ёрдамида таҳлил қилинди.

Ғўзани суғориш вақтини аниқлаш учун тупроқ намлигини кўрсатувчи тензиометр асбоби ёрдамида аниқлик киритиб борилди.

Ғўзанинг ривожланиш фазала-рида унинг сувга бўлган талаби ўрганилиб, экинни анъанавий ва томчилатиб суғориш усуллари билан суғоришнинг мақбул вариантлари синовдан ўтказилди. Анъанавий суғоришда ғўзани суғориш даври

келганда суғориш тармоқларида сув етишмаслиги, сув истеъмолчилари ўртасида суғориш навбати кечикиши эвазига ғўзанинг сувга бўлган талаби қондирилмаслиги ёки меъёридан ортиқча сув берилиши туфайли ҳосил йўқотиш ҳолатлари кузатилди. Тадқиқот натижасида томчилатиб суғориш тизимида ғўзани суғориш режими қуйидаги жадвал кўринишида амалга оширилди (2-жадвал).

Ќўзани суғориш асосан шоналаш, гуллаш ва пишишнинг бошланиш даврида талаб этилди. Сувга бўлган энг юқори талаб гуллаш-ҳосилга кириш даврига тўғри келди ва бу даврда томчилатиб суғориш технологиясида тупроқнинг намланиш чуқурлиги энг юқори кўрсаткичга етди.

Олинган натижаларга асосан, томчилатиб суғориш тизимининг ҳар икки усулида кўчатларнинг сони гектарига 128 минг дона, пахта ҳосилдорлиги эса ўртача 46,6 ц/га. ни ташкил этди. Эгатлаб суғоришда ўртача кўчат қалинлиги 86 минг дона, пахта ҳосилдорлиги ўртача 30,2 ц/га. ни ташкил қилди.

Тадқиқотлар мобайнида ғўза томчилатиб суғориш усулида етиштирилганда нафақат сув тежалиши, балки ҳосилдорликнинг ортиши ҳам кузатилди. Бунинг асосий сабаблари ўсимликнинг илдиз тизими тарқалган тупроқ қатлами бир текис намланиши, минерал ўғитларнинг сувда эриган ҳолида берилиши натижасида ғўзани озиқлантиришнинг самарадорлиги ошиши, қатор орасига ишлов

3-жадвал
Турли хил суғориш усулларида ғўзани суғориш схемалари

Тажиба тури	Суғориш сони, схемаси ва умумий сув сарфи, ± м³/га	Суғориш сони	Ќўзага бир марта бериладиган сув сарфи, ± м³/га	Суғориш даври, ой, кун	Суғориш давомийлиги, ± соат
Анъанавий суғориш	1-1-3 6500 м³	1	1100	23-27.06	72
		2	1400	18-25.07	120
		3-5	4000	01-30.08	24
Томчилатиб (плёнка билан)	3-7-3 3877 м³	1-3	110	01-27.06	6
		4-10	200	27.06-01.08	11
		11-13	150	01-16.08	8
Томчилатиб (плёнкасиз)	3-8-4 4294 м³	1-3	130	14.06-01.07	7
		4-11	200	01.07-01.08	11
		12-15	150	01-20.08	8

беришга барҳам берилиши ҳисобига тупроқнинг ортиқча зичланиши камайиб, ўсимликнинг ривожланиши жадаллашади ва юқори ҳосил нишоналари пайдо бўлишига замин яратилади.

Ќўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимиз тарихида илк маротаба қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилганларга давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш механизми йўлга қўйилди.

Айни пайтда Ќўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ушбу қарор ижроси юзасидан тизимли ишлар

олиб борилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, вазирлик тизимидаги лойиҳа ташкилотлари томонидан жойлардаги томчилатиб суғориш тизимларини ишлаб чиқарувчи, қурувчи, лойиҳаловчи корхоналар рўйхатини шакллантириш ҳамда ҳудудларга мос намунавий лойиҳалар ишлаб чиқиш, қуриш, сервис хизмат кўрсатувчи пудрат гуруҳлари ташкил қилинди.

Бунинг натижасида биргина жорий йилнинг ўзида республикамызда пахта хомашёсини етиштиришда жами 11,2 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси татбиқ этилди.

Томчилатиб суғориш технологиясининг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, фермер хўжаликлари кутилгандан ҳам ортиқроқ натижаларга эришмоқда. Бунинг натижасида 2020 йилда 43,8 минг гектар, шундан 20 минг гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш режалаштирилган.

Ш. ХАМРАЕВ,
техника фанлари номзоди,
Р. ҚАРШИЕВ,
мустақил тадқиқотчи,
А. КАРИМОВ,
техника фанлари номзоди.

4-жадвал
Турли хил суғориш усулларида ғўзанинг ҳосилдорлиги

Тажиба усули	Ќўртача кўчат қалинлиги, дона/га	Ќўза ниҳолларининг ўртача бўйи, см	Кутилаётган ҳосилдорлик, ц/га
Анъанавий суғориш	86908,5	77	30,25
Плёнка остида томчилатиб суғориш	130743,5	101,75	46,375
Плёнкасиз қўш қатор томчилатиб суғориш	125312,5	85,25	46,975

АДАБИЁТЛАР

1. Г.Безбородов. Томчилатиб суғориш усули // “Ќўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2008. – № 3. – 19-б.
2. Ш.Рахимов. Томчилатиб суғориш тежамкор усул /// “Ќўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2008. – № 6. – 23-б.
3. Г.А.Безбородов. Нишаблуги катта бўлган ерларда эгатлаб суғориш техникаси элементларини ўрганиш. Қишлоқ хўжалиги бўйича Ќўзбекистон ёш олимларининг Х илмий кенгаши материаллари тўплами (аидротехника, суғориш, мелиорация ва ирригация бўлими). – Тошкент, 1980. – 6–19 Б.
4. С.Язган. Томчилатиб суғориш усули афзалликлари // “Ќўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2007. – № 1. – 9-б.

ЎЗНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ “ЎЗПИТИ-202” НАВИ ТАВСИФИ ВА АГРОТЕХНИКАСИ

In order to yield high and quality crop of cotton we should consider about the peculiarities of the
sорт. Furthermore, there must be carried out agrotechnical events according
to the annual typical nature in agriculture.

Ўза навлари илмий асосланган агротехника тадбир-
лари асосида парвариш қилинганда ундан юқори, эртаги
ва мўл ҳосил олинади. Шунинг учун фермер хўжаликлари
навнинг агротехникаси тўғрисида етарли маълумотга эга
бўлишлари керак.

Ўрта толали “ЎЗПИТИ-202” ўза нави ПСУЕАИТИ Анди-
жон илмий-тажриба станциясида А.Қосимов ва бошқалар
томонидан (Тошкент-6 х Т-322 х Т-422 турли нав ва тизма-
ларни ўзаро частиштиришдан олинган дурагай авлодларни
кўп марта танлаш йўли билан 2013 йилда яратилган.
“ЎЗПИТИ-202” нави 1-тип шохланишга эга бўлиб, асосий
поясининг баландлиги 110–120 см, ўсув шохи 0–1 та, та-
наси оч яшил рангли, ётиб қолмайди, антацион қизариши
ўртача, биринчи ҳосил шохи 4–5-бўғиндан чиқади. Барг-
лари ўртача катталиқда 3–5 панжали, оч яшил рангда, гул-
лари ўртача катталиқда, гултожбарглари ва уруғдонлари
сарик рангли, антацион доғлари йўқ. Кўсаклари ўртача
катталиқда, овалсимон, оч яшил рангда, учи кучсиз ри-
вожланган, чаноклари яхши очилади. Чигитлари ўртача
катталиқда, тухумсимон шаклда, кулранг тукли. Бир кўсак
пахта вазни 5,5–6,0 г, 1000 дона чигит вазни 95–105 г,
тола чиқиши 38–40%, тола узунлиги 33,5–34,5 мм, тола
пишиқлиги 4,4–4,6 г/куч, нисбий узилиш кучи 26,6–28,2,
г.к/текс, метрик рақами 5800–6100 м, микронейри 4,4–4,6,
толеси IV типга мансуб. “ЎЗПИТИ-202” нави 2016 йилда
Давлат нав синов комиссияси томонидан истиқболли деб
топилган.

“ЎЗПИТИ-202” навидан соғлом ва текис кўчат олиш
учун уруғни сифатли тайёрлаб, сифатли экиш талаб
этилади. Навни экиш муддати 1–15 апрель. Чигит экила-
диган тупроқнинг 5–10 см қатламдаги суткалик ҳарорат
+ 12–14°C бўлганда экиш тавсия қилинади. Ҳар гектар
ерга чигит сарфи — туксизлантирилган бўлса 20–25 кг,
тукли чигит бўлса 50–55 кг атрофида бўлиши мумкин.
Чигитни экиш чуқурлиги 4–5 см. дан ортмаслиги керак.
Яганалаш тадбирини ўзада 1–1,5 чинбарг чиқарганда
ўтказиш тавсия қилинади. “ЎЗПИТИ-202” ўза навининг
кўчат қалинлиги унумдор тупроқларда 95–100 минг туп,
кучсиз бўз тупроқларда 110–120 минг туп атрофида
бўлиши лозим. Қатор ораси 60 см далада 60х15=1-2,

90 см. ли далада 90х12=1-2 схемада бўлади. Минерал
ўғитлар берилиши кўп йиллик тажрибаларга, кўра ҳар бир
гектарга сарфланадиган йиллик миқдори сифатида азот
200 кг, фосфор 140 кг, калий 100 кг берилиши мақсадга
мувофиқ. Ўғит бериш муддати фосфорли ўғитнинг 70
фоизи, калийнинг 50 фоизи шудгор олдида, қолганини
вегетация даврида азот билан биргаликда бериш керак.
Бунда биринчи ўғитлашни биринчи ишлов беришда, иккин-
чисини ўза шоналаш даврида, учинчисини ўза гуллаш
даврида ўтказиш тавсия этилади. Юқори ва сифатли
ҳосил яратишда суғориш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун
енгил тупроқларда 1-4-1, ўртача тупроқларда 1-3-1, оғир
тупроқларда 0-3-1 тизимда суғориш мақсадга мувофиқ.

Ўзага сув беришда барглари тўқ яшил рангга кириши,
баргги ғижимлаганда барг томири синмаслиги ҳисобга
олинади. Даланинг умумий кўриниши гул тепага чиқиб,
сўлинқираган ҳолат бўлса, бу ўзанинг ўта чанқаб
қолишини билдиради. Бунга йўл қўймасдан, олдини олиш
керак. Юқоридаги суғориш тартибига амал қилган ҳолда
“ЎЗПИТИ-202” навини суғориш талаб этилади. Ўзани
чилпиш унумдор тупроқларда ўзада 14–16 шох, оч тусли
бўз тупроқларда ҳамда қўшқатор экилган ерларда 12–13
ҳосил шохи пайдо бўлганда ўтказиш мақсадга мувофиқ.
Ҳосилнинг 65–75% пишиб етилганда дефолиация ўтказиш
тавсия этилади. Уруғликка экилган майдонларда эса
уруғлик, яъни ўза ўсимликларида 2–8 ҳосил шохларидаги
очилган кўсак пахталари териб олингандан сўнг дефоли-
ация ўтказиш тавсия этилади.

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда
янги яратилган “ЎЗПИТИ-202” ўза нави экилган майдон-
ларда кўрсатилган агротехник тадбирлар ўз вақтида ва
сифатли бажарилса, фермер хўжаликлари пахтадан юқори
ва сифатли ҳосил олиши мумкин.

Б.ҚОСИМОВ,
мустақил тадқиқотчи,
А.ҚОСИМОВ,
қ.х.ф.д., (ПСУЕАИТИ Андижон ИТС),
Ф. ТЕШАЕВ,
қ.х.ф.д., профессор,
С.РАҲМОНКУЛОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
(ПСУЕАИТИ).

АДАБИЁТЛАР

1. А.Ҳайдаров. Андижон вилояти шароитида янги “Султон” ва “ЎЗПИТИ-201” ўза навларини парваришлаш агротехникаси // “Агро илм” журна. - Тошкент, 2018, — № 6 (56), 7- 6.
2. Р.Назаров, Ф.Тешаев. Шароитга мос, мақбул ўза навларини жойлаштириш // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журна. - Тошкент, 2018. — № 2. — 7-6.
3. Ж.Дадажонов, О.Эргашев, Б.Гаппаров. Айрим хўжалик белгилари кўрсаткичларининг “ЎЗФА-715” ўза навида акс этиши // “Агро илм” журна. - Тошкент, 2019. — №1 (57). — 7-6.
4. Й.Муҳаммадов, Ш.Маманазаров, К.Мирзоёқубов, Э.Буриев. Айрим хўжалик белгилари кўрсаткичларининг “ЎЗФА-715” ўза навида акс этиши // “Агро илм” журна. - Тошкент, 2019. — №1 (57). 8-6.

ТУРЛИ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИНГ “АНДИЖОН-37” ВА “ЎЗПИТИ-201” ҒЎЗА НАВЛАРИ ЧИГИТЛАРИ УНИБ ЧИҚИШИГА ТАЪСИРИ

According to research results, in the treatment where cotton were grown after phaselous the germination of cotton seeds were mentioned in 13 days and the germination rate were equaled to 93.8 to 95.6%. The germination rate were increased by 27.4 to 14.7% in comparison with treatment where only cotton crop were grown as a control treatment. The germination in control treatment were equaled to 18 to 19 days.

Ҳозирги кунда, республикаимизнинг дунё бозорига чиқиши пахтачиликда янада ҳосилдор, эртапишар, юқори тола сифатига эга бўлган, ғўза навларини яратиш ва уларга мос агротехнологияларни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Тупроқ унумдорлигини ошириш ёхуд сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган ловия ва бошқа айрим дуккакли дон экинларини ғўза ва кузги буғдойга таъсири Андижон вилояти шароитида етарли ўрганилмаган.

Шу боис турли тупроқ унумдорлигини “Андижон-37” ва “ЎзПИТИ-201” ғўза навларининг чигитларини униб чиқишига таъсири аниқлаш мақсадида 2015-2017 йилларда ПСУ-ЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станциясининг тажриба ҳўжалигида дала тажрибаси ўтказилди.

Тажриба далалари эскиртдан суғорилиб келинган, оч тусли бўз тупроқ бўлиб, механик таркиби ўртача қумоқ, сизот сувлари ер сатҳидан 4-5 м пастда жойлашган, ҳайдов қатламидаги гумус миқдори 0,9-1,0% ни ташкил қилади. Вариантлар уч қайтариқли, бир ярусда жойлашган, ҳар бир бўлакчининг умумий майдони 200 м², ҳисобий майдони 100 м² ни ташкил қилади.

Барча таҳлиллар ЎзПИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) асосида олиб борилди. Тажриба маълумотлари Б.А.Доспеховнинг (1985) “Методика полевых опытов” услуби асосида математик таҳлил қилинди.

Тадқиқотда 1:3 қисқа муддатли алмашлаб экиш тизими бўйича 1-йили ўғитсиз ва ўғитли муҳитда асосий экин сифатида ловия экилди. Кейинги 2- ва 3-йили ловия фонида ғўзанинг “Андижон-37” ва “ЎзПИТИ-201” навлари экиб парвариш қилинди. Шунингдек, назорат вариант сифатида ғўза якка зироати вариантыда (1-2-вариантлар) ўғитсиз ва ўғитли муҳитда “Андижон-35” нави экилди.

Тадқиқот натижаларига қараганда, ловияни тупроқда қолдирилган анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳисобига озик элементлари билан бойиган тупроқ унумдорлиги чигитларни униб чиқишига сезиларли таъсирини кўрсатди ва вариантларга тегишли равишда чигитлар турли муддатларда текис ундариб олинди.

Уч йиллик тадқиқот натижаларида деярли бир-бирига яқин маълумотлар олинди. Чунки, ловия фонлари ва ғўза якка зироати вариантларида тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хоссалари бўйича ҳар йили бир-бирига яқин маълумотлар олинганлиги кузатилган. Шу сабабли тажрибанинг охириги йилида олинган (2017) маълумотларни баёни билан чекланишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик.

2017 йилги тажрибада чигит экилгандан 7-8 кун кейин

1.05 кунги кузатув натижаларига қараганда, ловия фонидаги тупроқ унумдорлиги ва қулай тупроқ агрофизикаси таъсирида ўғитсиз вариантдаги (3-4-вариантлар) “Андижон-37” ғўза навининг чигитларини 38,7; “ЎзПИТИ-201” ғўза навини 40,1% и униб чиқди.

Шунингдек, ловия фонидаги тупроқ унумдорлиги ва қулай тупроқ агрофизикаси таъсирида ўғитли вариантдаги (5-6-вариантлар) “Андижон-37” ғўза навининг чигитларини 50,7; “ЎзПИТИ-201” ғўза навини 53,8% и униб чиқди. Ғўза якка зироатидаги ўғитсиз вариантда тупроқ унумдорлигининг пасайиши, нисбатан ноқулай тупроқ шароитида чигитлар ниҳоятда секин униб чиқди. 1.05 кузатув кунига 25,3% и униб чиқди, холос. Шунингдек, ғўза якка зироатидаги ўғитли вариантда тупроқ унумдорлиги мавжуд бўлса-да, кетма-кет ғўза экилганлиги боис, унинг салбий таъсирида 39,5% и униб чиққанлиги аниқланди.

Айнан шундай қонуниятлар кейинги 5.05 кундаги кузатувда ҳам қайд этилиб, ловия фонидаги ўғитли вариантлардаги (5-6-вариантлар) ғўза навларининг чигитлари ғўза якказироатдаги вариантларга нисбатан тегишлича 27,4 ва 14,7% га кўпроқ униб, 13 кунда 93,8 ва 95,6% и ташкил этди.

Ловия фонидаги ўғитсиз вариантыда униб чиққан чигитлар 15 кунда 82,3 ва 80,4% ни ташкил қилиб, ғўза якказироатдаги ўғитсиз вариантга нисбатан 15,9% кўпроқ, якка зироатдаги ўғитли вариант билан эса деярли бир хил вақтда униб чиқди (жадвал). Ғўза якказироатидаги ўғитсиз вариантдаги чигитларнинг униб чиқиши 18-19 кунгача давом этди. Ғўза навлари бўйича чигитларнинг униб чиқишида ўзаро фарқлар кузатилмади.

Демак, хулоса қилиб айтганда, ғўза якказироати вариантларига нисбатан тупроқ қатламлари анғиз ва илдиз қолдиқлари натижасида озик моддалар билан бойитилган ва юқори унумдорликка эга бўлган ловиянинг ўғитли вариантыда ғўза навларининг чигитларини униб чиқиши учун қулай тупроқ шароити яратилди ва ғўза навлари шу вариантларда жадал ўсиб ривожланди. Натижада, ловия фонидаги ўғитсиз вариантдаги (3-4-вариантлар) “Андижон-37” ва “ЎзПИТИ-201” ғўза навларини ҳосил олиш жараёни ғўза якказироатидаги ўғитли назорат вариант “Андижон-35” ғўза нави билан деярли бир хил даражада бўлиб, фақат ловиянинг анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳисобига эртаги ва сифатли пахта ҳосили етиштирилди.

А.ҲАЙДАРОВ, қ.х.ф.н.,
катта илмий ходим,
(ПСУЕАИТИ Андижон ИТС).

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳалиқов Б., Номозов Ф., Самарадор такрорий экинлар // “Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги”. 2009, №4, 24-бет.
2. Ўразматов Н, Асатиллаев Ф, Ўринбоева Г. Кузги буғдойдан кейин экилган такрорий экинларнинг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигига таъсири // “Дехқончилик муаммолари: Тадқиқот ва ечимлар”. Фарғона, 2008 йил. 121-123-б.

ЃЎЗАНИНГ ГЕОГРАФИК УЗОҚ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ВИЛТ КАСАЛЛИГИГА БАРДОШЛИГИ

Маълумки, вилт касаллиги йилдан-йилга кенг тарқалиб, қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар етказмоқда. Жумладан, ғўза навларининг вилт касаллиги билан зарарланиши 50 фоизгача ҳосилдорликни йўқотишга ва тола сифатининг кескин пасайишига олиб келади. Пахтачиликда вилт касаллиги билан курашишда биологик ва кимёвий усуллардан, шунингдек, турли агротехник тадбирлар фойдаланилади. Лекин, вилт касаллигига чидамлилигини оширишнинг самарали усули — бу вертициллез вилт патогенларининг потенциал хавфи ва кенг тарқалган ирқларига комплекс чидамли бўлган навларни яратишдир. Бундай навлар яратишда келиб чиқиши географик узоқ дурагайлاردан фойдаланиш юқори самара бериши кўпчилик олимлар томонидан исботланган. Селекционер ва генетик олимлар томонидан вилт касаллигига чидамлиликни ўрганиш бора-

кўриш орқали аниқланди. Намуналарнинг вилт касаллигига чидамлилигига баҳо беришда, ўсимликлар зарарланишининг умумий ва кучли даражалари ҳисобга олинди.

Шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, тадқиқотларимизда чатиштиришлар учун танланган ота-она шакллари генетик келиб чиқиши жиҳатдан хилма-хил бўлиб, уларнинг вилтга чидамлилиги бўйича кўрсаткичлари ҳам кескин фарқ қилди. F_1 дурагай комбинацияларидан айримларида вилтга чидамлиги бўйича ота-она шакллари нисбатан устунлик намоён бўлди, буни F_1 дурагайлари экилган тупроқдаги вилт патогенларининг концентрациясининг юқорилиги билан, шунингдек, вилтга чидамсиз намуналарнинг чидамлилик устидан доминантлиги билан изоҳлаган эдик.

Тадқиқотларимизда F_2 ва F_3 дурагай комбинацияларининг вилт билан зарарланганлигини ўрганганимизда андоза навларга нисбатан кам зарарланганлигини кўришимиз мумкин. F_2 дурагай комбинацияларининг вилтга чидамлилик ота-она шакллари нисбатан кам зарарланганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал). F_2 дурагай комбинациялардан энг кўп зарарланиш ҳолати F_2 (Л-ТхS-2515) ва F_2 (Л-578хS-6082) комбинацияларида кузатилиб, зарарланиш умумий даражада 80,2 ва 57,6%, кучли даражада 74,0 ва 47,8 фоизни ташкил этди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, олдинги йилги тадқиқотларимизда ота-она шакллари ичида S-6082 тизмаси энг кўп 84,2 фоизга зарарланган эди. Ушбу тизма иштирокида олинган барча намуналарда вилтга чидамсиз бўлганлиги кўришимиз мумкин. Қолган дурагай комбинациялар вилт касаллиги билан умумий даражада 8,1 фоиздан 47,8 фоизгача ораликда зарарланди. 4 та дурагай комбинация вилт билан кучли даражада зарарланмади. F_2 (Л-ЮхS-6596) дурагай комбинацияси энг

1-жадвал
 F_2 дурагайлари нинг вилт касаллиги
билан зарарланиши

№	Дурагай комбинациялар	Вилт билан зарарланиш даражаси	
		Кучли	умумий
1	Наманган-77 - St.	79,5	85,4
2	C-6524 - St.	52,3	90,4
3	Л-578 х S-6003	-	30,8
4	Л-Т х S-6003	32,8	47,8
5	Л-Ю х S-6003	36,1	44,6
6	Л-578 х S-2515	30,4	35,2
7	Л-Т х S-2515	74,0	80,2
8	Л-Ю х S-2515	23,5	45,0
9	Л-578 х S-6082	47,8	57,6
10	Л-Т х S-6082	28,2	28,2
11	Л-Ю х S-6082	47,2	59,7
12	Л-578 х S-489	5,9	9,5
13	Л-Т х S-489	-	40,0
14	Л-Ю х S-489	-	36,0
15	Л-578 х S-6593	8,0	24,1
16	Л-Т х S-6593	-	36,7
17	Л-Ю х S-6593	29,6	43,8
18	Л-578 х S-6596	11,7	19,9
19	Л-Т х S-6596	21,8	27,5
20	Л-Ю х S-6596	2,7	8,1

сида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан, касалликнинг тарқалиши кенгайиши сабабли, уни ўрганиш долзарблигича қолмоқда.

Тадқиқотларимизда географик узоқ дурагай авлодларининг вилт касаллигига чидамлилигини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик. Тадқиқотлар ПСУЕАИТИ тажриба майдонларидаги табиий вилт билан зарарланган фонда олиб борилди.

Вилтга бардошлиликни Б.В.Добровольский усулида бош пояни *V.dahliae* Kleb. билан зарарланиш даражаси ва унинг тарқалишига боғлиқ равишда илдиз бўғзи олдида кесиб

2-жадвал
 F_3 дурагайлари нинг вилт касаллиги билан
зарарланиши

№	Дурагай комбинациялар	Вилт билан зарарланиш даражаси	
		Кучли	умумий
1	Наманган 77 - St.	46,2	68,9
2	C-6524 - St.	29,1	62,4
3	Л-578 х S-6003	2,5	-
4	Л-Т х S-6003	-	7,1
5	Л-Ю х S-6003	55,0	55,0
6	Л-578 х S-2515	3,4	24,1
7	Л-Т х S-2515	1,6	12,6
8	Л-578 х S-6082	-	-
9	Л-Ю х S-6082	4,1	22,9
10	Л-578 х S-489	-	-
11	Л-Т х S-489	2,5	13,9
12	Л-578 х S-6593	2,8	4,2
13	Л-Т х S-6593	3,5	3,5
14	Л-Ю х S-6593	1,0	6,2
15	Л-578 х S-6596	2,5	7,7
16	Л-Т х S-6596	6,5	18,0
17	Л-Ю х S-6596	-	-

чидамли бўлиб, умумий даражада 8,1%, кучли даражада 2,7 фоизга зарарланди.

F₃ дурагай комбинацияларининг вилтга чидамлилиги анча юқорилигини кўришимиз мумкин. Биз буни ота-она шакллари вилтга чидамлилиги ва чидамлилик бўйича олиб борилган танлов натижаси, деб тушунтирамиз. 3 та дурагай комбинация F₃(Л-578хS-6082), F₃(Л-578хS489) ва F₃(Л-ЮхS-6596) юқори чидамлиликни кўрсатди – ўсимликлар вилт билан умуман зарарланмади (2-жадвал). Энг кучли зарарланиш F₃(Л-ЮхS-6003) дурагай комбинациясида кузатилиб, кучли даражада 55% га зарарланди. Қолган дурагай комбинацияларда 3,5 фоиздан F₃(Л-ТхS-6593) дурагай комбинациясида 24,1 фоизгача F₃(Л-578хS-2515) дурагай комбинацияларида зарарланганлигини кўришимиз мумкин. F₃(Л-578хS-6593), F₃(Л-ТхS-6593) ва F₃(Л-ЮхS-6593) дурагай комбинациялари кам даражада 4,2 фоиздан 6,2 фоизгача зарарланди. Ушбу намуналарида S-6593 оталик шаклининг вилтга чидамлилик бўйича ижобий таъсирини таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Юқоридаги тажриба таҳлилларидан қуйидагича хулоса келиш мумкин.

Ўрганилган аксарият дурагай комбинациялар вилт касаллиги билан андоза навларга нисбатан кам зарарланди. Буни оналик шакли сифатида олинган интрогрессив шакллари ва географик узоқ дурагайлаш усулининг ижобий таъсири самараси, дейиш мумкин.

F₂ ва F₃ дурагай комбинацияларининг вилтга чидамлилиги ота-она шакллари чидамлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда турлича бўлганлиги, унинг полиген табиатида далолатдир.

Тадқиқотлар натижасида вилтга чидамли бўлган 3 та дурагай комбинацияси F₃(Л-578хS-6082), F₃(Л-578хS-489) ва F₃(Л-ЮхS-6596) ажратиб олинди. Ушбу намуналардан вилтга чидамли навлар яратишда бошлангич ашё сифатида фойдаланиш мумкин.

С.ЭГАМБЕРДИЕВА,
қ.х.ф.д.,
Т.СЕЙТНАЗАРОВА,
к.и.х.,
докторант, (ПСУЕАИТИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Алиходжаева С.С., Муратов У.М., Мунасов Х. Айрим оддий ва мураккаб дурагайларнинг вилт касаллигига чидамлилиги // *Ўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик тўплами*. Тошкент, 1995. 34-36-б.
2. Войтенко Ф.В. Селекция хлопчатника на устойчивость к вилту. – Москва: Колос, 1971. 90-с.
3. Эгамбердиев А., Эгамбердиева С.А. Донорская ценность интрогрессивных линий хлопчатника по устойчивости к вертициллезному вилту и качеству волокна // *Вестник аграрной науки Узбекистана*. – Ташкент, 2006. – №1. – С. 26-32.
4. Эгамбердиева С.А. Наследование вилтоустойчивости у гибридов, полученных с участием интрогрессивной формы // *Ўза-беда селекцияси ва уруғчилиги ривожлантиришининг назарий ҳамда амалий асослари*. Тошкент, Фан, 2010. 236-243-б.

УЎТ: 631.563.5

СИФАТЛИ СИЛОС ТАЙЁРЛАШ

Ўзбекистоннинг барча хўжаликларида, айниқса, қиш мавсумида силос ва сенаж ҳайвонлар рационидан 55–65 фоизни ташкил қилади. Силосни сифатли тайёрлашга жуда кўп омиллар таъсир этади. Омиллардан бири силосни комбайнда майдалаш ва унинг таркибидаги намликка боғлиқдир. Ўзбекистон шароитида силос тайёрлашда унинг намлиги 50–60% бўлиши керак. Агарда силос юқори намликка эга бўлса, таркибидаги биғиш жараёни бузилади ва оқибатда сифатсиз силос тайёрланади. Органик кислоталар таркибидаги сут кислоталарининг ҳосил бўлиши камайдир. Бу эса ўз навбатида силоснинг сифатсиз тайёрланишига сабаб бўлади.

Биз бу борадаги илмий тажрибаларимизни Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги “Саодат-222” фермер хўжалигида симменталь зотида олиб борилган.

Тажриба ўтказиш учун ўхшашлик белгилари бўйича бузоқларнинг зоти, жинси ва ёши, туғилганда тирик вазнини ҳисобга олган ҳолда ҳар бирида 10 бошдан иборат 2 гуруҳ қорамоллар танлаб олинди.

Силосни технологик тайёрлаш қуйидагича:

- ўриб олиш ёки майдалаш;
- қўқ массасининг транспортировкаси;
- ўрилган ўсимликни текислаш, зич босиш;
- зичлаш ва ҳаво кирмаслиги учун беркитиш.

Маккажўхори силос учун ўрилганда хўжаликда мавжуд “Ягуар” русумли ўтўргич билан 3–4 см. ёки “Дон” русумли комбайнида 8–10 см. узунликда майдаланди. Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, маккажўхори силоси 3–4 см. билан ўрилганда яхши сифатли силос тайёрланади. Органолептик баҳолаганда силос ранги шу ўсимлиكنинг рангида, ҳиди эса янги узилган хушбуй мевалар ҳидини беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришда 3–4 см билан ўрилган маккажўхори силоси сифатлироқ тайёрланган.

Д.РАХМАНОВ,
Чорвачилик ва паррандачилик
илмий-тадқиқот институти докторанти,
З.АХМЕДОВА, б.ф.д., профессор,
Т.ШОНАХУНОВ,
Микробиология илмий-тадқиқот
институти докторанти.

ШИРИН МАККАЖЎХОРИ НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРИДА ДИАЛЛЕЛЬ ЧАТИШТИРИШНИНГ НАТИЖАДОРЛИГИ

The article presents the results of the study of diallel crosses of varieties and hybrids of sweet corn according to morphological and biological characteristics.

Ширин маккажўхори экинida ҳосилдорликни ошириш учун энг кучли гетерозис кузатиладиган комбинацияни аниқлаш мақсадида диаллель чатиштиришлар қўлланилади. Ширин маккажўхорининг институтимизда яратилган “Замин” нави чатиштирилган 15 та нав ва дурагайларнинг комбинацияси 2016–2018 йилларда 16–18 апрелда 70х20 см схемада экилиб, тезпишарлиги, ўсимлик бўйи, биринчи сўтанинг жойлашиш баландлиги, бош поядаги барг сони, бир тупдаги сўта сони, вазни, дон чиқими, 1000 дон дон массаси ва ҳосилдорлиги бўйича асосий ва тақрорий экинлар сифатида экилиб баҳоланди.

Тажрибада барча нав, дурагай комбинацияларида тўла униб чиқиш 10–12 кундан кейин — 28–30 апрелда қайд этилди.

Биринчи чинбарг чиқиш стандарт “Замин” навида 2018 йилда 1 майда (Шерзод, Замин х Шерзод, № 1, №9/4, Замин х №9/4, №8/5, Э-1, №14/0, Замин х №14/0), қолган синалган навларда эса 30 апрел ва 6 майда кузатилди. Энг эрта — апрелда №13/10 дурагай комбинацияларда, энг кеч — 6 майда “Эврика” навида кузатилди.

Рўвақлаш фазаси барча вариантларда 12–16 июнда кузатилиб, энг эрта — 12 июнда №9/4 дурагай комбинациясида, энг кеч — 16 июнда “Эврика”, Замин х Эврика, “Мазза”, Замин х Мазза нав ва дурагай комбинацияларида кузатилди.

Тажрибада сабзавот (ширин) маккажўхорининг сут пишиши 16 июлда бошланиб, энг эрта №8/5 навида ва энг кеч 24–26 июлда Замин х Эврика, “Мазза”, “Эврика”, №14/0, Э-5 нав дурагай комбинацияларида кузатилди.

Фенологик кузатиш натижаларига кўра, тажрибада жами ўсув даври — униб чиқишдан тўла пишигача 93–99 кунни ташкил қилиб, тезпишар, яъни энг қисқа ўсув даври №8/5 дурагайида, кечпишар — энг узун ўсув даври 99 кун № 5, №14 навларида кузатилди (1-жадвал). Сут-мум пишиши, яъни сабзавот маккажўхоридан фойдаланишга яроқлилиги эса барча вариантларда 70–73 кунда кузатилди.

Биометрик кўрсаткичлар — ўсимлик бўйи, биринчи (дастлабки) сўтанинг жойлашиш баландлиги, тупланганлиги, бош поядаги барглар, бўғим оралиқлари сони, бир тупдаги поялар сони ҳамда сўтасиз ўсимликлар сони ўрганилди.

Кузатиш ва ўлчашлар натижасида олинган маълумотларга кўра, нисбатан ўрганилаётган нав ва дурагай комбинацияларда баланд бўйли ўсимликлар Замин х № 30/0 — 125,2 см, Шерзод — 130,0, Замин х № 18/0 — 132,9, № 18/0 — 138,9 см дурагай комбинацияларида кузатилди.

Маълумотларга кўра, дурагай комбинацияларда ўсимлик бўйи анча баландлиги кузатилди.

Дастлабки (биринчи) сўтанинг жойланиш баландлиги бўйи паст бўлганлиги №1, Замин х №1, № 13/10, Замин х 13/10, №8/5, Замин х № 8/5, Э-1, Замин х Э-1, “Эврика” навларида кузатилиб — 7,5–17,6 см. гача бўлди. Энг баланд жойланиш эса 53,8–97,0 см. гача бўлиб №5, Э-5, Замин х Э-5, Замин х Мазза нав дурагай комбинацияларида кузатилди. Стандарт “Замин” навида дастлабки сўтанинг жойланиш баландлиги 42,4 см бўлди.

Ўсимликларнинг тупланганлиги ўрганилганда эса тупланмаган нав дурагай комбинациялари №9/4, №13/10, №8/5, Замин х №8/5 ларда қайд этилди. 2 донагача тупланганлик эса стандарт “Замин”, Э-3, Замин х Э-3, Э-4, Замин х Э-4, Эврика, Замин х Эврика, №30/0,

Замин х 30/0, №18/0, Замин х 18/0 каби нав, дурагай комбинацияларида кузатилди.

Бир туп ўсимликдаги барглар сони — энг кам 7,3–9,2 дона, №1, Замин х №1, №9/4, №13/10, Э-4, Эврика, Э5 навларида бўлса, энг кўп — 12,2–14,8 донагача стандарт “Замин”, “Шерзод”, №14/0, Замин х №14/0, №30/0, Замин х №30/0, №18/0, Замин х №18/0 нав, дурагай комбинацияларида бўлди.

Бир тупдаги сўталар сони энг кам, яъни 1,2–1,5 донагача №1, №5, №13/10, №8/5, Замин х №8/5 навларида, энг кўп сўтали нав, дурагай комбинациялари 3,6–4,0 донагача сўтаси бўлганлар “Шерзод”, Замин х Шерзод, Замин х №30/0, №18/0, Замин х №18/0 ларда қайд этилди.

Айниқса, кўп сўтали дурагай комбинациялардан “Шерзод”, Замин х Шерзод, Замин х №18/0 ларда қайд этилди.

Ширин маккажўхори ўсимлиги эр остли ва ер устки қисмининг вазни ҳам биометрик кўрсаткичларига мос равишда фарқ қилди. Энг юқори ҳўл ва қуруқ массали ўсимликлар дурагай комбинацияларда кузатилди. Масалан, ер устки қисми энг оғир бўлган ўсимликлар 532 г стандарт Замин, 555 г Замин х Э-4, 562 г №18/0, 573 г — Замин х №18/0 ларда кузатилди. Барг вазни, сатҳи ҳам шунга мос равишда бўлди.

Тажрибада пуфакчали қорақуя касаллиги билан нав, дурагай комбинацияларини касалланиш даражаси баҳоланганда, 10 фоизгача касалланиш №13/10, №8/5 навларда, 11–25 фоизгача касалланиш эса №9/4 навида кузатилди.

Олинган натижаларига кўра, бир тупдаги сўталар сони 3,6 тадан 4,2 донагача бўлиб, энг кўп сўтали “Замин”, “Шерзод”, Замин х Шерзод, Замин х Мазза, Замин х №14/10, Замин х №30/0, №18/0, Замин х №18/0 дурагай комбинациялари бўлди. Битта сўтанинг вазни энг кам — 145,5–152,8 г — №8/5, Замин х №8/5 дурагай комбинацияларида қайд этилди. Сўта вазни энг катта — 514,0–659,7 г — стандарт “Замин”, “Эврика”, Замин х Эврика, Э-5, Замин х Э-5, Замин х №30/0, №18/0, Замин х №18/0 нав ва дурагай комбинацияларда кузатилди.

Сўтадан 90,7 фоизгача нав ва дурагай комбинацияларда 79,0 фоиздан 90,7 фоизгача бўлди.

Энг кўп дон чиқими №13/10, Э-1, Замин х Э-1, Э-4, Замин х №30/0, №18/0, Замин х №18/0 навларида кузатилиб — 88,5–90,7% бўлди, энг паст 79,0–79,3% дон чиқими Э-5, Замин х Э-5 нав ва дурагай комбинацияларида кузатилди.

Ширин маккажўхори 1000 дона донининг оғирлиги энг кам 212,1–231,6 г Эврика, Э-5, №9/4 нав ва дурагай комбинацияларида бўлиб, энг оғир дон — 286,2–294,1 г Замин х №30/0, стандарт Замин, №18/0, Замин х №18/0 нав ва дурагай комбинациясида кузатилди.

Т.ОСТОНАҚУЛОВ,
профессор,
Х.ХОНҚУЛОВ,
PhD,
А.ИСМОЙЛОВ,
PhD,
И.АМОНТУРДИЕВ,
PhD,
Ч.НАБИЕВ,
мустақил изланувчи, (СамВМИ).

АДАБИЁТЛАР

1. И.В.Массино, К.К.Азизов, Ф.Г.Бобоев ва бошқалар. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида маккажўхори дурагайларини етиштириш бўйича қўлланма. - Т., 2018. - 18 б.
2. Т.Э.Остонақулов, С.Т.Санав. Сабзавот (ширин) маккажўхори нав ва дурагайлар коллекциясини ўрганиш ва бойитиш. ПСУЕАИТИ Халқаро конференция тўплами. - Т., 2018. - Б. 18-20.
3. Т.Э.Остонақулов, Х.Бекназарова. Перспективные гибриды овощной кукурузы. Картофель и овощи. - М., 2010. - 16 с.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУЛУПНАЙ МЕВАСИНИ ЕТИШТИРИШ ҲАМДА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

This article discusses the factors that contribute to the cultivation and cultivation of cloves in Uzbekistan.

Мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчилар талабини ўзимизда етиштирилган мева-узум маҳсулотлари ҳисобига тўла қондириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Боғдорчилик ва узумчиликда ҳосилдорликни ошириш омилларидан бири – бу юқори ҳосилли мева ва узум навларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишдир. Бу соҳада, республикада навларни яхшилашда янги навларни яратиш билан бирга маҳаллий халқ селекцияси томонидан яратилган ҳамда чет эллардан интродукция қилиб олиб келинган навларни ҳам ўрганиб, улардан энг яхшилари танлаб олинмоқда.

Биз академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба майдонида резавор мевали ўсимликлардан қулупнайнинг 48 та навини 4 та экологик гуруҳларга ажратиб, илмий-тадқиқот ишларини олиб бордик. 2015–2018 йиллар давомида олиб борилган изланишлар бўйича қуйидаги натижалар олинди.

Ўртача 3 йил давомида олиб борилган фенологик кузатувлар давомида қулупнай навларида вегетация жуда эрта, яъни январь ойининг охиридан бошланиши аниқланди. Қулупнай навларида вегетация Марказий Осиё, Европа ва Россия гуруҳидаги навларда бир вақтда – 31 январдан бошланган бўлиб, Америка гуруҳидаги навларда 2 кун кеч, яъни 2 февралдан бошланди. Қулупнай навларида гуллаш биринчи бўлиб Америка гуруҳидаги навларда 25 мартдан бошланган бўлса, Марказий Осиё гуруҳидаги навларда

26 мартдан, Европа гуруҳидаги навларда 27 мартдан ва ниҳоят энг кеч – Россия гуруҳидаги навларда 29 мартдан кузатилди. Гуруҳлар ичида қулупнай навларида гуллаш Россия навларида 3 балл, Марказий Осиё ва Европа гуруҳларидаги навларда 4 балл, Америка гуруҳидаги навларда гуллаш 5 баллга баҳоланди. Гуллаш давомийлиги гуруҳлар орасида озгина фарқ билан 36–38 кунни ташкил этди.

Қулупнай навларида меваларининг пиша бошлаши 2 майдан Марказий Осиё гуруҳидаги навларда кузатилган

2-жадвал

Қулупнай навларининг ҳосилдорлиги

№	Гуруҳлар номи	Ўртача бир тупдан олинган ҳосил, г	Ҳосилдорлик, ц/га	Ўртача мева массаси, г	Йирик мева массаси, г
1	Марказий Осиё	194,4	110,8	15	20
2	Европа	168,8	96,2	10	18
3	Россия	141,6	80,7	12	18
4	Америка	190,8	108,7	10	18

бўлса, Америка гуруҳидаги навларда 3 майдан, Россия ва Европа гуруҳидаги навларда қулупнай меваларининг пиша бошлаши анча кеч, яъни 11–16 майда кузатилди. Меваларнинг пишиш давомийлиги навларда 31 кундан 42 кунгачани ташкил этди. Гуруҳлар орасидаги фарқ 9–11 кунни ташкил қилди.

Ўрганилган гуруҳлар ичида Америка гуруҳининг эрта гуллаши 25 мартда аниқланган бўлса, Россия гуруҳида эса 29 мартда, яъни 4 кун кечроқ, қолган гуруҳларда гуллаш 26–27 март кунлари кузатилди. Гуруҳлар ичида гуллаш даражаси 5 баллик бўлиб, Америка гуруҳидаги навларда гуллаш 5 балл бўлган бўлса, Россия гуруҳидаги навларда гуллаш 3 балл бўлди. Қолган гуруҳларда гуллаш 4 баллга баҳоланди. Гуллаш давомийлиги 36–38 кунни ташкил этди.

1-жадвал

Қулупнай навларида фенологик фазаларнинг ўтиши

Гуруҳлар номи	Вегетация бошланиши	Гуллаш					Пишиш			
		бошланиши	ялпи	туғаши	давомийлиги	гуллаш даражаси	бошланиши	ялпи	туғаши	давомийлиги
Марказий Осиё	31/I	26/III	6/IV	30/IV	36	4	2/V	16/V	12/VI	42
Европа	31/I	27/III	4/IV	3/V	38	4	16/V	23/V	15/VI	31
Россия	31/I	29/III	10/IV	4/V	37	3	11/V	17/V	19/VI	40
Америка	2/II	25/III	9/IV	2/V	38	5	3/V	11/V	14/VI	41

Гуруҳлар ичида қулупнай меваларининг энг эрта пишиш муддати Марказий Осиё гуруҳида 2 майда ва вегетация энг эрта бошланган Америка гуруҳидаги навларда 3 майда, Европа гуруҳида эса кечроқ, яъни 16 майда аниқланган бўлса, Россия гуруҳидаги навларда 11 майдан бошланди. Меваларнинг пишиш давомийлиги 31–42 кунни ташкил этди.

Ўрганилган гуруҳлардаги навларда бир тупдан ўртача ҳосилдорлик Марказий Осиё гуруҳида – 194,4 г ва Америка гуруҳидаги навларда 190,8 г аниқланган бўлиб, ҳосилдорлик гектаридан 110,8 ва 108,7 ц/га. ни ташкил қилди (2-жадвал). Россия гуруҳидаги навларда ҳамда Европа гуруҳидаги навларда ўртача ҳосилдорлик анча кам, яъни 141,6 ва 168,8 г. ни ташкил қилди. Марказий Осиё

гуруҳидаги навлар меваларининг йириклиги ва вазни энг юқори бўлиб, йирик мевасининг ўртача массаси 20 г. ни ташкил этди. Қолган гуруҳларда битта меванинг ўртача массаси 18 г. ни ташкил қилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, ўртача 3 йил давомидида олиб борилган фенологик кузатувлар давомидида қулупнай навларида вегетация жуда эрта, яъни январь ойининг охиридан бошланиши аниқланди. Гуруҳлар ичида қулупнай меваларининг энг эрта пишиш муддати Марказий Осиё гуруҳида 2 майда кузатилди. Ўрганилган гуруҳлардаги навларда бир тупидан ўртача ҳосилдорлик Марказий Осиё гуруҳида – 194,4 г ва Америка гуруҳидаги навларда 190,8 г аниқланган бўлиб, ҳосилдорлик гектаридан 110,8 ва 108,7 ц/га. ни ташкил қилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, республика-мизда қулупнайзор боғларини ташкил этишда Марказий Осиё, Европа, Россия ва Америка экологик гуруҳига мансуб навлардан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Х.АБДУЛЛАЕВА,

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, (PhD).

Адабиётлар

1. Абдуллаева Х.Р. *Ўзбекистонда ер туги ўсимлиги (қулупнай).* – Тошкент, 2017.
2. Абдуллаев Р.М., Ягудина С.И. *Томорқада етиштириладиган резавор мевалар.* – Тошкент: “Меҳнат”, 1988. – Б. 5-36.
3. Ягудина С.И. *Ягодные культуры.* – Ташкент: “Ўзбекистан”, 1966.

СИДЕРАТ ЭКИНЛАРИ УРУҒЛАРИНИ ЭКИШНИНГ ОПТИМАЛ МУДДАТЛАРИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ

Органик ўғитлар сифатида оралиқ экинлардан сидерация мақсадида фойдаланиш уларнинг етишмайдиган қисмини тўлдиришдан ташқари, таъсири жиҳатдан гўнг, компост ва бошқа органик ўғитлардан қолишмайди.

Бугунги кунда дунё деҳқончилик амалиётида органик ўғитлардан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш асосида экинлардан сифатли ва юқори ҳосил олиш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу муаммони ҳал қилишда сидерат экинларини турли муддатларида экиб, парваришлаб, гуллаш ва мева тугиш фазасида ҳосил бўлган яшил биомассани кўкат ўғит сифатида майдалаб, ерга кўмиб юбориш орқали эришиш мумкин. Мазкур тадбир натижасида тупроқ экологик тоза, арзон, сифатли органик биомасса билан бойитилади.

Илмий изланишларимиз сидерат экинларни ўстириш, уларда фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчашлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007), “Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” (1971), “Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услуби” (1971) ва “Методика проведения полевых и вегетационных опытов с кормовыми культурами” (1983) қўлланмалари асосида ўтказилди.

Тажрибада ғалладан бўшаган майдонларда турли сидерат экинлари ёзда 10, 20, 30 июлда ҳамда кузда 10, 20, 30 октябр муддатларида экиб, ўрганилди.

Илмий изланишларда сидерат экинлар яшил биомасса тўплаши уни етиштириш муддатларига ҳам боғлиқлигини кўрсатди.

Ёзда ғалладан бўшаган майдонларга 10 июлда экилган горох ўсимлигини ерга яшил биомасса сифатида кўмиш олдидан ўсимлик бўйи ўртача 114,8 см, 1 туп ўсимлик ҳосили 168,1 г, яшил биомассаси эса 14,54 т/га бўлди. Бу 20 июлда экилганга нисбатан ўсимлик бўйи 1,4 см, 1 туп ўсимлик ҳосили 7,0 г, яшил биомассаси 0,53 т/га кўп бўлган бўлса, 30 июлда экилганга қараганда 2,7 см, 26,7 г ёки 2,52 т/га ортиқ масса тўплашга имкон берди. Худди шунингдек, ушбу кўрсаткичлар нўхат, арпа ва рапс экилган вариантларида ҳам 10 июлда экилганда ҳам кузатилди. Бунда 20 ва 30 июлда экилган ва-

риантларга нисбатан 10 июлда экилган нўхат вариантида 0,44–1,26 т/га, арпада 2,0–6,64 т/га ва рапсда 2,19–8,95 т/га яшил биомасса кўп бўлди.

Демак, сидерат экинларини ёзда экишнинг энг мақбул муддати 10 июль ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири 10 июлда экилганда бошқа муддатларга нисбатан ёруғлик ва ўсимлик учун фойдали ҳароратлардан бирмунча кўпроқ ва самаралироқ фойдаланишига эришиши орқали ўсимликлар яхши ўсиб ривожланади, арпа яхши туплайди ҳамда горох, нўхат ва рапс ўсимликлари яхши шохланиши, бўйининг баланд бўлиши, ўсимлик илдизининг бақувват бўлиб ўсиб ривожланиши натижада юқори яшил биомасса олинади ва кузги ёгингарчиликларга қолмасдан ерни ўз вақтида шудгор қилишга эришилади. Натижада яшил биомасса тўлиқ чириб, унинг ўрнига ғўза экилганда, тўлиқ ва бўлиқ ғўза кўчатлари ундириб олинади ҳамда юқори ҳосил олишга замин яратилади.

Ўсимликларнинг қишга чидамлилиги ҳосилдорликка сезиларли таъсир кўрсатади. Қишга чидамлилик навнинг биологик хусусиятларига, қиш давридаги ҳарорат режимига, ўсимликнинг ривожланиш фазасига, нам билан таъминланганликка, экилган уруғлар меъёрига, экиш муддатларига боғлиқ ҳолда ўзгарадиган кўрсаткичдир.

Шу сабабли кузда турли сидерат экинларини 10, 20, 30 октябр кунларида экиб ўрганиш мақсадида тадқиқотлар олиб борилади.

Изланишлар натижалари шуни кўрсатдики, 10 октябрда экилган рапс ўсимлиги яшил биомассасини баҳорда ерга кўмиш олдидан ўсимлик бўйи ўртача 97 см, 1 туп ҳосили 90,9 г, яшил биомассаси 22,41 т/га. ни ташкил этиб, 20 октябрда экилганга нисбатан ўсимлик бўйи 7,4 см, 1 туп ҳосили 0,5 г, яшил биомассаси 0,5 т/га, 30 октябрда экилганга қараганда эса ўсимлик бўйи 12,6 см, 1 туп ҳосили 10,3 г, яшил биомассаси 2,78 т/га кўп бўлганлиги қайд этилди.

Ушбу кўрсаткичлар 10 октябрда экилган горох, нўхат ва арпа ўсимликларида ҳам юқори бўлиши аниқланди. Шунингдек, 20 ва 30 октябр кунларида экилган вариантларга нисбатан 10 октябрда экилган горох вариантида яшил биомасса ҳосилдорлиги 0,50–2,8 т/га, нўхатда 0,35–1,2 т/га ва арпа-

да эса 1,35–2,62 т/га кўп бўлди. Бунинг асосий сабабларидан бири ўсимликнинг эрта униб чиқиши, мақбул туп сон қалинлигига эрилиши, ўсимликларнинг қулай ривожланиши натижасида юқори яшил биомасса ҳосилдорлиги олишти таъминлаганлигидадир.

Мазкур сидерат экинларининг яшил биомасса ҳосили эрта баҳорда, яъни арпа бошоқлаш фазасида, горох, нўхат ва рапс ўсимликлари гуллаш ва мева тугиш фазаларида майдалаб ерга ҳайдаб юборилди. Бундай органик масса ерга ҳайдаб юборилганда тезда парчаланаяди ва минераллашади. Натижада унинг ўрнига экилган ғўза экиннинг яхши ўсиб-ривожланишига қулай шароит яратилиб, юқори ҳосил олишти таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, сидерат сифатида горох, нўхат, рапс ва арпа ёзда ғалладан бўшаган майдонларга 10 июлда экилганда энг юқори биомасса ҳосилдорлигига эришилиб, 14,54–52,92 т/га. ни ташкил этди, нисбатан кейинги ўринда эса 20 июлда экилганда кузатилиб, яшил биомасса ҳосилдорлиги 14,1–50,73 т/га бўлди.

Кузда экилган сидерат экинларида юқори биомасса ҳосилдорлиги 10 октябрь мuddатида экилганда кузатилиб, бунда 6,44–22,41 т/га. ни ташкил этди, кейинги

ўринда эса 20 октябрда кузатилди. Бунда яшил биомасса ҳосилдорлиги 6,04–21,91 т/га бўлди.

Бундан кўриниб турибдики, сидерат сифатида оралик экинларни экишнинг энг мақбул мuddати ёзда 10 июль, кузда эса 10 октябрь ҳисобланиб, бунда сидерат экинларидан юқори биомасса олишга эришилади.

Сидерат экинлар ғалла ва ғўзадан бўшаган майдонларга экилганда тупроқ органик моддалар билан бойийди. Бу эса улардан сўнг экиладиган экинларнинг яхши ўсиб-ривожланиши таъминлайди, натижада юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришишга олиб келади.

Ю.КЕНЖАЕВ,

ТошДАУ мустақил изланувчиси.

Адабиётлар

1. Бобоқулов З., Нормуродов Д., Омонов А. Кузги нўхат уруғларининг дала унвчанлиги, ўсимликларнинг қишлаб чиқиши ва ҳосилини йиғиштиришгача сақланиши // “АГРО ИЛМ” журнали. – Тошкент, 2015. – №4 (36). – Б. 28-29.

2. Кенжаев Ю., Орипов Р., Санақулов А. Сидерат экинларининг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлиги // “АГРО ИЛМ” журнали. – Тошкент, 2013. – №3 (27). – Б. 31-32.

УЎТ: 632.7+632.9.

МЕВАЛИ БОҒЛАРДА “ШАРҚ МЕВАХЎРИ”ГА ҚАРШИ ИНСЕКТИЦИДЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

This article provides information about the severity, distribution and lifestyle east moth in recent years in intensive orchards country. In order to determine the efficacy of insecticides against east moth, first conducted observational work on the basis of sex pheromones. On this basis, three options have been tested drugs Gazell-D 55% em.k., Desis 2,5% em.k., Nurell D 55%, em.k. The highest efficacy was observed in the embodiment where the applied 1,0 l/ha Gazell-D 55% em.k. In this embodiment, efficiency 85.5%.

Мевали боғларнинг ҳосилдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири – уларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишдир. Мевали боғларга зарар етказиб яшовчи 100 дан ортиқ зараркунанда ва касалликлар маълум.

Глобал иқлим ўзгариши жараёнида ҳар йили об-ҳаво бир хил келмаслиги натижасида зараркунанда ва касалликларнинг ривожланиш нуфузи турлича бўлади. Зараркунандаларнинг биоэкологик хусусиятларини яхши билган ҳолда кураш тадбирларини уларнинг энг заиф даврида ўтказиш ўта муҳимдир.

Республикамызда интенсив мевали боғларга кейинги йилларда шарқ мевахўри қурти жиддий зарар етказмоқда. Ушбу зараркунанда дунёнинг бир қанча давлатларида, шу жумладан, Жанубий Европа, Япония, Хитой, Жанубий Корея, АҚШ, Канадада, Республикамызнинг Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида тарқалган.

Ушбу зараркунандани Фарғона водийсининг барча ҳудудларида учратиш мумкин. Масалан, Боғдод туманидаги айрим мевали боғларда ушбу зараркунанда шафтоли дарахтларини 65–70 фоизгача зарарлаганлиги таъкидланган.

Шарқ мевахўри олма ва беҳи меваларига худди олма қурти каби зарар етказаяди. Шафтолининг ниҳол новдалари зарарланиб, вақт ўтиши билан қуриб қолади. Ҳали мева тугмаган пайтда янги ўсган новда учидан кириб, узунлиги 6–12 см бўлган йўлка шаклида ейиши натижасида новданинг учки қисми барглари билан қурий бошлайди. Битта қурти 5–7 та новдани зарарлантиради. Унинг иккинчи авлоди новдалардан ташқари меваларни ҳам зарарлайди. Мева ичига кириб, данак атрофини ейди ва етилиб, мева ичидан чиққач, ғумбакка айланади.

Ҳар йили шарқ мевахўрининг зарарланишидан меваларнинг тугунчалари ва ғўр меваларнинг анчагина қисми тўкилиб кетади. Шарқ мевахўри зарарлаган мевалар кўпинча қуриб кетади ва уларни сақлаб бўлмайди. Зараркунандага қарши айрим кимёвий препаратларни синовдан ўтказиш ва биологик самарадорлигини аниқлаш мақсадида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманига қарашли 3 гектарлик интенсив мевали боғда кузатув ва тажрибалар олиб борилди.

Жадвалда кўриниб турганидек, шарқ мевахўрига қарши замонавий инсектицидларнинг биологик самарадорлиги 55 фоизли “Газелл-Д” к.э. (85,5%),

**Шарқ мевахўрига қарши замонавий
препаратларнинг самарадорлиги**

Жадвал

№	Препаратлар номи	Сарф меъёри л/га	Поврежден- ность съемного урожая, %	Самара- дорлик, %	Поврежден- ность валового урожая, %	Самара- дорлик, %
1	Газелл-Д 55% к.э.	1,0	7,1	85,5	13,5	76,1
2	Децис 2,5 % эм.к.	0,5	8,5	82,7	15,2	73,0
3	Нурелл-Д 55% к.э. (эталон)	1,0	9,2	81,4	15,6	72,3
4	Назорат (ишловсиз)	-	49,2	-	56,4	-

(ТошДАУ дала тажриба станцияси, 2018 й.)

2,5 фоизли “Децис” эм.к. (82,7 %), 55 фоизли “Нурелл-Д” к.э. (81,4%) бўлди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шарқ мевахўрига қарши 55 фоизли “Газелл-Д” к.э. препаратнинг биологик самарадор-

лиги юқори бўлди (85,5%). Республикада шарқ мевахўри тарқалган ҳудудлардан меваларни, зарарланган кўчат ва ўсимлик қисмларини тоза ҳудудларга юбориш тақиқланади. Олинган на-тижаларга кўра, интенсив мевали боғларда шарқ мевахўрига қарши ўз вақтида кураш чо-ралари ўтказиш долзарблиги маълум бўлади. Ушбу зараркунандага қарши самарали кураш тизимини ўз вақтида ўтказиш мақсадида 55 фоизли “Газелл-Д” к.э. препаратини гектарига 1,0% литр ҳисобида қўллаш натижасида юқори биологик самарадорликка эришиш мумкин.

О.СУЛАЙМОНОВ,

Ўсимликлар карантини илмий маркази
директори,

С.ЎТАГАНОВ, Б.СОБИРОВ, Ж.ЯХЁЕВ,
илмий ходимлар.

АДАБИЁТЛАР

1. Гаппаров Ф. Пўлатов Ж. Мевали боғларни зараркунандалар мажмуидан ҳимоя қилиш тадбирлари // “Ўсимликлар ҳимояси ва карантини” журнали. – Тошкент, 2015. – №1, 14-15-б.

2. Сулаймонов Б., Пўлатов Ж. Мевали боғларда барг ўровчи зараркунандаларнинг турлари ва тарқалиши // “Аграр соҳада фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва инновацион ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари (28 декабрь 2011 йил, Тошкент ш.). – Тошкент, 2011.

3. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш ҳамда агротоксикология асослари. – Тошкент: «Наврўз», 2014.

УЎТ: 355:41

РАВНАҚ

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВАЧИЛИК ВА САБЗАВОТЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

The article describes the role of vegetables, melons, gardening and viticulture in agriculture in the Republic of Uzbekistan, the role of our fruits and vegetables in the global market, and the government's efforts to further develop the fruit and vegetable sector.

Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда жами 269,5 минг гектар боғлар бўлиб, шундан 188 минг гектари фермер хўжаликлари ихтиёрида. Юртимизда етиштирилган олма, анор, анжир, хурмо каби турфа ноз-неъматлар таъми ва хушбўйлиги билан дунёда ўта харидоргир. Республика-мизда етиштирилган мева ва резавор-мевалар юқори қандлилиги ва сифати билан тан олинган.

Мевалар, сабзавотлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар инсон саломатлигида муҳим ўрин тутати. Шу сабабли, республика-мизда ҳўл мева ва сабзавотларни етиштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мустақилликка эришилгандан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, республика-мизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг турлари ва навларини кўпайтириш, қайта ишлаш технологияларини ривожлан-тириш жадаллашди.

2018 йилда 8 миллион 661 минг тонна сабзавот, 2 миллион 411 минг тонна картошка, 1 миллион 607 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2 миллион 100 минг тоннага яқин мева, 1 миллион 314 минг тонна узум тайёрлашга эришилди. Жами 58 триллион 181 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Мамлакатимиз тоmat пастаси, кишмиш, қуритилган мевалар ишлаб чиқариш бўйича дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳукуматимиз катта эътибор қаратмоқда. Янги замонавий технологик жиҳозларнинг сотиб олиниши, мева-сабзавот консервалари, қуритилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йилдан-йилга ортиб бориши, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар бунинг яққол намуна-сидир. 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида жами 780 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари (700 млн. доллардан ортиқ) ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди. Ташқи бозорга чиқарилган қуритилган мевалар эса 10 268 тоннани ташкил этиб, қиймати 7 9024,8 минг долларни ташкил этди. Бугунги кунда дунё бозорида асосий талаб гилос, шафтоли, ўрик, олхўри, хурмо ва лимон каби боғдорчилик маҳсулотларига бўлмоқда. 2019 йил 1 июль ҳолатига гилос 17 минг тонна, шафтоли 8,3 минг тонна, ўрик 50 минг тонна, олхўри 15 минг тонна экспорт қилинди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ислохотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш имконини берди, пировардида, аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ

таъминлашга эришилди. Бугунги кунда мамлакатимиз нафақат ўзининг ички талабини қондириш, балки глобал озиқ-овқат дастурига катта ҳиссасини қўшиши ва бошқа давлатларнинг бу борадаги муаммоларини ҳал этиш салоҳиятига эга давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда илғор хорижий тажрибалар асосида интенсив усулда боғлар барпо этиш, иссиқхоналар ташкил этиш, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун ҳосилдорлиги юқори бўлган уруғлар билан таъминлаш, томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини замонавий музлаткичларда сақлаш, саралаш, уларни қайта ишлаш ва қадоқлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги уч йилда барқарор ривожлантириш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича кўплаб қарорлар ва дастурлар қабул қилинди. Фермерлар манфаатдорлиги ва даромадларини оширишга қаратилган иқтисодий механизмлар жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 январдаги “Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси иштирокида “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори республикаимизда боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчилик соҳасига илғор технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқарувчиларни замонавий қишлоқ хўжалиги техника ва жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда самарадорлиги юқори бўлган иссиқхона хўжалиқларини ташкил этишга пухта замин яратди.

Бугунги кунга қадар ушбу инвестиция лойиҳалари доирасида ажратилган имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан жами қиймати 38,7 млн. АҚШ долларига тенг 350 дан ортиқ бизнес-режалар молиялаштирилди, натижада тадбиркорларимиз томонидан 500 гектардан зиёд майдонда боғ ва тоқзорлар барпо этилди, 112 гектар майдонда

иссиқхоналар, 32,8 минг тонна сиғимга эга музлаткичли омборхоналар, қуввати 13,1 минг тонна бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш цехлари ташкил этилди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жорий йилнинг шу давригача 56 та мева-сабзавот кластерлари ташкил этилиб, уларга 23,7 минг гектар ер майдонлари ажратиб берилди. Бугунги кунда истеъмол маҳсулотларининг 70 фоизи иқтисодиётнинг ушбу тармоғида яратилмоқда. 180 турдан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 80 та мамлакатга экспорт қилиниб, жами экспорт тушаётган даромаднинг қарийб 25 фоизини таъминламоқда. Иқтисодий фаол аҳолининг 27 фоизи ушбу соҳада банд. Ҳозиргача 94 туманда 76 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган. Бу йилги ғалла ҳосили 7 миллион тоннадан ортиди. 15 минг гектар интенсив боғлар ва 11 минг гектар тоқзорлар барпо этилди. Маҳсулотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш борасида жорий йил охиригача қуввати 150 минг тонна бўлган 12 та логистика маркази ва сиғими 143 минг тонна бўлган 224 та музлаткичли омборхона ишга туширилади. Ғаллачилик кластерлари, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик комплекслари ташкил этиш, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш бўйича ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида яратилаётган бундай кенг имкониятлар мева-сабзавотчилик тармоғининг янада юксалиши, экспорт ҳажмининг ошиши, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг молиявий жиҳатдан мустақамланиши билан биргаликда юртимизда мўл-кўлчилик янада ортишини таъминлайди.

А.ШАДМАНКУЛОВ,
и.ф.н., доцент.

УДК. 631.411.1

ИССЛЕДОВАНИЕ

ВЛАЖНОСТЬ И ПОЛЕВАЯ ВЛАГОЕМКОСТЬ ПОЧВ И ПЕСКОВ

Soil moisture also depends on the mechanical composition of the irrigation regime, in particular, irrigation of agricultural plants, directly related to the moisture capacity of the soil and sand.

Вода играет важную роль в формировании внутрипочвенных процессов и растений. От содержания воды в почве зависят скорость гумификации растительных остатков, минерализация перегноя его в простые соли. В сухой почве все микробиологические процессы почти полностью приостанавливаются. Наилучшие условия для разложения и минерализации возникают при оптимальном содержании воды в почве. Мобилизация питательных веществ в растение и все физиолого-биохимические процессы осуществляются через воду. Следовательно, одним из важных факторов, влияющих на урожай, является влажность почвы.

В нашем опыте изучалось влияние искусственно созданного и естественного экранов на влажность почвы. Большое значение влиянию слоистости почвы на накопление в ней воды и передвижение влаги придают И.Н.Фелициант. Учитывая это, мы вели наблюдения за влажностью почвы на двух опытных участках. Результаты исследований показывают, что на опытном участке с искусственным залеганием грунта наименьшая влажность почвы в период вегетации отмечена в контроле. В слое 0-40 см влажность почвы в фазу массового цветения до полива равнялась 2,64%, на 3 день после полива 7,87; на 6 день – 6,18, на 9 день – 3,96% (рис. 1.).



Рис. 1. Влажность песка на опытном участке при глубине искусственного экрана 40 и 70 см (контроль).

В верхних слоях, хотя влажность и была меньше, но такая же закономерность сохранилась. При внесении 400 т/га мелкозема с запашкой на глубину




Рис. 2. Влажность песка при глубине искусственного экрана 40 см и запашке 600 т/га мелкозема.

40 см влажность увеличилась до 3,70; 11,1; 8,89; 6,82%, при внесении 1000 т/га она составила 11,12; 14,86; 12,5; 10,47% (рис. 2.).

Аналогичное равномерное увеличение влажности отмечено при внесении 600 и 800 т/га мелкозема с запашкой на 40 см. Самая высокая влажность в течение вегетации на опытном участке с искусственным экраном выявлена при внесении 1000 т/га мелкозема с запашкой на 70 см. В этом варианте влажность по сравнению с контролем на глубине 60-40 см увеличилась на 10,55; 15,27; 13,59; 9,94%.

Выявлено также, что в вариантах с внесением 400, 600 и 800 т/га мелкозема с запашкой на 70 см влажность была значительно выше, чем в вариантах с запашкой на 40 см. На опытном участке с естественным экраном минимальная влажность почвы в период вегетации отмечена в варианте с глубиной залегания грунта 0-110 (130) см, максимальная – в варианте с залеганием естественного экрана на глубине 0-50 (75) см.

Влажность почвы зависит и от механического состава режим орошения, в частности поливы сельскохозяйственных растений, непосредственно связаны с влагоемкостью почв и песков. По мнению А.Ф.Лебедева, С.Н.Рыкова, А.А.Роде влагоемкость находится в безусловной зависимости от их механического состава.

Созданный нами искусственный экран

оказал положительное влияние на влагоемкость почвы. В варианте без внесения мелкозема полевая влагоемкость в слое 0-40 см составила 4,72%, при внесении 400 т/га увеличилась до 9,03%. Существенная разница во влагоемкости наблюдалась между контролем и вариантом с внесением мелкозема. Так, в контроле влагоемкость в слое 30-40 см равнялась 5,8%, при внесении 400 т/га увеличилась до 16,4%. Увеличение норм мелкозема оказывает прямое воздействие на влагоемкость. Следует отметить, что с увеличением влагоемкости в данном слое возрастает влагоемкость по всему профилю. Например, в варианте с внесением 600 т/га мелкозема и запашкой на 40 см влагоемкость в слоях 0-10, 10-20, 20-30, 30-40, 40-50, 50-60, 60-70, 70-80, 80-90, 90-100 см составила 6,2; 7,8; 8,4; 18,6; 6,7; 7,0; 9,3; 9,9; 11,6; 12,3%, с увеличением нормы до 800 т/га этот показатель увеличился на 0,4; 0,1; 0,7; 1,6; 1,7; 1,8; 0,3; 1,7; 0,5 и 0,6%. Исследования показали, что влагоемкость зависит не

только от механического состава, но и от мощности и местоположения в системе грунта. Так, в варианте с внесением 1000 т/га мелкозема и запашкой на 40 см в слое 0-40 см в 2018 г. влагоемкость составила в среднем

11,9%, в слое 30-40 см-22,5%, тогда как при той же норме мелкозема, но с запашкой на 70 см она составила в слое 0-50 см в среднем 12,16%, в слое 60-70 см-24,8%.

Следует отметить, что в варианте с запашкой мелкозема на 70 см полевая влагоемкость была значительно выше, чем в вариантах с запашкой на 40 см. это объясняется тем, что капиллярное поднятие влаги песков равно 45-47 см,

т.е. часть влаги поднимается до поверхности песка и испаряется, тогда как с глубины 70 см она до поверхности подняться не может. Экран на такой глубине как бы играет роль микроводохранилища. Полевая влагоемкость спланированных песков при глубине искусственного экрана из мелкозема 70 см: 1-контроль (без мелкозема); 2- при внесении 400 т/га мелкозема; 3- то же, 600 т/га, 4- то же, 800 т/га, 5- то же, 1000 т/га.

Полевая влагоемкость спланированных песков с естественным экраном: 1-контроль (мощность песка) 140 см и

глубже; 2- глубина экрана 50-75 см; 3- то же, 70-90 см; 4- то же, 90-100 см; 5- то же, 110-130 см.)

На основании исследований на опытном участке с естественным залеганием грунта мы пришли к выводу, что полевая влагоемкость находится в прямой зависимости от глубины залегания экрана. В варианте с глубиной залегания экрана 0-110(130) см в слоях 0-10, 10-20, 20-30, 30-40, 40-50, 50-60, 60-70, 70-80, 80-90, 90-100, 100-125, 125-150 полевая влагоемкость составила 4,1; 4,8; 5,7; 6,1; 6,3; 6,5; 7,7; 7,8; 11,5; 17,6; 17,7; 18,0%.

С ростом мощности грунта к поверхности до 0-50(75) см влагоемкость составляла 6,0; 6,1; 13,3; 14,9; 18,3; 19,0; 21,3; 21,7; 22,0 и 22,0%. Равномерное увеличение влагоемкости отмечено и в вариантах с глубиной залегания экрана 0-70(90), 0-90(110) см.

Исходя из приведенных данных, можно констатировать, что искусственные и естественные экраны с более тяжелым механическим составом улучшают водно-физические свойства сыпучих песков.

С.ЗАКИРОВА,
д. с.х. н.,
М.ТЕШАБОВА,
науч.исслед.,
Н.КАДИРОВА,
науч.исслед.,
ФерГУ.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Зокирова С., Холматова Ш., Бойназарова Н., Ирмаева М. Генезис песков Ферганской долины // *Ўзбекистон Республикаси қ/х сув ва ресурс тежовчи агротехнологиялар*. Т.: 2008. 342-344 стр.
2. Мирзажанов К.М. Лик центральной Ферганы в прежнее и настоящее время. // Т. 2014 г. 159-173 стр.

ФОРМИРОВАНИЕ ГУМУСНОГО СОСТОЯНИЯ ЛУГОВЫХ ПОЧВ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ ПРИ РАЗНЫХ СТЕПЕНЯХ И ТИПАХ ЗАСОЛЕННОСТИ

The article presents data on the influence of the degree and types of salinization on the formation of the humus state of meadow soils in the Bukhara region. Chloride and soda salinization, as well as soil alkalinity due to the high sodium content, have a very strong negative effect.

В Бухарской области, в основном, распространены луговые почвы с различными степенями и типами засоленности. В зависимости от содержания водорастворимых солей различаются слабозасоленные, средние и сильнозасоленные луговые почвы. Кроме того, встречаются солончаки и солонцы. Есть луговые почвы с хлоридными, сульфатными, хлоридно-сульфатными, сульфатно-хлоридными, даже содовыми засолениями. В формировании плодородия этих почв большое значение имеет гумусное состояние. При благоприятном гумусном состоянии даже засоленные почвы имеют высокое плодородие. Но, с другой стороны, степени и типы засоления сильно влияют на формирование гумусного состояния луговых почв, активность микробиологических процессов гумусообразования. Вместе с тем, процессы гумификации и дегумификации, их равновесие, своеобразие этих процессов зависит от степени и типа засоления. Поэтому, изучение влияния различных степеней и типов засоления на формирование гумусного состояния луговых почв Бухарской области имеет большое значение.

Содержание гумуса сильно изменяется в зависимости от количества водорастворимых солей, т.е. степени засоления. При этом с увеличением содержания водорастворимых солей в луговой почве Бухарской области снижается содержание гумуса в почве. Поэтому самое высокое содержание гумуса наблюдается в незасоленных луговых почвах, а самое низкое содержание — в сильнозасоленных. В солончаках и солонцовых почвах содержание гумуса еще меньше. Это говорит о том, что высокое содержание водорастворимых солей сильно влияет на процессы гумусообразования и дегумификации в условиях засоления почвы. Это связано и со снижением количества и активности микроорганизмов, участвующих в процессах образования гумуса, а также с уменьшением органических материалов для гумификации с увеличением степени засоления. Работами В.К.Чеботарь, А.В.Щербакова и других (2011) показано, что засоление существенным образом влияет на микробную активность почв, а также на метаболическую активность почвенных микроорганизмов. Наряду со степенями на процесс гумификации влияют типы засоления. При хлоридном засолении процессы гумификации протекают более медленно, чем в незасоленных почвах. Повышенное содержание хлора отрицательно действует на микроорганизмы гумусообразования, снижая их количество и активность. Это проявляется в гумусном состоянии хлоридно-засоленных луговых почв Бухарской области. Это особенно заметно на фоне средне и сильнозасоленных почв. Сульфатное засоление, особенно на фоне слабого засоления, меньше влияет на гумусный режим почвы по сравнению с незасоленными почвами и другими типами засоления. Это говорит о большей токсичности хлорид

ионов по сравнению с сульфатами.

Содовое засоление сильно влияет на гумусное состояние почвы. При этом образуется, на языке народа «кора шур» (черное засоление), что является последствием растворения гумусовых веществ в щелочной среде, которая образуется при содовом засолении. Растворенный гумус в щелочной среде хорошо вымывается при промывке и поливе сельскохозяйственных культур, что делает почвы бедными на гумус. Кроме того, повышение щелочности почвы отрицательно действует на процессы гумусообразования за счет ухудшения условий гумификации и увеличения растворимости гумуса. Это нарушает равновесие гумификации↔дегумификации и смещает равновесие в сторону дегумификации, что способствует снижению содержания и качества гумуса в почве. Высокие концентрации в почвенных растворах ионов натрия и низкие — кальция, высокие значения щелочности (pH), значительная деструктуризация почвы и ряд других факторов позволяют отнести содовые солончаки к уникальным экстремальным природным местообитаниям (М.Л.Георгиева, 2006).

Для увеличения плодородия почвы, улучшения ее гумусного состояния в засоленных луговых и других почвах, в первую очередь, надо проводить мелиоративные мероприятия. В засоленных почвах с сульфатами и хлоридами или их смешанными солями, в первую очередь, надо проводить промывку почвы от этих солей. При содовом засолении, солонцовых почвах и солонцах, промывка почвы от солей не дает нужного эффекта, так как в ППК этих почв в большом количестве содержится катион натрия, который невозможно промыть водой. В этих почвах, в первую очередь, надо будет вытеснять из ППК поглощенный натрий с помощью иона кальция, и потом можно будет проводить промывку почвы. Гипсование — это очень эффективное мероприятие в улучшении мелиоративного состояния этих почв, без которого невозможно повышать их плодородие.

Таким образом, степени и типы засоления сильно влияют на гумусное состояние луговых почв Бухарской области. С повышением содержания водорастворимых солей в почве, т.е. степени засоления, снижается содержание и запас гумуса, ухудшается гумусное состояние почв и активность микробиологических процессов гумусообразования.

Т.ОРТИКОВ,
доцент, к.б.н., СамИВМ,
Х.АРТИКОВА,
доцент, к.б.н.,
О.УМАРОВ,
опорный докторант,
З.БАФОВЕВА,
преподаватель, БухГУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Георгиева М.Л. Микромицеты в щелочных засоленных почвах//Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата биологических наук. — М., 2006. — 24 с.
2. Чеботарь В.К., Щербакова А.В., Чижевская Е.П., Петров В.Б. Влияние засоления и тяжелых металлов на ростостимулирующую и антагонистическую активность почвенных бактерий и перспективы использования микроорганизмов для биоремедиации почв (аналитический обзор)//Достижения науки и техники АПК. 2011, № 7. — с. 28-31.

ИРРИГАТОР ВА МЕЛИОРАТОРЛАР СУЛОЛАСИ

Ушбу мақола Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ташкил этилганлигининг 85 йиллигига бағишланади

Маълумки, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудларида деҳқончилик бир неча минг йиллар аввал шаклланган. Қадимги аждодларимиз милoddан аввалги III минг йилликлардаёқ сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданиятига асос солиб, минтақадаги ушбу соҳа цивилизацияси ривождаги илк босқични бошлаб берганлар.

Ўтган асрлар мобайнида ер-сувга бўлган эҳтиёж, муносабат такомиллашиб, ер ва сув инсон ҳаётининг, унинг фаровон турмушининг энг муҳим асосидан бири эканлиги тўғрисидаги тушунча, бу масалага мунтазам онгли ёндошув кундалик турмуш тарзига айланиб, олий қадрият даражасига етди. Албатта, буларнинг амалга оширилишида ушбу соҳанинг етук, фидойи олимлари, илмий мутахассислари ва халқимизнинг фидокорона меҳнатлари алоҳида ўрин тутади.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда ўзининг ташкил этилганлигининг 85 йиллик санасини нишонлаётган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)дан ўтган давр мобайнида етишиб чиққан ушбу соҳанинг кўпгина йирик, билимли, тажрибали олим-мутахассисларининг қўшган ва қўшаётган ҳиссалари чексиз ва беқиёсдир.

Ушбу мақоламизда ушбу олийгоҳдан етишиб чиққан ва етишиб чиқаётган оилавий ирригатор ва мелиораторлар сулоласи ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Шуни қиққатга сазоворки, юртимизда битта олийгоҳда бир сулоланинг 18 та вакилининг таълим олиб, ушбу олийгоҳ ихтисослиги соҳаларида юртимизда, унинг ривожига салмоқли ҳисса қўшгани, қўшиб келаётгани ва яна янги авлод шунга отлангани кам учрайди.

Зангиота туманининг Зангиота зиёратгоҳи ҳудудида яшаб ўтган Шамсиддин Қори Ходихўжаев биз ҳикоя қилмоқчи бўлган сулоланинг асосчиси бўлиб, 1905 йилда таваллуд топган. Ш.Ходихўжаев XX асрнинг 20-йиллари бошларида ташкил этилган Туркистон халқ университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) Ишчи факультетининг илк битирувчиларидан бири бўлган. Меҳнат фаолияти давомида хўжалиқда бригадир, кейинчалик ҳосилот, сўнг эса бош агроном бўлиб ишлаган. У суғориш ишлари бўйича мутахассис сифатида ҳам фаолият олиб борган. Шунингдек, ушбу йўналишда ёш мутахассисларга иш ўргатишда маслаҳатчи вазифаларини ҳам амалга оширган.

Норхўжа Шамсиев – Шамсиддин Қорининг ўғли бўлиб, 1929 йилда дунёга келган. 1949 йилда ТИҚХММИни тамомлаб, Тошкент вилояти сув хўжалиги бошқармасида турли масъулиятли вазифаларда фаолият олиб борган. У машҳур ўзбек олими Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийдан таълим олиш бахтига ҳам муяссар бўлган. Таъкидлаш жоизки, А.Н.Шамсиев Иккинчи жаҳон урушида кетган учта, ҳакамларининг оиласини ҳам қарамоғига олган.

У Янгийўл тумани Сув хўжалиги бўлими, сўнгра Чирчиқ дарёси Ўнг қирғоқ каналлар бошқармасига раҳбарлик қилган. 1968 йилдан “Ташмелиоводстрой” трести бошқарувчиси лавозимида 7 йил самарали меҳнат қилган. Унинг ташаббуси билан трест қошида яна иккита – “Ташпромжилводстрой”, “Паркентводстрой” трестлари ташкил этилган.

Норхўжа Шамсиевнинг катта ўғли Солиҳ Норхўжаев 1949 йилда туғилган бўлиб, 1966–1971 йилларда ТИҚХММИда таҳсил олгач, қурилиш эксплуатацияси ва лойиҳалаш институтларида кичик муҳандисликдан Тошкент вилояти Қурилиш бошқармаси бош муҳандиси лавозимига бўлган йўлни босиб ўтган. Айниқса, пойтахтда сув хўжалиги ходимлари учун ажратилган уйлари сифатли қуриш ишларида жонбозлик кўрсатган.

Солиҳ Норхўжаевнинг ўғли Абдуқарим Норхўжаев 1974 йилда туғилган. ТИҚХММИни 1996 йилда Гидромелиорация ихтисослиги бўйича тамомлаган.

Шамсиев Норхўжанинг иккинчи ўғли Ҳикматилла Шамсиев 1952 йилда таваллуд топган. 1969–1974 йилларда ТИҚХММИда таҳсил олиб, меҳнат фаолиятини кичик муҳандисликдан бошлаб, Ўзбекистон қишлоқ ичимлик суви таъминоти республика уюшмаси раиси лавозимига кўтарилган. Нафақага чиққач, узоқ йиллар давомида ҳафтанинг ҳар шанба кунлари институт талабаларига ичимлик суви таъминоти ва уларни эксплуатация қилиш муаммолари мавзуларида маърузалар ўқиган. Шу билан бир қаторда, битирувчи талабаларнинг давлат имтиҳон комиссиясига кетма-кет 7 марта раислик қилган.

Ҳ.Шамсиев республикамиз аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш, янги сув тармоқлари, жумладан, улкан сув омборларини қуриш ишларига катта ҳисса қўшган. Айниқса, Республика сув омборлари раҳбари лавозимида ишлаган пайтларида 60 га яқин сув омборларини эксплуатация қилишда фаол иштирок этган. Зангиота, Янгийўл туманлари ва Янгийўл шаҳри аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминотлаш ишларига бош-қош бўлган.

Ҳикматилла Шамсиевнинг ўғли Азизхўжа Шамсиев – 1972 йилда дунёга келган. 1994 йилда ТИҚХММИни тамомлаб, ўз мутахассислиги бўйича турли лавозимларда фаолият кўрсатган. Айниқса, Зангиота тумани ичимлик суви таъминоти бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган даврида салмоқли натижаларга эришган.

Норхўжа Шамсиевнинг невараси Лутфулло Муҳамедов – 1975 йилда туғилган. 1991–1996 йилларда ТИҚХММИни Гидромелиорация ихтисослиги бўйича тамомлаган.

Шамсиев Норхўжанинг яна невараси Хошимхўжа Зайнуллоев – 1975 йилда туғилган. 1998 йилда ушбу олийгоҳни Гидромелиорация ихтисослиги бўйича тамомлаган. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилган.

Таъкидлаш жоизки, сулола давомчиларидан Абдуқарим Норхўжаев, Муҳамедов Лутфулло, Хошимхўжа Зайнуллоевлар ўз меҳнат фаолиятида ирригация йўналишида тадбиркорлик қилиб, республикамиз сув хўжалиги тизими учун зарур бўлган турли техника ва ускуналарни хорижий мамлакатлардан келтириш билан шугулланиб келмоқдалар.

Норхўжа Шамсиевнинг невараси Мирафзал Тошматов – 1978 йилда туғилган. 2000–2005 йилларда ўқиб, ушбу институтни Иқтисодиёт мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Шамсиев Норхўжанинг невараси Ҳадича Тошматова – 1984 йилда туғилган. 2001–2005 йилларда институтда таҳсил олиб, Гидромелиорация мутахассислигини олган. Бугунги кунда у Тошкент шаҳар ичимлик суви таъминоти трестидида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Норхўжа Шамсиевнинг абиралари Алишер Ҳикматуллаев, Ғуломхўжа Икромхўжаев ва Ҳожиакбар Саидқабаровлар ҳам ушбу олийгоҳни муваффақиятли тугатган. Ҳозирда Искандар Ҳикматиллаев ва Фазлиддин Икромхўжаев ушбу сулолага муносиб олимони бўлиб етишиб мақсадида олийгоҳда таҳсил олмоқдалар. Шунингдек, Мирафсал Мирсаматов яхши ниятлар билан ТИҚХММИ қошидаги лицейда сабоқ олмоқда.

Шамсиев Норхўжанинг укаси Ғиёсиддин Ходихўжаев 1951 йилда туғилган бўлиб, 1979 йилда ТИҚХММИни Қишлоқ хўжалигини гидромелиорациялаш ихтисослиги бўйича тугатган. Фаолияти мобайнида Тошкент вилояти сув хўжалиги тизимида турли масъулиятли лавозимларда меҳнат қилган.

Ҳ.ҲАМИДОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор (ТИҚХММИ).



ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҚОЗОҚ ЎҒЛОНИ

Мақоламиз қаҳрамони Абдуҳолиқ Абдурахманович АЙДАРҚУЛОВ Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар ва ундан кейинги даврда турли давлат идораларида раҳбар лавозимларда ишлаб, халқимиз назарига тушган инсонлардан.



Маълумки, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида азалдан турли миллат ва элат вакиллари тинч-тотув истиқомат қилиб келадилар.

Абдуҳолиқ акани қарийб ўттиз беш йилдан буён яхши танийман ҳамда унинг босиб ўтган ҳаёт ва меҳнат йўлларида бир қадар хабардорман. Сабаби 1982–1986 йилларда мен халқ депутатлари Тошкент вилояти ижроия қўмитаси раиси ёрдамчиси вазифасида ишлаётган давримда, Абдуҳолиқ ака халқ депутатлари Бўстонлиқ тумани ижроия қўмитаси раиси лавозимида меҳнат қилар эди.

Ўша даврда яшаган ва ишлаган одамлар бу даврни қанчалик мураккаб эканлигини яхши биладилар. Шунга қарамасдан у ўз вазифаларини виждонан бажарар, туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича изчил иш олиб борар, туман инфратузилмасини кенгайтиришга ҳаракат қилар эди.

Абдуҳолиқ аканинг айнан шу фазилатлари кейинчалик, уни республика-мизнинг қатор вилоятларида раҳбар лавозимларга тайинланишида эътиборга олинган бўлса ажаб эмас. У қайси вилоятда ишлагани ўзининг ташкилотчилиги, одамларга бўлган самимий муносабати билан қисқа давр ичида эл ҳурмати қозониб келди. Вилоятларда истиқомат қилувчи аҳоли турмушини ўрганиб, уларни қийнаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга, баҳоли-қудрат кўмаклашди.

А. Айдарқулов Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида туғилган, миллати — қозоқ. Олий маълумотли, 1964-йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини, кейинчалик Москва ижтимоий фанлар академиясини тамомлаган. У ўз меҳнат фаолиятини 1967 йилда Бўстонлиқ туманининг “Қишлоқ хўжалиги техникаси” (“Сельхозтехника”) бирлашмасида чилангарликдан бошлаган. Сўнг назоратчи

механик, цех бошлиғи, бош инженер лавозимларида ишлаган. 1971 йилдан 1977 йилгача туман “Қишлоқ хўжалиги техникаси” бирлашмасининг раҳбари, 1977 йилдан 1986 йилгача халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгаши ижроия қўмитасининг раиси, туман партия комитетининг биринчи котиби лавозимларида меҳнат қилган.

1986–1995 йилларда Навоий вилояти партия комитетининг котиби, халқ депутатлари Навоий вилояти ижроия қўмитасининг раиси, халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё вилоят ижроия қўмиталарининг раиси, Сирдарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби, Навоий вилоятининг ҳоқими лавозимларида самарали фаолият кўрсатган.

1995–2006 йилларда А.Айдарқулов Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ-таъминоттаъмир” бирлашмаси раҳбарининг ўринбосари, Республика таъриба-ремонт механика заводининг бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Уруғчилик бош бошқармаси раҳбарининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2006 йилдан буён пенсияда.

А.Айдарқуловнинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. У давлат мукофотлари, жумладан, “Ҳурмат белгиси”, “Меҳнат қизил байроғи” орденлари, “Шуҳрат” медали, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, халқ депутатлари Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туман Кенгашлари депутати этиб сайланган.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, Абдуҳолиқ ака ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган муносиб ҳаёт йўлини босиб ўтган. У қаерда ва қандай лавозимда ишлашдан қатъий назар меҳнат фаолияти давомида асосий эътиборини аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратиб келган.

Жумладан, Сирдарё ва Жиззах ви-

лоятларида минглаб гектар ерларни шўр босанлиги учун экин етиштиришга яроқсиз бўлиб қолган юзлаб гектар ер майдонларида дренаж ишларини бажариш натижасида қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланишга қайтарилди. Жиззах, Гулистон, Навоий шаҳарларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи қийин бўлган даврда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги кўмағида Самарқанддан Навоий шаҳрига тоза ичимлик суви қувурлари ўтказилди. Шунингдек, Жиззах ва Гулистон шаҳри аҳолиси ҳам тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Абдуҳолиқ ака истараси иссиқ, одамохун инсон. У қачон ва қайси лавозимда ишлагани, одамлар билан самимий муносабатда бўлишга ҳаракат қилади.

Бугунги кунда Абдуҳолиқ ака қарилик гаштини суриб умргузаронлик қилаётган бўлса-да, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқда. Уни ўтказиладиган тадбирларга, шу жумладан Ўзбекистондаги Қозоқ миллий маданият марказида ўтказиладиган тадбирларга таклиф этишади. Буни ишонч билан ёзаётганимнинг сабаби, мен ҳам ушбу марказ томонидан ўтказиладиган тадбирларнинг аксариятида иштирок этиб келаман. Шундай тадбирларда кўпинча Абдуҳолиқ ака билан учрашиб турамыз. Унинг 5 фарзанди, 14 та невараси ва иккита эвараси бор. Фарзандларининг барчаси олий маълумотга эга.

Маълумки, 2019 йил мамлакатимизда Қозоғистон йили деб эълон қилинган. Шундан фойдаланган ҳолда, мен авваламбор Абдуҳолиқ акага, юртимизда яшаётган қозоқ дўстларимга сиҳат-саломатлик ва икки қардош халқлар бирлигини мустаҳкамлашда амалга ошираётган ишларида улкан зафарлар тилаб қоламан.

Маҳмудхон ТОИРОВ,
меҳнат фахрийси.

1959 йилнинг 23 октябри эрта тонгида Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Абдунаби Ҳақимовнинг хонадонига чақалоқ ингаси янгради. Ота қавм-қариндошларига, ёр-биродарларига дўст, ҳамдам бўлсин дея ўғлига Рафиқжон исми-ни қўйди. Бугун республикада уни кўпчилик қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича йирик мутахассис, ўз касбининг билимдон, жонқуяр олим, ўз вазифасига сидқидилдан ёндашадиган хўшмуомила инсон сифатида яхши танийди.

Мирзо Улуғбек туманидаги 112-ўрта таълим мактабини аъло баҳоларга тугатган Р.Ҳақимов 1976 йилда хўжаликларини Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)нинг Мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультетига топширди. 1981 йилда олийгоҳ йўлланмаси билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига кичик илмий ходим лавозимида иш бошлади.

1982–1985 йилларда мазкур институт аспирантурасида ўқиб, қовун селекция бўйича илмий тадқиқотлар олиб борди. 1988 йилда “Селекция гетерозисных гибридов дыни на устойчивость к мучнистой росе” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ёш олим кейинги йиллар давомида институтнинг сабзавот ва полиз экинлари селекция лабораторияси кичик илмий ходими, катта илмий ходими, лаборатория мудир лавозимларида ишлади.

У 1996–1997 йилларда илмий ишларини ишлаб чиқариш билан боғлаб, “Ўзсабзавотнавуруғлари” уюшмасида уруғчилик бўлимини бошқарди.

Рафиқжон Ҳақимов 1998–2018 йилларда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига раҳбарлик қилди. 2018 йил июнь ойидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори ўринбосари лавозимида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўз соҳасининг фидойиси бўлган олимнинг илмий ва ишлаб чиқариш фаолияти мамлакатимизда сабзавот ва полиз экинлари селекция ва уруғчилигини ривожлантиришга қаратилган. Қовуннинг F₁ дурагайларини яратиш бўйича олиб борган селекция ишлари натижасида ун шудринг ясаллигига чидамли “Зарчопон” дурагайи қаратилиб, 1990 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган.

Р. Ҳақимов раҳбарлигида олиб борилган полиз экинлари селекция ишлари натижасида тарвузнинг эртапишар “Манзур”, ўртапишар “Дилноз”, “Шарқ неъмат”,

ЎЗ СОҲАСИНИНГ ФИДОЙИСИ

“Ширин” навлари, қовуннинг ўртапишар “Лаззатли”, “Суюнчи-2”, “Олтин водий”, “Кичкинтой”, “Дилхуш”, “Кўк мағиз”, кечпишар “Зар гулоби”, “Тўёна”, “Саховат”, “Гурлан”, “Амударё”, “Гулоби Хоразмий” каби навлари яратилган. Унинг раҳбарлигида маҳаллий қовун навларининг Ўзбекистоннинг турли минтақаларидан йиғилган 300 дан ортиқ навунавлари йиғилиб ўрганилди ва коллекцияси институтда сақланмоқда.

Бундан ташқари, помидорнинг “Дархон”, “Фахрий”, “Барлос”, “Дарё”, “Найман”, пиёзнинг “Сумбула”, “Оқ дур”, “Равнақ”, ош лавлагини “Диёр”, “Ягона”, салатбоп шолғомнинг “Гулшод”, барг шолғомнинг “Дармон”, бататнинг “Хазина”, сабзининг “Фаровон”, аччиқ қалампирнинг “Саид”, бодрининг “Шабнам”, исмалоқнинг “Ҳосилдор” навлари яратилган.

Очиқ майдонлар учун помидорнинг F₁ “Нурафшон”, ширин қалампирнинг F₁ “Жайхун”, бақлажоннинг F₁ “Замин”, бодрининг F₁ “Ширин”, “Дояра”, иссиқхоналар учун бодрининг F₁ “Сардор”, “Баҳора”, “Нурафшон” дурагайлари ҳам шулар жумласидандир.

Олимнинг сабзавот, полиз ва картошка экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясига бағишланган 270 дан ортиқ мақола, тавсия ва қўлланмалари чоп этилган. Яратилган сабзавот, полиз ва картошка навлари учун 45 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Унинг “Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги”, “Дыни Узбекистана” китоблари, “Сабзавот, полиз ва картошка экинларининг маҳаллий навлари каталоги” юртимиз илмий ходим, мутахассис ва фермер хўжаликлари томонидан қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

Р.Ҳақимов раҳбарлик қилган йилларда институтда чет эл илмий тадқиқот институти ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ишлари кенгайди. Жумладан, Жаҳон сабзавотчилик маркази (Тайван), Халқаро картошкачилик маркази (CIP, Перу), БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), КОИКА (Корея Республикаси), Кореянинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш маъмурияти (RDA), USAID (АҚШ), Агрико HZPS (Нидерландия), Норика (Германия) уруғчилик фирмалари, Ратгерс университети (АҚШ), Богор

университети (Индонезия), Бутунроссия сабзавот экинлари селекция ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти, Лорх-намди Бутунроссия картошкачилик илмий-тадқиқот институти, Қозоғистон картошкачилик ва сабзавотчилик илмий-тадқиқот институти ва бошқа ыатор ташкилотлар билан сабзавот, полиз, картошка экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиялари бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Бугунги кунда сабзавот ва полиз экинлари селекцияси бўйича олиб борилаётган Давлат илмий-техник лойиҳаларга раҳбарлик қилиб келмоқда. Бундан ташқари Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ва ушбу илмий кенгаш қошидаги илмий семинар аъзоси ҳамдир. Шунингдек, Жаҳон сабзавотчилик марказининг Ўрта Осиё ва Кавказ орти мамлакатлари минтақавий ваколатхонасининг Ўзбекистондаги координатори.

Институтда илмий тажрибаларни ўтказиш учун КОИКА ташкилоти томонидан 480 минг миқдорида сабзавот экинлари қўчатларини етиштирувчи замонавий иссиқхона, 100 минг АҚШ долларлик сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи Корея Республикаси технологияси асосидаги иссиқхона, 120 минг АҚШ долларлик жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий уруғчилик лабораторияси, сабзавот ва полиз уруғларини ажратувчи ва сараловчи техникалар, илмий тажрибаларда агротехник тадбирларни ўтказиш учун мини техникалар билан таъминланган ва уруғлик картошкани сақлаш учун 10 тонналик совуткичи омборхона қурилган.

Р.Ҳақимовнинг кўп йиллик самарали меҳнати, истеъдоди, касбий билими, илмий-ижодий салоҳияти соҳа мутахассислари ва кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилган. У республика миқёсидаги ютуқлари, фаолиятидаги тажрибалари, ташаббускорлиги ва изланувчанлиги билан ажралиб туради.

Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик фанининг йирик ва забардаст олими, ёшларнинг меҳрибон устози Рафиқжон Ҳақимовни таваллуд топганига 60 йил тўлиши муносабати билан самимий қутлаймиз.

Бир гуруҳ шогирдлари



O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:

Аброр ВАХАБОВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳодир РЎЗИБОВЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Алишер МАҚСУДОВ
Мурат САЛИХОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Мурод АШУРОВ

2019 йил,
№11. Ноябрь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг	
2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида	1
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори	
Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш	
чора-тадбирлари тўғрисида.....	3
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори	
Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш	
механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида.....	6
Мамлакатимиз экспорт салоҳияти юксалмоқда.....	8
Мўл ва сифатли ҳосил етиштириш омиллари	9
Р.СИДДИҚОВ, Н.ЮСУПОВ. Тўлиқ кўчат — бўлиқ ҳосил	10
С.А.ЎҚУЛОВ. Ҳайдов агрегатлари иш унумини оширишда инновацион	
усулларни қўллаш	11
О.ЭШДАВЛАТОВ, Ф.ҚУЛДАШЕВА, Ш. ХОЛИҚОВ. Асалари қишлови —	
синов даври.....	12
Шарафли касб эгалари.....	13
Ф. МИРЗАЕВ. Сурхон сувчилари	14
Ш.НОРМУРОДОВ. Ижро ва натижа	15
Оилавий экскаваторчилар.....	16
Бугунги омилдорлик — келгуси ҳосилдорлик	16
Ш.ЖАББАРОВА. “Жиззахкентекс”нинг зафарли одимлари	17
Р.ҚАЗОҚОВ. 1650 тонналик чўл жавоҳири. Оғиркарвон хўжалик.....	18
Ер суйган — эл ардоғида.....	19
К.ЭРГАШЕВ. Мен деҳқонман	20
Шомурод фермер.....	21
Р.ТОЖАЛИЕВА. Фарғона шунқорлари.....	22
У.МАМАЖОНОВ. Ўзбекистонда микропайвандлаш технологияси.....	23
Ҳосил салмоғи — омилдорликда.....	27
О.ОМОНОВ. Асалари захри — шифобахш оғу	28
А.ХАЙРИДДИНОВ. Иссиқхона агро илми	29
М.БОЙМАТОВА. Дунё соячилигидаги жараёнлар.....	30
Ш. ХАМРАЕВ, Р. ҚАРИШЕВ, А. КАРИМОВ. Қарши чўли шароитида	
ғўзани етиштиришда томчилатиб сўғориш технологиясини қўллаш	31
Б.ҚОСИМОВ, А.ҚОСИМОВ, Ф. ТЕШАЕВ, С.РАҲМОНКУЛОВ.	
Ғўзанинг истикболли “ЎзПТИ-202” нави тавсифи ва агротехникаси	33
А.ХАЙДАРОВ. Турли тупроқ унумдорлигининг “Андижон - 37” ва	
“ЎзПТИ-201” ғўза навлари чигитлари униб чиқишига таъсири	34
С.ЭГАМБЕРДИЕВА, Т.СЕЙТНАЗАРОВА. Ғўзанинг географик узок	
дурагайларидаги вилт касаллиги бардошлиги	35
Д.РАХМАНОВ, З.АХМЕДОВА, Т.ШОНАХУНОВ. Сифатли силос тайёрлаш.....	36
Т.ОСТАНАҚУЛОВ, Х.ХОНҚУЛОВ, А.ИСМОЙЛОВ, И.АМОНТУРДИЕВ,	
Ч.НАБИЕВ. Ширин маккажўхори нав ва дурагайларида диаллель	
чатиштиришнинг натижадорлиги.....	37
Х.АБДУЛЛАЕВА. Ўзбекистонда кулупнай мевасини етиштириш ҳамда	
ҳосилдорлигини ошириш омиллари	38
Ю.КЕНЖАЕВ. Сидерат экинлари уруғларини экишнинг оптимал	
муддатларини илмий асослаш	39
О.СУЛАЙМОНОВ, С.ЎТАГАНОВ, Б.СОБИРОВ, Ж.ЯХЁЕВ. Мевали боғларда	
“шарк мевахўри”га қарши инсектицидларнинг самарадорлигини аниқлаш	40
А.ШАДМАНКУЛОВ. Ўзбекистонда мевачилик ва сабзавотчиликнинг ривожланиши ..	41
С.ЗАКИРОВА, М.ТЕШАБОВЕВА, Н.КАДИРОВА. Влажность и полевая	
влагоёмкость почв и песков	42
Т.ОРТИКОВ, Х.АРТИКОВА, О.УМАРОВ, З.БАФОВЕВА. Формирование гумусного	
состояния луговых почв Бухарской области при разных степенях и типах засоленности.....	44
Х.ХАМИДОВ. Иригатор ва мелиораторлар сулоласи	45
М.ТОИРОВ. Ўзбек халқининг қозоқ ўғлони	46
Ўз соҳасининг фидойиси.....	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам
билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш.,
Шайхонтоҳур т., А. Навоий к., 44-уй.
Тел: +998 71-242-13-54,
+998 71-242-13-24.

www.qxjurnal.uz
E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,
qxjurnal@agro.uz

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2019 йил
28 октябрь. Босишга рухсат этилди: 2019 йил
28 октябрь. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет
усулида офсет қоғозида чоп этилди. Шартли
босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0.
Буюртма №40. Нусхаси 1600 дон.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа
бўлимида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа
тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари
қесими.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА